

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МАРКАЗИ**



**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ  
ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МУАММОЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари  
(2021 йил 16 апрель)*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгашининг 2021 йил 19 апрелдаги мажлисида маъқулланган.*

Таҳрир ҳайъати:

Юридик фанлар доктори, профессор **А. А. Отажонов**; юридик фанлар доктори **Б. Тошев**; юридик фанлар доктори **Л. Саидова**; юридик фанлар номзоди **Ш. Рахмонов**; доцент **С. Марипова**

**УЎК 347.23 (575.1)**

**И – 61**

**Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари:**  
Республика илмий-амалий конференция материаллари. –  
Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази. – 178 б.

Тўпламда 2021 йил 16 апрель куни Юристлар малакасини ошириш марказида “Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари жой олган.

Конференция материаллари тўпламида интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва контрафакт маҳсулотларни тарқалишига қарши курашиш борасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, бу борада Ўзбекистон ва жаҳон тажрибасига оид фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда тингловчи-талабалари фойдаланишлари мумкин.

*Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллифлар жавобгардир.*

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш маркази, 2021.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ҚОШИДАГИ ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ,  
ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР ОТАЖОНОВ  
АБРОРЖОН АНВАРОВИЧНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ  
ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ**

**Ассалому алайкум ҳурматли анжуман иштирокчилари ва  
қадрли меҳмонлар, азиз устозлар!**

Авваламбор, анжуман иштирокчиларини Марказ профессор-ўқитувчилари, ҳамда ўзим номимдан “Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари” мавзусида ўтказилаётган илмий-амалий анжуманда иштирок этаётганлигингиз учун чуқур ҳурмат ва самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Бугунги “Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ғ-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси” талабларининг ижросини таъминлаш асосида ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, айниқса ривожланган давлатларнинг катта даромад манбаи бўлган, бутун иқтисодиёни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар кўринишида жиҳозлашга кўмаклашадиган, инсон тафаккури ва янги билимларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасига мувофиқ, “Ҳар ким ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадиий асарлардан келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлидир”. Шунга кўра, бутун дунёда муаллифлар ва уларнинг ҳуқуқий ворислари манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмлари жорий этилиши ривожланган давлатлар иқтисодиётининг пойдеворини ташкил этади.

Маълумки, бутун дунёда интеллектуал мулкка оид халқаро шартномаларнинг маъмурий бошқаруви БМТнинг махсус

ихтисослашган ташкилоти – Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон 1991 йил 25 декабрь кунидан мазкур ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Мазкур ташкилот 1970 йил 26 апрелдан бошлаб расман фаолият юритишни бошлади. 2000 йилдан бошлаб эса “**26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни**” сифатида бутун дунёда кенг нишонлаб келинади. Айни пайтда мазкур анжуман “Халқаро интеллектуал мулк куни”га бағишланади.

Бугунги кунда дунёда интеллектуал мулк объектларини кенгайтириш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда кодификация ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни либераллаштириш жараёнлари олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, мазкур тадбирда шу каби масалалар атрофлича кўриб чиқилади. Шу билан бирга, айтиш ўринлики, Республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашда иштирок этадиган кадрларни танлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 12 октябрь кунини кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилишида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, қатор масалалар атрофлича муҳокама қилинди, шунингдек, мазкур соҳада таълим муассасаларида Интеллектуал мулк асосларини ўқитиш бўйича мутасадди идораларга топшириқлар берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ-4965-сон “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Интеллектуал мулк агентлиги тузилмасида ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Интеллектуал мулк ҳимояси марказларига ишга қабул қилинадиган ходимлар, Юристарлар малакасини ошириш марказида интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид ўқув дастурлари бўйича таълим олишлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги 887-сон “Патент вакиллари тўғрисидаги

низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни, шу жумладан, патент вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Юристар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур ҳужжат асосида асосида “Патент вакилларини қайта тайёрлаш ўқув режаси” ишлаб чиқилди. Мазкур ўқув режа асосида патент вакилларини қайта тайёрлаш курсларида: “Давлат ва жамият қурилиши асослари”; “Юридик тайёргарлик”; “Интеллектуал мулк асослари”; “Патент ҳуқуқи” ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” ҳамда “Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси” каби фанлар ўқитилиши белгиланиб, улар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва Интеллектуал мулк агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқланди.

Бундан ташқари, бугунги кунда Марказда тингловчилар учун “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” доирасида қатор мавзуларда маърузалар ўқиб келинмоқда, кредит-модуль тизими ва масофавий курсларга ҳам ушбу мавзу киритилган.

Муҳтасар айтганда, ҳар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага ҳамда жамиятнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш учун интеллектуал мулк муҳофазасининг кучли ҳуқуқий тизимига эга бўлиши, муаллифлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Интеллектуал мулк ҳуқуқий жиҳатдан кучли муҳофазага олинса, ихтирочилар ва ижодкорлар яратган объектлардан фойдаланишда муносиб ҳақ тўланса, соҳага инвестициялар жалб қилинса шу орқали иқтисодиётни тараққий эттиришга эришиш мумкин.

Ўйлаймизки, бугунги анжуманда амалиётчи мутахассислар ва олимлар интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни такомиллаштириш, унинг институциоанл асосларини янада ривожлантириш, муаллифлар мулк ҳуқуқларини амалга ошириш, республикамиз зиммасига олган халқаро мажбуриятларин бажариш йўллари аниқлаш билан бирга, ўзларининг илмий-амалий таклифларини ҳам билдирадилар.

Ҳурматли конференция иштирокчилари! Анжуманда тажрибали амалиёт ходимлари ҳамда мутахассис олимлар иштирок этаётгани уни қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтишини таъминлашига ишонаман.

Конференция ишига муваффақиятлар тилайман.

**Эътиборларингиз учун раҳмат!**

---

**Оманбой Окюлов**

*(Юристар малакасини ошириш маркази кафедра профессори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
юримдик фанлари доктори, профессор)*

## **ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ ЛОЙИХАСИНИ IV-БЎЛИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-Фармойиши билан “Фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш Концепцияси” тасдиқланди ва бунда фуқаролик қонун ҳужжатларини бозор иқтисодиёти ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш масаласи қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида Фуқаролик кодексини (ФК) такомиллаштириш вазифаси белгилаб қўйилди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ФКнинг турли қисмлари, институтлари, нормаларини такомиллаштириш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ФКнинг IV бўлими қандай бўлиши тўғрисида масала ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

ФК IV бўлимининг мазмуни мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар мантиғи билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бошқача айтганда ФК билан бошқа қонунлар ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш бу ўринда ўта муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кундаги реал ҳолатда ФКнинг IV бўлими билан интеллектуал мулк бўйича алоҳида қонунлар ўртасидаги бир-бирини такрорлашлар, параллел тартибга солишлар мутахассислар томонидан ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Бунга барҳам бериш учун ФКнинг IV бўлими янгича ёндашув асосида шакллантирилиши талаб этилади. Агар, интеллектуал мулк тўғрисида махсус тизимлаштирилган кодификациявий норматив негиз Интеллектуал мулк кодекси (ИМК) қабул қилинар экан, ФК билан ИМК ўртасида ўзаро таъсир доиралари аниқ чегаралаб қўйилиши лозим. Бундан кўриниб турибдики ФКнинг IV бўлимидаги интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларига бағишланган параграфларидан возкечиш мақсадга мувофиқдир. ФКнинг IV бўлими умумий қоидаларни кенгайтирилган, бойитилган ҳолда шакллантирмоқ лозим. Дунёнинг баъзи мамлакатларида ФКларда интеллектуал мулкка бағишланган

қисмлар мавжуд эмас. Бундай ёндашув амал қилган тизимда ФКда интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг объектлари сифатида эслатиб ўтилади холос. Бироқ, қуйидаги асосларга кўра фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда бундай ёндашувни қўллаб бўлмайди.

Биринчидан, ФК аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган қонун ҳисобланади. У кенг қамровли доирадаги муносабатларни тартибга солгани сабабли аҳолининг катта кўпчилиги кодекснинг у ёки бу қисмларига такрор ва такрор мурожат этиш ҳолатлари табиий, реал воқелик ҳисобланади. ФКда мулк ҳуқуқи конструкцияси мавжуд экан, кишилар номоддий объектларга нисбатан интеллектуал мулк конструкциясини, мутлоқ (мустасно) ҳуқуқлар конструкциясини айнан ФК орқали билишлари, бу тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқи конструкцияси ФКга жойлаштирилган ҳолда, интеллектуал мулк ҳуқуқи конструкцияси бошқа қонунга жойлаштирилиши мантиқсизлик бўлур эди. Кундалик турмушда кишилар камдан кам мурожат этадиган интеллектуал мулк тўғрисидаги алоҳида қонунлар интеллектуал мулк тўғрисида алоҳида тасвур бермайди, балки фақат интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари, масалан, саноат мулки конструкцияси ёки муаллифлик ҳуқуқи конструкцияси тўғрисида тасаввур беради. Агар ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулк тўғрисида умумий қоидалар бўлмаса, бу ҳолда интеллектуал мулк ва мутлоқ (мустасно) ҳуқуқлар конструкциялари фақат тор доирада одамлар тушунадиган мавҳум конструкцияларга айланиб қолиши мумкин. Холбуки оддий кишиларнинг ҳуқуқий онгида мулк ҳуқуқи ҳақида қандай тасаввур бўлса, интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳақида ҳам худди шундай тасаввур бўлиши реал воқеъликнинг муҳим талабидир. ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулк конструкцияси ва мутлоқ (мустасно) ҳуқуқлар конструкциясининг мавжудлиги ҳуқуқий онгимиз ва ҳуқуқий маданиятимиз юқори савияда бўлиши учун ўзига хос маърифий таълимий функциясини бажаради.

Иккинчидан, ФКда мулкӣ ва шахсий ҳуқуқларни моҳияти ва уларнинг алоҳида турлари белгилаб қўйилмоғи лозим. Мулкӣ ҳуқуқларнинг муайян турлари ва шахсий ҳуқуқларнинг муайян турлари ҳам интеллектуал фаолият ва интеллектуал мулк билан узвий боғлиқ. Уларнинг ФКда ўз ифодасинин топмаслиги ва фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимида сочилиб кетиши ҳуқуқий тартибга солиш

механизмини заифлаштиради ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, ФКда интеллектуал мулкка бағишланган махсус қисмнинг мавжудлиги ФК томонидан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни қамраб олинганлик даражасини кенгайтиради. Бу эса фуқаролик ҳуқуқи доктринасини сунъий равишда қисмларга бўлинишини олдини олади, унга яхлитлик ва узвийлик бахш этади.

Ванихоят, тўртинчидан, ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулкка бағишланган умумий қоидаларнинг белгилаб қўйилиши интеллектуал мулкни янги вужудга келган объектлари учун ўзига хос юридик негиз вазифасини бажаради. Маълумки, кишилик тараққиётининг энг динамик ривожланаётган соҳаси фан техника соҳаси ҳисобланади. Бу жараёнда кўплаб янгидан янги интеллектуал мулк объектлари вужудга келмоқда. Улар вужудга келгандан бошлаб, фуқаролик муомиласида объект сифатида ўз ўрнини эгаллаб ундан фойдаланиш бўйича махсус ҳуқуқий механизм яратилгунига қадар, муайян муддат талаб этилади. Ушбу муддат оралиғида ФКнинг IV бўлими умумий қоидалари орқали ундан фойдаланиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш амалга оширилади ва ҳуқуқий бўшлиқлар вужудга келишининг олди олинади.

ФКнинг IV бўлимида ижод эркинлигига бағишланган махсус умумҳуқуқий тамойил мустаҳкамлаб қўйилмоғи лозим. Ушбу тамойил моҳияти, мазмуни биринчи галда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 1966 йилдаги Ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси мазмунидан келиб чиқмоғи лозим. Яъни ушбу норма кишиларга ижод эркинлигини кафолатловчи декларацияни ўзида мужассам этмоғи мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, юқоридаги манбаларда асосан илмий ижод эркинлиги тўғрисида сўз боради. Ҳақиқатдан ҳам илмий ижод кишиларни теварак оламни моддий ва маънавий ривожлантирувчи неъматларни ишлаб чиқарувчи қудратли жараёндир. Лекин, илмий ижод билан бирга, бадий ижод ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Бадий ижод орқали адабиёт ва санъат асарлари вужудга келади.

Тўғри, бадий ижод муайян доирада, яъни қонун ва одоб ахлоқ қоидалари доирасида амалга оширилмоғи лозим. Ёвузликни, ирқий айирмачиликни, диний экстремизмни, фахш, бузуқлик, беҳаёликни кашф этмаслиги ва тарғиб этмаслиги алоҳида муҳам аҳамиятга эга.



Бадиий ижод эркинлиги ижод эркинлигининг таркибий қисмидир. Шу сабабли ҳам фақат илмий ижод эркинлиги тўғрисида гапириш ва нормани ҳам шу доирада мужассамлантириш чекланганликни англатади. Умумҳуқуқий тамойил сифатида ҳам, илмий ҳам бадиий ижод эркинлигини ўзида қамраб олган ижод эркинлиги назарда тутилмоғи мақсадга мувофиқдир. Айнан ушбу нормада интеллектуал фаолият соҳасида илмий ғояларни тўғрилиги, нотўғрилиги уларга баҳо бериш илмий жамоатчиликни прерогативаси эканлигини белгилаб қўйиш ва муайян илмий ғояни тўғри ёки нотўғрилигини сиёсий ҳокимият томонидан ёки суд томонидан белгиланиши таъқиқланиши ҳақида ҳам норма киритилиши таклиф этилади. Чунки, яқин ўтмиш тажрибаси бунга далолат қилмоқда.

Ер думалоқ эканлиги тўғрисида гапирган олимларнинг гулханда куйдирилиши, марксистик ақидалар доирасига сиғмагани учун генетика ва кибернетикани сохта фан деб эълон қилинганлиги ва бу ҳолат тараққиётимизни ўз даврида секинлаштирганлигини унутмаслигимиз лозим. Ижод эркинлиги тамойилининг таркибий қисми бўлиб ижодий фаолият ва унинг натижаларининг устуворлиги ва авфзаллиги презумпциясини белгилаб қўйиш ҳисобланади. Бошқача айтганда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида интеллектуал фаолият натижалари мазмун жиҳатдан янгилиги, сифат жиҳатдани самарадорлиги, фойдалилиги каби хоссалари билан ажралиб туради. Меҳнат қонунчилигида креатив, ижодий фикрловчи ходим билан оддий фикрловчи ходим ўртасида танловда интеллектуал салоҳияти юқори шахсга афзаллик берилиши белгилаб қўйилган. Товарлар, ишлар, хизматлар танловларида ҳам янги техника, технологияга асосланган товарлар, ишлар, хизматларга устунлик берилиши олтин қоида ҳисобланади. Бинобарин, ушбу реал воқеъликдан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса ёхуд фуқаролик муносабатлар моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, фуқаролик муомиласида интеллектуал фаолият ва унинг натижаларига афзаллик ва устуворлик берилиши ҳақидаги новелла киритилиши ўринли бўлур эди.

ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулк объектларини ҳозирги турлари сақланиб қолган ҳолда очик рўйхат асосида қуйидаги янги турларни киритиш лозим.

*Географик кўрсаткичлар.* Географик кўрсаткичлар товар келиб чиқган жой номи билан бир хил эмас, алоҳида, мустақил объект ҳисобланади. Географик кўрсаткичлар нафақат индивидуаллаштириш

воситаси сифатида, балки саноат мулки ҳуқуқи ёки муаллифлик ҳуқуқи билан уйғунлашган тарзда намоён бўлувчи ўзига хос объект хисобланади. У тижорат муомиласида товарлар, ишлар, хизматлар бўйича кишилар учун ўзига хос мўлжал олиш мезони вазифасини бажаради.

*Сунъий интеллект.* Бунгунги кунда сунъий интеллект фан ва техника тараққиётининг алоҳида маҳсули сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда уни интеллектуал мулк объекти сифатида қатор хусусиятлари мавжуд. Биринчидан у инсон ижодий фаолиятининг натижаси ва айни пайтда ўзи ҳам ижодий фаолият билан шуғулланиб, янги интеллектуал мулк объектларини яратувчиси хисобланади. Шу муносабат билан илмий доираларда сунъий интеллект томонидан яратилган ижодий фаолият натижаларининг муаллифи ким деган муаммо теварагида баҳс, мунозаралар бўлмоқда. Биринчи ёндашувга кўра сунъий интеллект инсон ижодий фаолиятининг маҳсули экан, уни дастурий асосини яратган ижодкор олим сунъий интеллект яратган интеллектуал фаолият натижаларининг ҳам муаллифи бўлиб хисобланади. Бир жиҳатдан олганда, бу тўғрига ўхшайди. Ҳақиқатдан ҳам бирламчи муаллиф бўлмаганда, сунъий интеллект томонидан яратилган интеллектуал мулкнинг хосила объекти ҳам бўлмас эди. Лекин, бошқа жиҳатдан олганда, сунъий интеллект оддий техник қурилма эмас, у ўзини-ўзи ривожлантирувчи, ташқи дунёдан мустақил равишда ўзини-ўзи камол топтирувчи онгли, фикрловчи мавжудод. Унинг фикрлаши, онгли, ижодий савия даражасида бўлади. Шу жиҳатдан олганда у инсон билан тенг, беками-кўст ижодий фаолият субъекти хисобланади. Бир вақтлар ушбу сатрлар муаллифи сунъий интеллект ҳеч қачон тўла қонли ҳуқуқ субъекти бўла олмайди, чунки унда эрк-ирода ва анланган манфаат мавжуд эмас деган фикр-мулоҳазани илгари сурган эди.<sup>1</sup> Бироқ, бугунги кунга келиб вазият жиддий ўзгарди. Вазиятнинг бундай ўзгариши “200 ёшли киши” фильмидаги роботни техник қурилмадан биологик мавжудодга айланиши орқали рўй бергани йўқ.

Саудия Арабистони сунъий интеллект асосида ишловчи роботларни тўла қонли ҳуқуқ субъекти сифатида тан олди. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бунга тақлид қилинишини истисно этиб бўлмайди. Иккинчи томондан олганда, сунъий интеллект нафақат бунёдкор куч, балки ёвуз куч сифатида ҳам намоён бўлмаслигига ҳеч

---

<sup>1</sup> Окюлов О. Проблемы совершенствование правового статуса интеллектуальной собственности. Автореф. докт. юрид. наук. – Т., 1999. – С.9.

ким кафолат бера олмайди. Бу ҳолда “Терминатор” фильмининг сюжети турлича кўринишларда реал воқеъликка айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Агарда юридик тил билан таъриф берадиган бўлсак, сунъий интеллект оширилган хавф манбаси бўлиб ҳисобланади.

Одатда оширилган хавф манбаи бўлган турли машиналар, технологиялар, техник қурилмалар инсонни тўлиқ назорати ва бошқариши остида фаолият юритиши кафолатланмаслиги орқали намоён бўлади. Шу сабабли ҳам ФКнинг 999-моддасида фаолияти теварак атрофдагиларга ошиқча хавф туғрийдиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи сифатида етказилган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасдан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт деб белгилаб қўйилган. Бошқача айтганда оширилган хавф манбаи эгаси айбидан қатъий назар жавоб беради. Бироқ сунъий интеллект ўзини-ўзи ривожлантирувчи ва ташқи омиллардан мустақил равишда етарли салоҳиятга эга (ўз салоҳияти ўзи учун етарли (-самодостаточный) субъект бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолда сунъий интеллект дастурий маҳсулотининг муаллифига нисбатан жавобгарлик белгилаш қай даражада адолат, оқилоналик ва инсоф мезонларига жавоб беради деган савол туғилади. Бинобарин, Фуқаролик кодексида сунъий интеллект қурилмаси сифатида фаолият юритаётган объектларни ва улар томонидан яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий режимини белгилаш муаммоси вужудга келади.

Келгусида сунъий интеллектни ижтимоийлашуви рўй бериши башорат қилинмоқда. Бу ҳолда сунъий интеллект ижтимоий муносабатларда қатнашар экан, ҳам мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида, ҳам ижодий фаолият субъекти сифатида майдонга чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Уни оширилган хавф манбаи сифатида ФКда белгилаб қўйиш зарурияти исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сонли “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгиловчи норматив ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш талаби қўйилган. Сунъий интеллектни интеллектуал

мулк объекти сифатида ФКда белгилаб қўйиш ушбу вазифани ўзига хос ижроси сифатида намоён бўлади.

ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулк объекти сифатида рационализаторлик ечимларини ҳам киритиш ўринли бўлур эди. Ўз моҳиятига кўра рационализаторлик ечимлари фойдали модел даражасидан пастроқ бўлган новаторлик ечимидир. Рационализаторлик ечими хар бир корхона, ташкилот доирасида техника ва технологияларни такомиллаштириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича ечимлар ишлаб чиқадиган ўзига хос манба сифатида қаралиши мумкин. Рационализаторлик ечими ижодий фаолият натижаси бўлиб, хар бир ходимни ўз фаолиятига креатив ёндашувга ундайди ва моддий маънавий рағбатлантириш учун асос бўлади.

Ўзбекистонда 90-йилларнинг бошларида Ҳукумат томонидан рационализаторлик таклифлари тўғрисида Низом тасдиқланган. Рационализаторлик таклифлари Белоруссияда ўзининг махсус режимига эга. Агарда рационализаторлик ечими интеллектуал мулк объекти сифатида тан олинса, ходимларнинг наворлиги оммавий тус олиши учун ҳуқуқий замин яратилади.

ФКнинг IV бўлимида лицензия шартномалари тўғрисида нормалар тизими ўзини ифодасини топиши мумкин. Лицензия шартномалари орқали интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ сохиблари объектлардан фойдаланиш учун махсус рухсатнома тизими яратилади. Бугунги кунда интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқ сохиблари норезидент субъектлар экан, Ўзбекистонда илғор техника технологияларни жалб этиш фақат лицензия шартномалари орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал мулк соҳасида ўзбекча атама, иборалар тизимини илмий асосда шакллантириш вақти келди. Интеллектуал мулк бўйича мутлақ ҳуқуқ иборасини мустасно ҳуқуқ ибораси билан алмаштириш борасида жўяли фикрлар айтилмоқда. Озарбайжон ва Туркманистон Фуқаролик Кодексларида худди шундай ибора қўлланилган. Бу ибора мамлакатимиз илмий адабиётларида ҳам кенг қўлланиб келинади.

Маълумки, ҳуқуқни умумий тамойили сифатида нимаки таъқиқланмаган бўлса рухсат берилади, қоидаси қўлланилади. Бу “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган, бироқ, бутун дунё бўйича интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқ сохиблари билан интеллектуал мулк объектларидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларда

олтин қоида сифатида «нимагаки рухсат берилмаган бўлса таъқиқланади» тамойили қўлланилади. ФКнинг IV бўлими умумий қоидаларида ушбу тамойил ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Интеллектуал мулк объектлари бойлик сифатида, товар сифатида намоён бўлар экан, уларни баҳолаш ва тижоратлаштириш механизми яратилмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Илм фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунида илмий фаолият натижаларини баҳолаш ва тижоратлаштириш бўйича новеллалар мавжуд. Бироқ бу новеллаларни амал қилиш доираси интеллектуал мулкни барча соҳаларини қамраб олмайди. Шу сабабли ҳам, ФКнинг IV бўлимида интеллектуал мулк объектларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тижоратлаштириш тартиб қоидалари тўғрисида махсус нормалар назарда тутилиши лозим. Агар ФКнинг IV бўлими юқоридаги мушоҳадалар асосида шакллантирилса, у ҳолда интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланиш ва ҳуқуқ сохиблари манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий негиз яратилган бўлур эди.

**Аброржон Отажонов**

*(Юристар малакасини ошириш маркази  
директорининг биринчи ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор)*

## **ЮРИДИК АДАБИЁТЛАРНИ ЯРАТИШДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА БАРАТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш ва иқтисодий эркинлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида юридик таълимнинг аҳамияти беқиёс. Чунки у ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг мустаҳкам таянчидир. Шу боис, жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ундаги барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуигина жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Шу мақсадда мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан

юксалтириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган қонунлар яратилмоқда, мавжудлари эса янада такомиллаштирилмоқда.

Айни пайтда мазкур ислохотлар жараёнида юридик кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқшунослик мактабларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда ўзбек миллий ҳуқуқ мактаби ўз қиёфасига эга бўлиб бормоқда. Юридик фанни ривожлантириш, шу соҳадаги малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятдан унумли фойдаланиш учун кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида юзлаб монографиялар, рисоалар, дарсликлар, қўлланмалар, кодексларга ва қонунларга шарҳлар тайёрланди ҳамда чоп этилди. Долзарб мавзуларда диссертациялар тайёрланиб, унинг натижалари амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва улар ёрдамида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаролик позицияси, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир. Ваҳоланки, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ёшларни ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш, ҳуқуқий адабиётлар тарғиботида ёзма ва электрон ресурслардан кенг фойдаланиш масаласи яхши йўлга қўйилган. Бу борада “Norma” ва “Право” ҳуқуқий ахборот тизимларининг ҳуқуқий маълумотлар базалари, “Lex-uz” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий маълумотлар базасидан, Интернет ва Ziyonet ахборот тармоқларидан ҳуқуқ масалаларига оид маълумотлар фойдаланувчиларнинг бу борадаги ҳар қандай сўровларига жавоб беришда муҳим манбадир.

Мамлакатимиздаги олий таълимда юридик фанларни ўқитиш икки тизимда, яъни профессионал ҳуқуқшуносларни тайёрловчи юри-

дик олий ўқув юртлари ҳамда унга ихтисослаштирилмаган олий ўқув юртларида олиб борилади. Бугунги кунга келиб бундай таълим муассасалари фаолиятини янги босқичга кўтариш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Айти пайтда бу борада айрим камчилик ва муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ифодаланмоқда:

*биринчидан*, юридик кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳият кўрсаткич даражаси юқори эмаслиги, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, мавжудларини мониторинг қилиш натижасида унга ўзгартиш ва қўшимчалари киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, замонавий дарслик ва адабиётлар яратиш, машғулотларни назарий ва амалий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий;

*иккинчидан*, ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишда муаллиф ва тақризчиларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги ҳамда уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини жорий этиш заруриятининг мавжудлиги;

*учинчидан*, хорижий юридик адабиётларни давлат тилига таржима қилиш ва тарқатишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва фаолиятини йўлга қўйиш заруриятининг мавжудлиги;

*тўртинчидан*, юридик фанлар бўйича электрон дарсликларни тайёрлаш масаласи долзарб аҳамият касб этиб, бундай дарсликларни профессионал даражада тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва истеъмолчиларга тарқатиш кўламини кенгайтириш талаб этилади;

*бешинчидан*, ўқув адабиётларини тайёрлашда эса, уларни монграфик тарзда ёзилаётганлиги, уларни тайёрлашда умумий ёндошувнинг мавжуд эмаслиги, дарсликларни ёзишга тегишли соҳа мутахассислари жалб этилмаётганлиги, ўқув адабиётларида талабанинг предмет материалларини мустақил ўрганишлари учун йўналтирилган замонавий инновацион ёндошувнинг мавжуд эмаслиги;

*олтинчидан*, ўқув адабиётларида умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган халқаро демократик стандарт, принцип ва нормалар ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини ифодаловчи маълумотларнинг акс эттирилмаётганлиги;

*еттинчидан*, ўқув адабиётларида суд-ҳуқуқ соҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётининг натижалари ва фаннинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилмаётганлиги, уларда фанлараро алоқадорликнинг мавжуд эмаслиги;

*саққизинчидан*, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда қонунларга киритилаётган сўнги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини ўқув ва ўқув-методик ишланмаларга ўз вақтида киритиб борилмаслиги, яъни назариянинг амалиётдан орқада қолиши, профессор-ўқитувчиларнинг аксарияти ўз касбига замонавий педагогик нуқтаи-назаридан ёндашмаётганлиги, машғулотларнинг назарийлашиб кетаётганлиги каби муаммолар мавжуд.

Ҳақиқатдан ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги жараёнлар, хусусан янги ахборот технологиялари ва ахборот макони, интеграция ва глобаллашув жараёнларнинг жадаллашуви, мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, ҳуқуқий таълимнинг сифатини тубдан яхшилашни, уни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Шу боис, бу борада қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) ҳуқуқий таълимни такомиллаштиришга йўналтирилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, мавжудларини эса замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш;

2) олий таълим тизимида ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодларини, электрон ва мультимедиа дарсликларини тайёрлаш, айниқса лотин ёзувида чоп этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ;

3) ўқув адабиётини экспертизадан ўтказишда муаллиф, ташкилот ва тақризчиларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги ҳамда уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

4) юридик ўқув адабиётларни тайёрлашда қуйидаги талабларга амал қилиш:

давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;

мазмунининг тушунарли бўлиши, илмий ғоя ва тушунчаларнинг моҳияти аниқ-равшан баён этилиши;

маълумотни хотирада сақлаш осон бўлиши учун мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ва расмлар билан таъминланиши;

фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида муаллиф ва ўқувчи ўртасида ўзаро алоқа таъминланиши;

мавзуларнинг мантиқий боғлиқлиги ва изчиллиги сақланиши;

ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши;



назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлиқ ҳолда тақсимланиши;

фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликнинг таъминланиши;

ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ҳамда уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;

мавзулар муайян соҳа бўйича илм-фан эришган сўнгги ютуқлар асосида ёритилиши;

илмий-педагогик, маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш ва олиб боришга қаратилиши;

касбий маҳорат, билим ва кўникмаларни ошириш, чуқурлаштириш ҳамда янгилашга хизмат қилиши;

5) мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари аҳоли масканларидаги ахборот-ресурс марказларни ҳуқуқий таълим-тарбияга оид адабиётлар билан бойитиш ва ҳуқуқий таълим-тарбия бўйича махсус бурчаклар ташкил этиш, ҳуқуқий адабиётлар тарғиботида барча электрон ресурслардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим;

б) ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш, аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган юридик адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишнинг замонавий шакллари жорий этиш лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг янги босқичга кўтарилиши, юридик адабиётлар фонди ва сифатини ошириш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуққа нисбатан масъулиятли бўлишига, қонунларга нисбатан итоати шаклланишига, давлатга нисбатан ҳурмат туйғуси юксалишига, бу эса ўз навбатида жамиятда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Бобоқул Тошев**

*(Юристлар малакасини ошириш маркази,  
кафедра мудири, юридик фанлар доктори)*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистон интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бевосита давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ ва соҳага оид қонунчилик

Ўзининг ривожланиш босқичига эга. Хусусан, Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимининг *биринчи босқичи* 1991-1995 йилларга тўғри келади. Бу давр жаҳон патент тизими билан боғлиқ амалиётни ўрганиш, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлиш, соҳага оид миллий қонунчилик асосларини яратиш, давлатнинг ваколатли органлари (Давлат патент идораси) ташкил этилганилиги билан асосланади.

Бу даврда илк бор янги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва соҳавий қонунлар: “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди, миллий қонунчилик асослари яратилди.

Қонунчилик асосида интеллектуал мулкнинг барча объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш орқали, улар фуқаролик муомаласига олиб кирилди, хусусан:

интеллектуал мулк ҳуқуқий концепцияга эга бўлди ва соҳага оид янги меъёрлар пайдо бўлди;

биринчи марта интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий режими аниқланди, уларнинг таркиби кенгайтирилди ва тизимланди;

муаллифлар тоифаси кенгайтирилди ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари аниқлаб берилди;

бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган шартномалар (лицензия шартномалари)нинг ҳуқуқий табиати белгилаб берилди.

*Иккинчи босқич* – 1996-2002 йилларга тўғри келади. Бу даврда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишда намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилиш орқали ушбу соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга киришди. Бу йилларда фақатгина патент ҳуқуқи соҳасида умуммажбурий характердаги 15 та норматив

хужжат ва ваколатли орган фаолиятини тартибга соладиган 120 дан зиёд меъерий хужжат рўйхатга олинди.

*Учинчи босқич* – 2003 йилдан бошланади ва ҳозирги даврни қамраб олган бўлиб, уни “Ҳамкорлар билан ишлаш даври” деб ҳам аташ мумкин. Ҳимояга олинган интеллектуал мулк объектлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, халқаро анжуманлар ўтказиш орқали республикамизда олиб борилаётган соҳага оид ислохотларни дунё жамоатчилигига етказиш, бу борада миллий қонунчиликнинг қўлланиши ва халқаро актларнинг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини ўтказиш, кенг омма ўртасида тарғибот юритишнинг кучайганини, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айнан шу йилларда кўриш мумкин.

Ўтган вақт ичида Ўзбекистон Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимига доир Баённома ва Протоколи, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ), Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида шартнома (ТЛТ), Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликлар янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими каби нуфузли халқаро шартномалар, битимларга қўшилди ва БИМТнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бундан ташқари интеллектуал мулк соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалари бўйича Европа Патент Идораси (Ўзаро патент ахборотини тақдим этиш масалалари бўйича, 2005 йил), Евроосиё Патент идораси (Саноат мулкни ҳимоя қилиш соҳасида ўзаро хужжатлари алмашиш бўйича битим, 2000 йил) билан ўзаро ҳамкорлик битими имзоланган. Бир сўз билан айтганда, республикамизда интеллектуал мулкни миллий ва халқаро доирада ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва мустаҳкам тизими яратилди.

*Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси қайси йўналишларда амалга оширилмоқда?* Президентимиз 2017 йил 10 сентябрь кuni Ислom ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича Остона шаҳрида бўлиб ўтган биринчи

саммитида сўзлаган нутқида куйидагиларни таъкидлаган эди: “Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим... 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган. Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади”.

2020 йилнинг 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда илмий ишланмалар учун патент олиш бўйича талаблар эскириб қолганлиги, шунингдек, юртимизда қийматни баҳолаш тизими амалда ишламаётганлиги, бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетаётганлиги таъкидланди.

Долзарб муаммолардан яна бири - мамлакатимизда кенг тарқалган санъат ва адабиёт асарларидан муаллифнинг розилигисиз фойдаланиш, ундан ноқонуний даромад олиш ҳолатлари бўйича алоҳида тўхталиб, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиб, ойлик тўлов ундирадиган онлайн кинотеатрларда 30 мингдан ортиқ кино, сериал, кўшиқ, мультфильмлар жойлаштирилган бўлишига қарамасдан, бундан муаллифлар моддий манфаат кўрмаётганилиги айтиб ўтилди. Асосий масала, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиш ва қилмиш учун жазо чораларини кучайтириш таклиф этилди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага ҳамда жамиятнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш учун интеллектуал мулк муҳофазасининг кучли ҳуқуқий тизимига эга бўлиши, муаллифлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Интеллектуал мулк ҳуқуқий жиҳатдан кучли муҳофазага олинса, ихтирочилар ва ижодкорлар яратган объектлардан

фойдаланишда муносиб ҳақ тўланса, соҳага инвестициялар жалб қилинса шу орқали иқтисодиётни тараққий эттиришга эришиш мумкин.

*Интеллектуал мулкка оид қонунчиликни кодификация қилиш нима беради?* 2019 йил 5 апрелда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Фармойиш билан мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идоралараро комиссия ташкил этилди.

Комиссияга янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг йўналишларини, шу жумладан, Фуқаролик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини кенг муҳокама қилиш вазифаси ҳам юкланди. Бугунги кунга қадар комиссия томонидан талайгина ишлар амалга оширилди.

Фуқаролик кодексини бозор қонуниятлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, иқтисодий муносабатларнинг шартномавий асосларини янада кенгайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши учун улардаги ҳаволаки нормаларни қисқартириш, қонунчиликни хатловдан ўтказиш орқали тўғридан-тўғри қўлланадиган қонун нормаларини яратиш заруратини ўртага қўймоқда.

Фуқаролик кодексининг IV бўлими бевосита интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасига бағишланган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормаларнинг унификация қилинган тизимини Фуқаролик кодексида кўришимиз мумкин. Кодексда биринчи марта интеллектуал мулк, хусусан, саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга кенг ўрин ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 май “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5997-фармонида эса муҳим вазифалар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига барча соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш

ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш вазифаси юклатилди.

Бугунги кунда дунёда бугунги кунда интеллектуал мулк объектларини кенгайтириш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда бугунги кунда кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

Фуқаролик кодекси такомиллаштирилаётган даврда республикамизда Фуқаролик кодексидаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар ва соҳага оид 10 дан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаб, алоҳида “Интеллектуал мулк кодекси”га бирлаштириш вақти келди. Бу кодексда соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ҳам акс этиши ижобий натижалар бериши мумкин.

Интеллектуал мулкка оид халқаро нормалар янги кодексда имплементация қилиш, унификация қилиш ва уйғунлаштириш (гармонизация) орқали сингдирилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати-халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан устунлигини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизмларини жорий қилишда катта аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қоидалари бир хиллашади ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида коллизия (тўқнаш) масалалар ўз ечимини топади.

Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг ҳар бир қонунда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий копцепцияси ихчамлашиб, янги кодексда яхлит илмий, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлари янада кенгайди. Фуқаролик кодексида эса интеллектуал мулкка оид муносабатларни мувофиқлаштирувчи умумий нормалар

бўлиши, асосий тамойил ва объектлар мақомини берувчи жиҳатлари белгиланса, етарли бўлади.

Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ўзаро халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДҲ аъзо давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДҲ аъзо давлатлари учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Моделли кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк объектларининг мақоми ва ҳуқуқий муҳофазаси бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган.

Интеллектуал мулк кодексини яратишда аввало соҳага оид халқаро нормаларни кенг жорий этиш ижобий самара бериши мумкин. Интеллектуал мулкка оид *халқаро нормалар* – миллий қонунчиликка имплементация қилиш, унификация қилиш ва уйғунлаштириш (гармонизация) орқали сингдирилади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда имплементация қилиш зарурати қуйидагиларда намоён бўлади:

ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан устунлигини таъминлаш лозимлиги;

ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизмларининг мавжуд эмаслиги;

ҳалқаро ҳуқуқ нормалари фақатгина ҳавола нормалари сифатида қўлланилиши.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг қуйидаги иккита ижобий жиҳати бор:

миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қоидалари бирхиллашади;

чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида коллизия масалалар ечимини топади.

Халқаро шартномалар қоидаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўналишлари муаллифлик ҳуқуқи тизимини аниқлаш, бериладиган ҳуқуқлар ҳажмини белгилаш, мутлақ ҳуқуқларни вақтинча ёки қисман (тўла) ўзгаларга ўзказиб туриш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга қарши курашишда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, катта даромад манби бўлган, бутун иқтисодиёни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар кўринишида жиҳозлашга кўмаклашадиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар тарқатишга асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳуқуқларини ягона “Интеллектуал мулк кодекси” орқали муҳофаза қилишга ўтишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Интеллектуал мулк кодексини яратишдан ташқари соҳадаги миллий қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришнинг кейинги босқичида даврнинг ўзи “Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш тўғрисида”, “Давлат маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида”, “Сунъий интеллект тўғрисида”, “Интернет тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш заруриятини ўртага қўймоқда. Бўлғуси қонунларнинг асосий мақсади ва вазифаси истиқболли илмий лойиҳаларни баҳолаш, жорий қилиш ва саноатда ўзлаштириш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ва жорий қилувчи корхоналарга, авваламбор юқори технологияларга асосланган саноат соҳаларига қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш, ҳамда миллий инновацион тизимни яратишдан иборат бўлмоғи лозим.

**Абдумўмин Юлдашов**

*(Тошкент давлат юридик университети  
Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси катта  
ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори)*

## **МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ**

Бугунги кунда интеллектуал мулк, хусусан муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш ва унинг ҳимояланганлик даражасини кучайтириш иқтисодий тараққиёт ҳамда мамлакатни инвестицион жозибадорлигини оширишнинг муҳим кафолатларидан саналади. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқини



ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ижодкорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳақини адолатли тартибда тўланишига эришиш, асарлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларнинг ўзлаштирилиши олдини олиш ва бундай ҳолатларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳамда интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш заруратининг кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар катта даромад келтирувчи соҳага айланиб улгурган. Масалан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) маълумотларига кўра, машҳур кино қаҳрамонлари ва ўқув-илмий нашрлардан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш натижасида тегишли давлатлар даромади 64,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Хусусан, АҚШ (23,5 млрд), Япония (16,1 млрд), Корея Республикаси (6,2 млрд), Германия (5,6 млрд) ва Буюк Британия (5,4 млрд) давлатлари бу рўйхатда етакчилик қилишмоқда.

Шунингдек, 2017 йилда муаллифлик ҳуқуқи барча йўналишларининг АҚШ ялпи ички маҳсулотига кўшган ҳиссаси миқдорий кўрсаткичда 2,2 триллион доллар (2,247,400,000)ни ташкил этиб, АҚШ иқтисодиётининг 11,59 фоизини ташкил этди. 2014-2017 йилларда муаллифлик ҳуқуқининг асосий йўналишларидан даромад келиши 5,23 фоизни ташкил этди. Эътиборли жиҳати ушбу даврда АҚШ иқтисодиёти ўсиши 2,21 фоизни ташкил этган. Бу рақамлар шуни англатадики, муаллифлик ҳуқуқига давлат томонидан тўғри йўналишни бериш ва уни иқтисодий муносабатларга тўғри татбиқ этиш катта иқтисодий самарадорликка етаклаши мумкин. Яна бир муҳим статистика 2017 йилда АҚШда муаллифлик ҳуқуқининг барча соҳаларида банд бўлган аҳоли сони 5,7 млн кишини ташкил этган, бу АҚШдаги барча ишчи кучининг 7,87 фоизига тенг бўлиб, хусусий секторда эса бу кўрсаткич 9,28 фоизга тенгдир<sup>1</sup>.

БИМТнинг тадқиқотларига кўра, маданий ва ижодий соҳа ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига катта ҳисса кўшиб келмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни етарли даражада муҳофаза қилмасдан туриб, ундан иқтисодий даромад олишнинг имкони мавжуд эмас. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош

---

<sup>1</sup> <https://iipa.org>

ҳуқуқлар муҳофазасида қуйидаги иккита муҳим масала мавжуд: миллий маданий меросни асраш ва ривожлантириш, маҳаллий ва халқаро бозорларни тижорат жиҳатидан эгаллашни воситаси бўлишлиги<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, телекоммуникация ва компьютер технологияларининг ривожланиши ҳам ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўплаб соҳаларига халқаро инвестициялар оқимиغا келишига сабаб бўлади. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш ва уни иқтисодий муносабатларга татбиқ этиш давлат учун халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларда иштирок этишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб улгурган.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларини иқтисодиётга татбиқ этиш нуқтаи-назаридан қуйидаги 9 та йўналишга бўлишимиз мумкин:

адабиёт ва ноширлик;

муסיқа ва театр;

кино;

радио ва телевидения;

фотография асарлари;

ЭҲМ ва маълумотлар базалари;

визуал ва график ишлар;

реклама хизматлари;

мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг замонавий ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш, асарлардан фойдаланишда “муаллифлик шартномаси” институтини кенг жорий этиш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгилаш, шунингдек халқаро ва миллий миқёсида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришда қўлланадиган турли восита ҳамда усулларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалӣ ечимларини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

АҚШ Савдо вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда эълон қилинадиган интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳимояси ҳолати бўйича ҳисобот – “301-махсус маъруза”нинг 2020 йилги нашрида ҳам Ўзбекистондаги интеллектуал мулк сиёсати билан боғлиқ жиҳатларга

---

<sup>1</sup> <https://www.wipo.int>

тўхталиб ўтилган. Унда сўнгги йиллардаги бир қатор ютуқлар билан бирга, Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларининг ҳимояси етарли даражада таъминланмаганлиги, хусусан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқбузарлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз томонидан 2018-2019 йилларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги бир қатор халқаро шартномалар ратификация қилинганлиги бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлардан дарак беради. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишда бир қанча услуб ва механизмлар мавжуд бўлиб, муаллифлик шартномаси бу йўналишни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий восита ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг энг муҳим ҳуқуқий воситаларидан бири – бу сўзсиз муаллифлик шартномасидир.

Муаллифлик шартномаси – бу муаллифлик асарларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишини қонуний асосда таъминлайдиган ҳамда муаллифнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлайдиган энг муҳим восита ҳисобланади.

Қуйидагилар муаллифлик шартномасида акс этиши лозим:

- 1) Берилган ҳуқуқларнинг доираси.
- 2) Асарлардан қонуний фойдаланиш усуллари.
- 3) Мукофот.
- 4) Лицензиат томонидан асардан фойдаланиш шартлари.
- 5) Муаллифлик шартномаси ҳудуди.
- 6) Шартноманинг шакли.

Бугунги кунда муаллифлик шартномасини юридик назария ва амалиётдан келиб чиқиб, одатда қуйидагича туркумлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

*1. Асарнинг тури ва ундан фойдаланиш усулидан қатъий назар:*

адабий асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар;

музикӣ асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар;

архитектура асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар;

бошқа (аудиовизуал, график-тасвирли в.б.) асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартномалар.

*2. Асарни тайёрлаш даражасига кўра:*

---

<sup>1</sup> <https://ustr.gov>

буюртманинг муаллифлик шартномаси;  
тайёр асар учун муаллифлик шартномаси.

Шунингдек, муаллифлик шартномаси қайта ишланган ва қайта ишланмаган асарларга ҳам ажратилиши мумкин.

3. *Тақдим этилаётган ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда* мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси;

номутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномасига бўлинади.

4. *Асардан фойдаланиш усулидан келиб чиққан ҳолда*

нашриёт муаллифлик шартномаси;

сценарий муаллифлик шартномаси;

кўлёмани депонентлаштириш муаллифлик шартномаси;

манзарали-амалий санъат асарини саноатда фойдаланиш муаллифлик шартномаси;

асарни эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш беришнинг муаллифлик шартномаси;

бадий асар буюртмасининг муаллифлик шартномаси;

намойишнинг муаллифлик шартномаси.

Шуниси аҳамиятлики, муаллиф мутлақ мулкӣ ҳуқуқлари учинчи шахсларга ўтказилган ёки ўтказилмаганлигидан қатъи назар, агарда муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилиш ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида “Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенциясининг 6-моддасида ҳам келтирилганлиги аҳамиятга молик<sup>1</sup>.

Умуман олганда, муаллифлик ҳуқуқида асарлардан шартнома асосида фойдаланиш муаллифларнинг кейинги ҳуқуқларини босқичма-босқич амалга оширишларида асосий, ҳуқуқий механизмни яратувчи асос бўлиб хизмат қилади.

Асарлардан муаллифлик шартномаси асоси орқали фойдаланишда муаллиф ва фойдаланувчи билан бирга жамиятнинг қолган аъзолари ҳам манфаатдор бўлиши мумкин. Сабаби, бу жараён жамиятнинг ижодий активлигини ва бу орқали уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга муҳим туртки бўлади.

Ўрганишлардан келиб чиқиб, асарлар ва турдош ҳуқуқ объектлари муаллифлари (ҳуқуқ эгалари) ва фойдаланувчилар

---

<sup>1</sup> <https://www.wipo.int>

ўртасидаги муносабатлар қуйидаги турдаги шартномалар билан тартибга солинади деган илмий хулосага келиш мумкин:

1) мутлақ муаллифлик ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномалар;

2) муаллифлик ҳуқуқининг мутлақ ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартномалар (лицензия шартномалари);

3) буюртма шартномалари.

Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва уни тижоратлаштиришни ривожлантириш нуқтаи назаридан қуйидагилар таклиф этилади:

муаллифлик ҳуқуқида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолияти механизмлари ва ташкилий-ҳуқуқий тузилишини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ташкил этиш;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш.

Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб, банк кредитларини олишда интеллектуал мулк объектларидан гаров сифатида фойдаланиш қонунчилигида миллий қонунчиликка киритиш.

**Қамбариддин Мехмонов**

*(Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори)*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Маълумки, инсоният ривожини янги интеллектual мулк объектларини яратилиши ва фуқаролик муомаласига киришига олиб келмоқда. Мазкур объектларнинг хусусияти бу борада маълум бир ҳуқуқий режим ўрнатиш, концепция ва доктриналар ривожланиши ҳамда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши тақозо этади.

Табиий савол туғилади: интеллектуал мулк объектлари юзасидан муаллифлик-ҳуқуқий ёки патент-ҳуқуқий ҳимоя ёхуд монополь ҳуқуқ асосида ҳуқуқий муҳофаза назарда тутилган бўлса, янгича ёндашувлар зарурми?

Албатта, ҳар бир интеллектуал мулк объекти гарчи юқоридаги режимдан бири танланган ҳолатда ҳам, бу борада ўзига хос тадқиқотни талаб қилади. Масалан, яқин-яқинларгача компьютер дастурларини ҳимоя қилишда муаллифлик-ҳуқуқий ёки патент-ҳуқуқий ҳимоя танланиши борасида баҳслар мавжуд ва ҳануз давом этмоқда. Фақат мавжуд факт аксарият дунё давлатлари муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя шаклини маъқул кўришган ва қонунчиликка жорий қилишган. Гарчи ноу-хау режими ҳамда компьютер дастури билан боғлиқ саноат мулки объекти яратилиши кенгайиб бораётган бўлсада, компьютер дастури интеллектуал мулк объекти сифатида муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя остида бўлади.

Янги технологияларнинг ишлаб чиқарилиши ва бутун дунё бўйлаб тарқалиши жуда шиддат билан амалга оширилмоқда. Бироқ, мазкур жараёндан, технологияларнинг ривожланиши ва тарқалишидан барча бирдек манфаатдор бўлаяптими? Асосий муаммо ҳам айнан барчанинг манфаатдорлиги етарли даражада таъминланмаслиги билан боғлиқ. Айрим ҳуқуқ эгалари катта фойда кўрган ҳолда, бошқаларнинг зарар кўриши ёки турли ҳуқуқий чегараларда қолиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Манфаатдорликнинг “олтин кўприги” топилиши ушбу манфаатни таъминлашга хизмат қилмоғи зарур.

Бир қарашда саноат мулки ҳуқуқи интеллектуал мулк ҳуқуқига доир қонунчилик билан тартибга солинади ва билан боғлиқ муаммо учрамайдигандек кўринади. Бироқ, бугунги ривожланиш, янги технологияларнинг яратилиши, қўлланилиши ва кенг доирада ундан фойдаланиш саноат мулки ҳуқуқи объекти тушунчаси ва моҳиятини белгилашни ва унга доир муносабатларни самарали тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Саноат мулки объектини тушунишга доир докториналарга тўхталадиган бўлсак, айрим муаллифлар бу борада саноат мулк ҳуқуқи унинг объектив мазмунини ифодаловчи юридик мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар тизими сифатида мавжуд эмас. Саноат мулк ҳуқуқини муаллифлик ҳуқуқи каби интеллектуал истисно мулк ҳуқуқи тури сифатида ажратиш фақат доктринал даражада амалга оширилади ва халқаро даражадаги ҳужжатларга асосланади деб кўрсатади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Баттахов П.П. Понятие и значение права промышленной собственности: закон и доктрина //Северо– кавказский юридический вестник, 2013, – №2. – Б.53– 56.

Бу каби ёндашувлар маълум аҳамиятга эга бўлсада, ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Аввало, саноат мулки объектининг мазмуни доктриналарда белгиланиши, ушбу объектни тўғри тушуниш ва талқин қилишга ёрдам беради. Ҳар бир мамлакат ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини мустақил равишда белгилайди. Шундай экан, халқаро даражадаги ҳуқуқий ҳужжатларга (Конвенция, битим) ҳам ўз манфаати юзасидан қўшилади. Бироқ, бундай ҳужжатларни қабул қилиниши фақат ушбу ҳужжатлардан кўр-кўрона фойдаланишни англатмайди. Баъзи ҳолларда турли шартлар, маълум бандларни қабул қилмаслик ёки муддат ўрнатиш каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади.

“Саноат мулки” иборасини том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани қўллаш XVIII-XIX асрларда Европа мамлакатларида ҳуқуқий ёрлик патент орқали муҳофаза қилинадиган ихтиролар-техник характердаги ечимларни асосан саноат соҳасида қўлланилгани билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда саноат мулки нафақат саноатда, балки амалиётнинг, турмушнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади<sup>1</sup>.

Фуқаролик кодексининг 1032-моддасига кўра, интеллектуал мулк объектлари давлат органи томонидан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати асосида ҳимоя қилинади. Бу дегани, ФКнинг 1082-моддасига асосан ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси яратилиш факти бўйича эмас, балки махсус ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи – патент берилган тақдирда ҳимоя қилинади.

Б.Б.Сулаймановнинг фикрича, “доктрина” бир неча мазмунда тушунилади ва қўлланилади, хусусан ҳуқуқий фан, манба, яъни ҳуқуқи норманинг ташқи ифодаланиши, ҳуқуқ шакли ва оммавий ҳокимият органи томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатнинг номи сифатида кўринади<sup>2</sup>. О.Оқюловнинг фикрича, ҳар бир ҳуқуқ соҳасида баъзан бир-бирига бутунлай зид келадиган турли ёндашувлар, ғоялар мавжуд. Ҳар қандай фан бусиз мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, муайян даврда доктринада бирон бир ғоялар тизими, қарашлар, ёндашувлар ҳақиқий (албатта, нисбий) ва тўғри доктрина сифатида устун мавқега эга бўлади. Агар океандаги йирик муз бўлагигп (айсберг) ўхшатадиган бўлсак, фуқаролик-ҳуқуқий фан – бу йирик муз бўлаги (айсберг), унинг кўриниб турган қисми бу – доктрина, унинг кўринмайдиган тарафи эса, бошқа илмий фикрлар ва

---

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Т.: ТДЮИ, юрид. фан. докт. дисс. 126– б.

<sup>2</sup> Сулейманов Б.Б. Методологические аспекты правовой доктрины // Доктрина права. Саратов; Тамбов, 2009. – № 1–2 (2–3). – С.23.

ғоялар, ишланмалар ҳисобланади. Доктрина норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун ўзига хос мўлжал вазифасини ўтайди<sup>1</sup>.

Фикримизча, доктринанинг асосий мазмуни ҳуқуқий нормаларни мавжуд қоидалар, умумтанолинган ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ нормаси мазмунини илмий жиҳатдан асосланган ва тўғри тушунишга имкон беришида ифодаланади. Шу боисдан доктриналар одатда илмий қарашлар, ёндашувлар, масаланинг тўғри ва мақбул ечимига доир муайян қоидаларни шакллантиришда намоён бўлади. Бутун дунёда мавжуд бўлган саноат мулк ҳуқуқи объектларини тушунишга доир доктрина саноат мулк ҳуқуқи объектларининг турлари орқали аниқлашга қаратилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи, шу жумладан саноат мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий тартибга солишга доир хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мазкур соҳани тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга бўлган қизиқишни ҳам кўрсатади. Интеллектуал мулкнинг муайян янги объектлари, айниқса технология, улар билан боғлиқ саноат мулки объектлари ривожланган мамлакатларда яратилади. Уларни ҳуқуқий таъминлаш ҳам илк бора хорижда апробациядан ўтиши табиий. Бу эса, муайян бир давлат миқёсида тор доирада ҳуқуқий тартибга солишни истисно этади. Шу боисдан, “ҳар доим велосипед ихтиро қилгандан кўра хорижда яратилган “Қулай велосипед моделини” яъни ҳуқуқий конструкцияни миллий тизимга киритиш қулайроқ”<sup>2</sup> бўлиши табиий. Мазкур тадқиқот мавзуси ҳам айнан шу қоидадан келиб, халқаро тажрибада қай даражада синовдан ўтган масалалар бўйича миллий қонунчиликда ечим топиш билан бевосита боғлиқ.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланиладиган доктриналардан бири бу – “Fair use” – “инсофли фойдаланиш” доктринасидир. Ушбу доктрина АҚШ муаллифлик ҳуқуқига доир қонунчилигида сингдирилган бўлиб, муайян ҳолатларда муаллифлик ҳуқуқи эгасининг розлигисиз ва унга ҳақ тўламаган ҳолда, танқид,

---

<sup>1</sup> Концептуально– теоретические основы современного гражданского кодекса Республики Узбекистан. //Гражданское законодательство Республики Казахстан и других поссоветских стран: прошлое, настоящее, будущее. Материалы междунар. Научно– практ. Конф., посвященной 75– летию М.К.Сулейменова. – Алматы: НИИ частного права Каспийского университета, 2017. – С.66– 76.

<sup>2</sup> Оқюлов О. Инновация ривожланишини таъминлашда интеллектуал мулк ҳуқуқи институтлари таъсири самарадорлигини ошириш масалалари. – Т.: Турон Замин Зиё, 2016. – Б.300.



янгиликлар ҳисоботи, таълим ва илмий-тадқиқот ишларида сўзма-сўз ҳавола олишга имкон беради. Мазкур принцип муаллифлик ҳуқуқига доир миллий қонунчилигимизга ҳам сингдирилган.

Аввало, саноат мулки объектига нималар киришига аниқлик киритиб олиш зарур. 1883 йилда дастлаб “саноат мулки” атамаси Саноат мулкини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж конвенциясида қўлланилган. Ўша даврда интеллектуал мулкнинг айрим турлари йиғиндиси сифатида: ихтирога, саноат намунаси ва товар белгисига нисбатан патент тушунилган. Бу эса, ўз навбатида саноат билан бевосита боғлиқ бўлган ва ушбу соҳада вужудга келган ҳамда татбиқ этилган. Шу боисдан, моҳиятан саноат мулки объектлари айнан саноат соҳасида қўлланилганлиги муносабати билан шу ном остида бирлаштирилган.

Париж конвенцияси саноат мулкини кенг маънода талқин этиб, саноат мулкнинг муҳофаза объектлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) ихтиролар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат кўрсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) географик номлар; 8) товарни келиб чиқиш жойи номи; 9) ғирром рақобатни олдини олиш (1,2 модда). Бундан келиб чиқадики, вақт ўтиши билан саноат мулки объектлари доираси муайян даражада кенгайган. Гўёки саноат мулки объектлари доираси унинг мазмун-моҳиятига мос келмайдигандек кўринади. Ҳозирги кунда ҳам саноат мулки объектларининг ушбу турлари Париж конвенцияси мазмунида сақланиб қолган. Демак, саноат мулки объекти кенг маънода тушунилиши қабул қилинган ва у нафақат саноат, балки тижорат, қишлоқ хўжалиги, қазил саноати соҳалари, шунингдек ҳар қандай саноат ёки табиий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар – вино, дон, тамаки, гул, ун, кимё, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси юқоридаги конвенция аъзоси ҳисобланади ва табиийки, ўзининг миллий қонунчилигини унда белгиланган талабларга мослаштиришга ҳаракат қилган. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида икки томонлама ёндашув кузатилади. Бу ўринда қонун чиқарувчи “ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси” тушунчаларини айний тушунча сифатида ифодалайди. Қонуннинг номланишидаги саноат мулки объектлари сифатида ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси санаб ўтилган ва ушбу ҳолат қонуннинг

бир қатор (6,7,8 ва бошқа) моддаларида нормаланган. Қонуннинг 2-моддасида эса, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир деб белгиланади ва “саноат мулки объекти” ибораси бошқа (2, 3, 4, 5, 9-11 ва бошқа) моддаларида ҳам қўлланилади.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк томонидан чоп этиладиган адабиётларда эса, саноат мулки тор доирасида талқин қилинади. Унга кўра, бозорда харидорларга товарлар ва хизматлар ҳақида ахборот беришда фойдаланиладиган белгилар сифатида тушунилади<sup>1</sup>. Профессор Отеро Ластерс (Otero Lastres) эса, саноат мулки сифатида ҳимоя қилинадиган объектларни икки гуруҳга бўлади: шахсийлаштириш воситалари ҳамда техник ижод маҳсули – патентлаш объекти<sup>2</sup>.

Фикримизча, ўсимликларни янги нави ва ҳайвонларнинг янги зоти (селекция ютуқлари), ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хоу, тижорат сири) ҳамда географик номларни ҳам эътибордан чиқариб бўлмайди. Гарчи ушбу объектларнинг айримлари яъни, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хоу, тижорат сири) ҳамда географик номлар соф ижодий фаолият натижасида яратилмасада, Ўзбекистон Республикасида бошқа саноат мулки объектлари қаторида, гарчи алоҳида ҳуқуқий режимда бўлсада, ҳуқуқий муҳофаза остига олинган объект ҳисобланади.

Миллий статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, саноат мулкининг муҳим таркибий қисмини ташкил этувчи ихтироларга нисбатан 2015 йилда миллий талабномалар 288 та, халқаро талабномалар 219 та, 2016 йилда миллий талабномалар 353 та, халқаро талабномалар 202 та, 2017 йилда миллий талабномалар 357 та, халқаро талабномалар 196 та, 2018 йилда миллий талабномалар 470 та, халқаро талабномалар 180 та, 2019 йилда миллий талабномалар 374 та, халқаро талабномалар 169 тани ташкил этган<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, ихтирога нисбатан нафақат миллий талабномалар балки, халқаро талабномалар асосан ўсиш кўрсаткичига эга. Бу борадаги жаҳонда мавжуд ёндашувлар, ҳуқуқий концепциялар ўрганилишини тақазо этади.

---

<sup>1</sup> Понимание промышленной собственности //ВОИС.– 2016.– С.6. (Understanding Industrial Property // WIPO. 2016. – P.6.)

<sup>2</sup> Otero Lastres J.M., Fernández– Nóvoa C., Botana Agra J. M. Manual de la Propiedad Industrial. – 3.<sup>a</sup> ed. – Madrid : Marcial Pons, 2017. – P.781.

<sup>3</sup> <http://my.ima.uz>

Бу ўринда саноат мулки объекти сифатида нима тан олинади? деган ўринли савол туғилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига кўра, ҳар қандай соҳада маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига) ҳамда усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади. Демак, бу ўринда маҳсулот ҳамда усулга нисбатан ихтиро ҳуқуқий муҳофаза остига олинади. Худди шундай талаб фойдали моделга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда патентга лаёқатлилиқ шарти бўйича ушбу саноат мулки объектилари фарқланади. Саноат намунаси эса, буюмнинг ташқи кўринишини ифодаладиган бадиий-конструкторлик ечими бўлмоғи зарур.

XXI аср интеллектуал мулк объектилари рўйхатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўринда аввало, муаллифлик ҳуқуқи объектилари рўйхати очиқ бўлиши мақсадга мувофиқми? деган саволга ҳам жавоб излаш ўринли бўлади. Англо-америка ҳуқуқи тизимида муаллифлик-ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган асарлар рўйхати ёпиқ бўлган. Масалан, АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги § 102 мувофиқ, муаллифлик асарлари рўйхати аниқ чекланган. Бироқ, 1980 йилда ушбу рўйхатга адабий асарлар тушунчасини кенгайтириш ҳисобига компьютер дастурлари киритилган (§ 101). 1990 йилда эса, § 102 сифатида архитектура асари киритилган<sup>1</sup>.

XXI аср бошига келиб муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза остига олиннадиган асарлар кенгаймади. Компьютер дастури, маълумотлар базаси, интернет-сайт, видеоўйинлар учинчи саноат инқилобининг натижаси ҳисобланади. Компьютер дастури ва маълумотлар базаси XX аср охиридаёқ кўплаб мамлакатлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси)нинг қонунчилигига муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида киритилган эди.

А.А.Кравченко фикрича, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ доирасида интернет сайт муайян шартлар мавжуд бўлганда 1) компьютер дастури; 2) дизайнерлик ечими; 3) ҳосила асар; 4) муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида маълумотлар базаси; 5) турдош ҳуқуқ объекти сифатида маълумотлар базаси<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> <https://www.copyright.gov>

<sup>2</sup> Кравченко А.А. Правовой режим интернет-сайта как комплексного объекта права интеллектуальной собственности: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С.214.

Бундан кўринадики, биргина муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя остидаги объект интеллектуал мулкнинг турли институтлари билан боғлиқликда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, ҳуқуқий ҳимоя олиш зарурати юзага келганда қандай йўл тутиш масаласи баъзан муаммоли бўлиб чиқади.

Муаллифлик ҳуқуқига доир суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, 2006 йил 13 июнда Франция апелляция суди «Dior's Dune» парфюмерия низоси бўйича атирнинг хиди муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайди деган хулосага келган. Суднинг нуқтаи назарига кўра, атирнинг хиди ноу-хаунинг оддий амалга оширилиши бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик мазмуни талабига кўра асар сифатида муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган ифодалалаш шакли ҳисобланмайди<sup>1</sup>. Бундан фарқли равишда, Нидерландия олий суди атирнинг хиди агар оригинал бўлса муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилиниши мумкин, деган хулосага келган<sup>2</sup>.

Юқоридаги низо юзасидан шуни айтиш мумкинки, гарчи муаллифлик ҳуқуқи объектилари рўйхати очиқ бўлсада, Франция судига муаллифлик ҳуқуқи объектиларининг рўйхати очиқлиги атирнинг хидига ҳимоя қилишга асос бўлмаган ва муаллифлик ҳуқуқи етарли даражада аниқликда ва объектив равишда идентификация қилинадиган ижодий натижани ҳуқуқий муҳофаза остига олади деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Европа иттифоқининг 2001/29 Директива мазмунига кўра ҳам озиқ-овқат маҳсулотининг хиди асар сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Европа иттифоқи суд амалиёти маҳсулотнинг хиди муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинмаслиги масаласи ҳал қилган бўлсада, буни муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя остига олиниши мумкин бўлган объектларнинг барчаси учун ҳам бирдек ечим сифатида баҳолаб бўлмайди.

А.Г.Матвеев ва В.Н.Синельникованинг фикрича, XXI асрда янги иккита турдош ҳуқуқ объекти вужудга келган. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари нашрлари янгиликларини агрегаторлар орқали онлайн фойдаланиш (масалан, “GoogleNews”, “Яндекс.Новости”). Иккинчидан спорт мусобақаси ташкилотчиларининг муайян

---

<sup>1</sup> Cour de Cassation, Chambre civile 1, du 13 juin 2006, 02– 44.718. URL: <https://www.legifrance.gouv.fr>

<sup>2</sup> HR, June 16, 2006, LJN AU8940, Kecofa/Lancôme. URL: <https://uitspraken.rechtspraak.nl>

<sup>3</sup> Cour de cassation, civile, Chambre commerciale, 10 décembre 2013, 11– 19.872. URL: <https://www.legifrance.gouv.fr>

мусобақаларни ёзиб олиш ва намойиш этиш ҳуқуқи ёки барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи мавжуд<sup>1</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари рўйхати очик бўлганлиги боис, ундан келиб чиқувчи турдош ҳуқуқ объектлари борасида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Гарчи медиа ташкилотларининг ҳуқуқлари ўтган асрлардаёқ алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлсада, спорт мусобақаларини ўтказиш, уларни интернет воситасида истеъмолчиларга етказиш жуда йирик инвестиция ва бизнес фаолияти сифатида қаралмоқда. Шу боисдан, ҳар бир интеллектуал мулк объектига ҳуқуқий муҳофаза бериш масаласи алоҳида ўрганиш объекти сифатида кўрилиши мумкин.

Бугунги кундаги илмий-техникавий ривожланишнинг янги яққол намунаси сифатида биотиббидеги хужайра маҳсулотлари намоён бўлмоқда. Мазкур объект интеллектуал мулкнинг янги объекти сифатида алоҳида назарда тутилмаган. Шунга қарамасдан, инсонларда мавжуд касалликларни даволашда фаол фойдаланилмоқда.

Мазкур мавзуга доир айрим ҳуқуқий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унда асосий эътибор биопатентни ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш муаммоларига қаратилган. Мазкур тадқиқотда муаллиф биопатент ҳуқуқини интеллектуал мулкнинг алоҳида институти сифатида алоҳида ҳуқуқ соҳаси ажратиб чиқаришни таклиф қилади. Бунда саноат мулкнинг алоҳида жиҳатлари йиғиндиси (микробиологик материал ва молекуляр даражадаги биологик материал) сифатида кўрилиши таклиф қилинади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқ соҳалари орасида анъанавий ҳуқуқ соҳалари асосий ўрин эгаллайди. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва ҳ.к. Бирок, биопатент ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳасига даъво қилинишида унинг ҳуқуқий методологияси, тартибга солиш предмети ва методи, тизими мавжуд бўлиши ва тан олинishi зарур. Бошқа тарафдан эса, ҳуқуқ институти сифатида эътироф этилиши учун муайян юридик нормалар тизимида ўзаро боғланган нормалар гуруҳи бўлиши лозим. Ҳуқуқий институт муайян муносабатлар турини тартибга солувчи нисбатан кичик бўлган барқарор ҳуқуқий нормалар гуруҳи, ижтимоий

---

<sup>1</sup> Матвеев А.Г., Синельникова В.Н. Объекты интеллектуальной собственности, получающие охрану в XXI веке.//Вестник пермского университета. 2019. Выпуск 44. – С.294– 295.

<sup>2</sup> Бирюкова И.В. Проблемы правового регулирования биопатентга и его совершенствование. Дисс. ... канд.юрид.наук. – Т.: 2006. – 175 б.

муносабатларнинг ўз мазмунига кўра ўхшаш ва яқин муайян бир турини тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари гуруҳидан иборат бўлади<sup>1</sup>. Шу боисдан, интеллектуал мулк объектини муайян институт доирасида ўрганиладиган объекти алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олинishi мақсадга мувофиқ бўлмайди.

РФда тиббий даволаниш мақсадларида биотиббиёт маҳсулотларини муомаласини тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилинган<sup>2</sup>. Бу қонун биотехнология соҳасини тартибга солувчи муҳим тартибга солиш юкига эга бўлган қонун сифатида кўрилиши мумкин. Бироқ, янги биотехнология маҳсулотларини ишлаб чиқариш, апробациядан ўтказиш, уни қўллаш бевосита инсон омили билан боғлиқ. Унинг синовдан ўтиши учун муайян инсон ресурслари сафарбар этилади. Мазкур жараёнда инсоннинг иштироки ихтиёрийлик принципига асосланиши, хавфсизлик тизими қўлланилиши зарурий шарт.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунининг 34-моддасида инсонни объект сифатида жалб этиб, биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фақат лаборатория тажрибалари ўтказилганидан ва фуқаронинг ёзма розилиги олинганидан кейингина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида йўл қўйилишига доир муҳим принцип белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Қайд этиш лозимки, ривожланган мамлакатларда биотиббиётга доир тадқиқотлар асосий ўринни эгалламоқда. Олинган натижалар эса йирик даромад келтириши билан бир қаторда ҳуқуқий тартибга солиш тизимига ҳам эга. Бу борада алоҳида халқаро даражада қабул қилинган ҳужжатлар ҳам мавжуд<sup>4</sup>.

Кам аҳамияти ихтиролар ва инқилобий аҳамиятга эга бўлган ихтироларга нисбатан бир хил ёндашув бўлиши тўғрими? Аввало, ҳар қандай патент эгаси, ўзининг мутлақ ҳуқуқни қўлга киритиши орқали бозорда монопол мавқени таъминлаш ва кўп фойда олишни кўзлайди. Бошқа тарафдан эса, рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш ва бозорда ҳуқуқининг йўқлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатиши ҳам

---

<sup>1</sup> Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права. — 2-е изд. — М.: Юристъ, 2005. —С. 54.

<sup>2</sup> Федеральный закон от 23 июня 2016 г. N 180-ФЗ “О биомедицинских клеточных продуктах”. // Российская газета – Федеральный выпуск № 139(7007). 28 июня 2016 г.

<sup>3</sup> <https://www.lex.uz/acts/26013>

<sup>4</sup> Всеобщая декларация о геноме человека и правах человека от 11 нояб. 1997 г. URL: <http://www.unesco.ru>

мумкин. Бу борада ҳуқуқ эгасининг ўзи эрк-иродаси асосида мазкур масалага ёндашади.

2018 йилда патент, товар белгилари ва саноат намуналарига нисбатан сўралган талабномаларнинг учдан икки қисми Осиё мамлакатлари ҳисобига тўғри келган. Бунда Хитойнинг ўзи томонидан сўралган патентлар сони (1,54 миллион) бутун дунё кўрсаткичининг деярли ярми тўғри келган. Мазкур йилда новаторлар томонидан жами 3,3 миллион патент талабномалари берилган ва тўққиз йиллик ўсиш тенденция ўзгармасдан қолган ва у 5,2 фоизни кўрсатган. 2018 йилда амалдаги патентлар 6,7 фоизга ўсган ва 14 миллионни ташкил этган. Шундан деярли 3,1 миллион патент АҚШда амал қилган, кейинги ўринларда Хитой (2,4 миллион) ва Япония (2,1 миллион) туради. АҚШда амалда бўлган патентларнинг аксарияти чет элдан келганлиги кузатилган<sup>1</sup>.

Саноат мулки объекти ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги асосан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича, патентлар олимларни саноатчилар билан ҳамкорлик қилишга ундайди. Бу борада муайян тажрибалар ҳам яратилган. Жумладан, дастлабки ярим синтетик пенициллин ишлаб чиқаришда айнан шундай ҳолат кузатилган. Шейханнинг (ҳуқуқ эгаси) патент олишга бўлган мотиви *Bristol Laboratories* билан ҳамкорлик қилиш бўлган. *Beecham* компаниясида патент муҳофазасининг мавжудлиги *Bristol Laboratories* компаниясига тегишли бўлган ишлаб чиқариш сирлари ноу-хоу билан ўртоқлашишга кўндиришга уринтирган. Бироқ, ушбу ҳаракат натижа бермаган ва улар ўртасида узок муддатли низо кўриб чиқилган<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан кўринадики, инқилобий ихтиролар тез ва кўп ҳаражатларсиз асосан саноати ривожланган мамлакталарда тарқалган. Ҳуқуқ эгасида патент мавжуд бўлсада, муайян доирани қамраб олишга ҳалақит бермаган. Флеминг томонидан пенициллиннинг яратилиши ҳам бу каби объектни патентланмаслигига олиб келди. Патентлаш жараёнининг мавжуд бўлмаслиги эса, дориларни тез тарқалишига сабаб бўлган.

Бугунги кунда сунъий интеллектга асосланган саноат мулки объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатларини олиш жараёни кенг

---

<sup>1</sup> <https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles>

<sup>2</sup> Доклад о положении в области интеллектуальной собственности в мире. Революционные инновации и экономический рост. WIPO. 2015. 71–72–б. <https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/ru>

кузатилмоқда. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, 1998 йилдан сунъий интеллект соҳасида доимий ўсиш кузатилган. Ҳар йили 2012 йилдан бошлаб то 2017 йилгача 103 та компания мутлақ ҳуқуқни қўлга киритган.

*Alphabet* компанияси (унинг портфелига *Google*, *DeepMind*, *Waymo* ва *X Development* киради), ихтироларга бериладиган талабномалар (3 814 та) бўйича фақатгина 10-ўринни эгаллайди ва сунъий интеллект соҳасида ҳуқуқий муҳофаза олган компанияларнинг етакчиси ҳисобланади. *Apple* ва *Microsoft* компаниялари ҳам бошқа ташкилотлар ва уларга тегишли ҳуқуқларни харид қилиш билан фаол шуғулланишган. *IBM* ва *Intel* каби компаниялар асосий эътиборини етук компанияларга қаратган бўлсада, олинган компаниялар – стартаплар ҳисобланади ва уларнинг баъзиларининг портфелида патентлар бўлса, бошқаларида ҳеч қандай ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатлари бўлмаган. Бу дегани, компаниялар харид қилишнинг асосий мақсади муайян активларни, профессионал кадрларни, шунингдек маълумотлар базаси, ноу-хау ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларини қўлга киритиш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд муаммолардан бири бу интеллектуал мулкнинг мавжуд тизимига асосланувчи транспарентлик принципи билан бевосита боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам гарчи ҳар доим ҳам ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати талаб қилинмасада (масалан, муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя объектига), ҳар қандай субъект исталган интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатини олиши мумкин. Бунда саноат мулки объектига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатини олишнинг муайян шартлари мавжуд. Аввало, талабгор янги технология, янги буюм ёки янги хизматга нисбатан ахборотни ошкор қилиши зарур. Бу дегани, бошқа шахслар технологияни, буюм ёки хизматни кимга тегишлилиги ҳамда у билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳақида маълумот олишга имкон беради. Бундай ёндашув ўзига хос ўрин тутди. Чунки, асосий мақсад мавжуд ҳуқуқларни самарали айирбошлаш ва улардан технологияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ижтимоий тараққиёт мақсадида фаол фойдаланишга имкон бериши зарур.

---

<sup>1</sup> Фрэнсис Гарри о будущем интеллектуальной собственности: возможности и проблемы. Сентябрь 2017 г. Доклад ВОИС 2019 г. из серии «Тенденции развития технологии» Краткое изложение Искусственный интеллект. –С.11.



Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, интеллектуал мулк тизимининг муҳим жиҳати бўлиб транспарентлик ҳисобланади. Бир қатор янги технологиялар, крипто актив, крипто валюта, электрон тўловлар, “блокчейн” каби янги технологияларнинг вужудга келиши тегишли ёзувларни, маълумотларни сақлай оладиган мукамал тизим мавжуд бўлишини тақазо этади. Бу эса, давлат ҳамда хусусий соҳа чегарасини бутунлай йўқ қилиб юбориши мумкин.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, саноат мулк ҳуқуқи объектлари доираси доимий равишда кенгайиб бормоқда. Ҳар бир объектнинг хусусияти, тавсифи, техник хусусиятлари, қўлланиш соҳаси ва бошқа мезонларни ишлаб чиқилиши, хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш асосий эътиборда бўлмоғи зарур.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг доктринал асослари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш манбаларининг ўзаро нисбатини аниқлаш, бу борада ҳуқуқий манбаларнинг доктринал аниқланган принциплар, қоидалар, тушунчаларга зид келмаслигига доир тизим мавжуд бўлиши зарур. Акс ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш манбаида муайян мақсадлар кўзлансада, пировардида, принципал қоидаларга зид келганлиги сабабли ушбу натижага эришиб бўлмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикасида саноат мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни замонавий талабларга мос равишда доимий равишда такомиллаштириб бориш, қонун ҳужжатларини нисбатини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Қонунлардаги нормаларни қайтаришлар, турли маъноларда ифодалашдан бутунлай воз кечиш лозим.

**Вали Умаралиев**

*(доцент кафедрa Академии МВД Республики  
Узбекистан, кандидат юридических наук)*

## **НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЙСТВУЮЩЕГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ И ЗАЩИТЫ НЕИМУЩЕСТВЕННЫХ ПРАВ ИХ СУБЪЕКТОВ**

В соответствии с постановлениями Президента Республики Узбекистан от 8 февраля 2019 года № ПП-4168 «О мерах по

совершенствованию государственного управления в сфере интеллектуальной собственности», от 1 июля 2019 года № ПП-4380 «О мерах по организации деятельности Агентства по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан» Кабинет Министров 20 июля 2019 года за №609 принял постановление об утверждении «Положения об Агентстве по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан».

Данное Положение определяет статус, задачи, функции, права, ответственность, порядок организации деятельности и отчетности Агентства по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан и в частности, функциональные обязанности и ответственность его руководителей. Агентство является уполномоченным органом государственного управления, осуществляющим реализацию единой государственной политики в области охраны и защиты прав на объекты интеллектуальной собственности и в своей деятельности подотчетно непосредственно Министерству юстиции Республики Узбекистан.

Агентство в своей деятельности руководствуется Конституцией и законами Республики Узбекистан, постановлениями Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, Положением, другими актами законодательства и соответствующими правовыми нормами Министерства юстиции.

Следует отметить, очень важным документом в области защиты законных прав и интересов субъектов интеллектуальной собственности, также является постановление Президента Республики Узбекистан, за № ПП-4965 принятый 28 января 2021 года, который вступил в силу 29 января 2021 года «О мерах по совершенствованию системы охраны объектов интеллектуальной собственности».

В соответствии с данным постановлением определены дополнительные правовые гарантии направленные на обеспечение защиты и охраны объектов интеллектуальной собственности. Это очень важно, потому что Всемирная организация интеллектуальной собственности уделяет большое внимание тем государствам, которые

выполняют взятые на себя обязательства, вытекающие из ратифицированных ими международных конвенций.

В целом, Агентство осуществляет свою деятельность во взаимодействии с структурными подразделениями Министерства юстиции, в том числе территориальными, другими государственными органами и организациями, негосударственными некоммерческими и другими организациями, представляет Республику Узбекистан во Всемирной организации интеллектуальной собственности (ВОИС) и других международных организациях в сфере интеллектуальной собственности. И в этом плане, очень значимым фактом является принятие Закона Республики Узбекистан ЗРУ №-520 от 16 февраля 2019 года «О присоединении Республики Узбекистан к Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по авторскому праву» (Женева, 20 декабря 1996 года).

Закрепление в действующем законодательстве института интеллектуальной собственности в виде самостоятельного объекта гражданского права, создало предпосылки для самостоятельного участия в гражданском обороте результатов интеллектуальной деятельности их субъектов, а также, получения имущественных ценностей от их использования. Самостоятельная материальная ценность обладания исключительным правом на результат интеллектуальной деятельности состоит именно в способности приносить материальный доход ее обладателю.

Проблематичность осознания правовой природы и, как следствие, применения в гражданском обороте этого объекта и его правовой защиты обусловлены тем, что интеллектуальная собственность имеет двойственную природу- с одной стороны она представляет собой идеальный мысленный образ, который возник в результате мыслительной деятельности личности – а с другой стороны, для того чтобы подтвердить существование этого образа, ему необходимо придать объективную материальную форму - создать электронную версию, программу, конечный результат в виде продукции (материальные и нематериальные), услуг, работ.

Признанием международного сообщества, в области защиты прав субъектов интеллектуальной собственности является принятие за последние годы Республикой Узбекистан конкретных гарантированных практических мер, направленных дальнейшее развитие данных отношений, с учетом современных требований. И в этом плане, хотелось особо отметить, что в 1996 году Всемирная

организации интеллектуальной собственности наградила первого Президента Республики Узбекистан Исламова Каримова золотой медалью этой организации.

За последние 5 лет, Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев очень пристальное внимание уделяет вопросам совершенствования действующего законодательства и отношений связанных с интеллектуальной собственностью. Это заслуживает особого внимания, так как, субъекты и объекты интеллектуальной собственности – это ближайшее будущее нашей экономики, использование которых положительно повлияет на рост макро и микроэкономических показателей, выхода по этому направлению на международный уровень.

Следует особо отметить роль Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева, который своими практическими действиями, как глава государства, несмотря на существующие трудности принимает прагматические решения и соответственно требует их неукоснительного исполнения от всех уровней руководителей, должностных лиц и соответствующих секторов на различном региональном уровне. В этом плане, очень важным является постановление Президента Республики Узбекистан от 8 февраля 2019 года за № 4168 «О мерах по совершенствованию государственного управления в сфере интеллектуальной собственности». как подчеркивается в данном постановлении за последние годы в республике последовательно реализуются комплексные меры по совершенствованию механизмов внедрения современных инноваций в различные отрасли экономики, обеспечению ее конкурентоспособности не только, созданию условий для развития активного предпринимательства и инновационной деятельности, обеспечению надежной правовой охраны интеллектуальной собственности.

Также, следует особо подчеркнуть об одном из последних инициатив нашего Президента под лозунгом – «100 идей для Узбекистана» направленного на выявление современных идей, изобретений среди одаренной молодежи и самое главное, внедрение данных результатов интеллектуальной деятельности в различные отрасли экономики и сферы социальной жизни нашей Республики. В середине апреля текущего года в Сырдарьинской области было проведено первое мероприятие в этом направлении, в которой одаренной молодежью данной области, в виде презентации были

представлены 600 объектов ноу-хау, рационализаторских предложений, изобретений для производителей и субъектов предпринимательства, кстати, последние с большим интересом отнеслись к представленным новшествам.

Но вместе с тем, проведенный анализ правоприменительной практики показывает, что невыполнение должным образом работ по своевременному выявлению и пресечению правонарушений в сфере интеллектуальной собственности, неэффективность системы оказания государственных услуг, отсутствие тесного межведомственного взаимодействия, нехватка квалифицированных кадров в области интеллектуальной собственности, а также высокие ставки патентных пошлин и плат негативно сказываются на развитии данной сферы.

Это необходимо для Республики Узбекистан для дальнейшего развития положительных экспортных параметров экономики нашего государства. В этом аспекте обязательным условием успешной интеграции Республики Узбекистан в международную систему экономических взаимоотношений является совершенствование национальной системы правовой охраны интеллектуальной собственности. Следует иметь в виду, что, что в условиях современной глобальной экономики созданные объекты интеллектуальной собственности приобретают транснациональный характер, правообладатели будут нуждаться также в правовой охране государства на международном уровне.

По нашему мнению, в настоящее время, следует объективно анализировать ситуации, возникающие с регулированием отношений, связанных с защитой неимущественных прав субъектов интеллектуальной собственности и совершенствованием в этом направлении действующего законодательства. Например, согласно Положения об агентстве по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан (утвержден постановлением Кабинета Министров РУз за № 609 от 20 июля 2019 года) есть несоответствие логического расположения отдельных глав, в частности, глава 4 данного положения-основные функциональные обязанности руководителей агентства, на наш взгляд, требует унифицированного подхода и более конкретизированного определения перечня функциональных задач руководства Агентства.

Следует отметить, что глава 5 - ответственность руководителей Агентства по логической последовательности должна быть перенесена после главы 6 - организация деятельности Агентства

после § 1 -руководство Агентства. Также, ст.1033 действующего Гражданского кодекса Республики Узбекистан необходимо дополнить абзацем 7 следующего содержания – Неимущественные права физических и юридических лиц охраняются законом, в случае нарушения законных прав и интересов субъектов интеллектуальной собственности данный вопрос рассматривается в судебном порядке.

Исходя из вышеизложенного, нормы регулирующие отношения, связанные с правом интеллектуальной собственности, правовая защита имущественных и личных неимущественных прав, требует унификации действующего законодательства Республики Узбекистан в этой области.

**Дониёр Рахимов**

*(Юристлар малакасини ошириш маркази  
Касбий кўникмаларни ривожлантириш кафедраси  
доценти в.б, юридик фанлар номзоди)*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА**

Мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун уларни таъминлашнинг турли самарали усуллари кўллашга бўлган зарурият континенталь ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари ўртасида ўзаро яқинлашув, бир-биридан андоза олиш ҳамда имплементация қилиш жараёни вужудга келтирмоқда. Ушбу жараёнда юзага чиқаётган мажбуриятлар бажарилиши таъминлашнинг самарали усуллари миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мажбуриятларнинг бажарилиши таъминлаш миллий қонунчилигимизда белгиланган бир қатор усуллар билан таъминланиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддаси 1-қисмида қайд қилинишича, мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 259-моддасининг биринчи қисми мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг олтига энг кўп қўлланиладиган усуллари ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бирига ФК 22-бобида алоҳида параграф бағишланган. Лекин, юқорида кўрсатилган рўйхат тўлиқ деб ҳисобланмайди. Ушбу модда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа таъминлаш усуллари ҳам истисно этмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 749-моддасига мувофиқ, мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида Фуқаролик кодексларида белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларида ташқари, таъминлаш жараёнида ўз ўрнига эга бўлган чораларни таъминлаш усули сифатида эътироф этиш тенденцияси юзага келмоқда. Жумладан, Д.А.Торкин фидуциявий гаров; товар неустойкаси; қайтариладиган гаров; пулни ушлаб қолиш; чақириб олинмайдиган; маълум бир шарт остида (цессия, факторинг, воз кечиш) амалга ошириладиган битимларни<sup>2</sup>, Э.А.Габараев пул талабидан воз кечиш<sup>3</sup>, Н.Имомов мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиш, гаров реестрини жорий этиш<sup>4</sup> ва С.Бобоқулов<sup>5</sup>, Ю.С.Фёдорова<sup>6</sup>, М.Д.Акатьева<sup>7</sup> А.Омоновлар<sup>8</sup> эса, товар неустойкасини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисмига шарҳ (Қонунчиликнинг 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра)

<sup>2</sup> Торкин Д.А. Непоименованные способы обеспечения обязательств. Дисс.к.ю.н. – Тюмень, 2005. – С.182.

<sup>3</sup> Габараев Э.А. Обеспечительная уступка денежного требования: обеспечительная мера или способ обеспечения исполнения обязательств? //Вестник университета имени О.Е.Кутафина (МГЮА) №2. 2019.

<sup>4</sup> Имомов Н. Қарз мажбуриятини таъминлашнинг фуқаролик– ҳуқуқий воситаларига нисбатан янгича ёндашувларнинг таҳлили. //Юридик фанлар ахборотномаси. 2/2020. – Б.40.

<sup>5</sup> Тадбиркорлик ҳуқуқи (Умумий қисм): Дарслик /Масъул муҳаррир: Ш.Рўзиназаров. –Т.: «Консаудитинформ», 2002. – Б.439.

<sup>6</sup> Фёдорова Ю.С. Товарная неустойка как непоименованный в законе способ обеспечения исполнения обязательств //Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. XVI междунар.науч.– практ. конф.– Новосибирск: СибАК, 2012.

<sup>7</sup> Акатьева М.Д. Неустойка – действенный способ защиты нарушенного права. //Правовое регулирование. №3 (171) 2014. – С.28

<sup>8</sup> Омонов А. Неустойка как способ исполнения договорных обязательств // Вестник Высшего хозяйственного суда. 2014. №9.

Хуқуқшунос олимлар томонидан мажбуриятлар бажарилишини турли таъминловчи чораларни таъминлаш усуллари сифатида эътироф этишга бўлган ҳаракатлар бугунги кунда янгидан янги вужудга келаётган фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатларни лозим даражада таъминлашга бўлган заруриятдан юзага келмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, ҳозирги цивилистик тараққиёт мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усулларига эҳтиёж сезмоқда. Бу борада Биз гаровни мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг универсал усули сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули универсал усул сифатида эътироф этилиши учун аввало у ҳар қандай мажбуриятнинг бажарилишини таъминлай олиши лозим<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 1-моддаси 3-қисмига асосан, қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин<sup>2</sup>.

Испания Фуқаролик кодексининг 1861-моддасига асосан, гаров ва ипотека билан мажбуриятнинг барча турлари таъминланиши мумкин<sup>3</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига асосан, шартномавий мажбуриятлар шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин<sup>4</sup>. Шу билан биргаликда, ипотека предмети кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар – узуфрукт (кўчмас мол-мулкдан фойдаланиб, ҳосил ва даромад олиш) ва эмфитевзис (кўчмас мулк – ер участкалари бино ва иншоотлар қуриш ҳуқуқи) бўлиши мумкин<sup>5</sup>.

К.Комилов ва О.Ҳалмирзаевларнинг фикрича, гаров билан ҳар қандай қонуний мажбурият банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва шу каби ҳуқуқ субъектлари (жисмоний, юридик ва

---

<sup>1</sup> Суюнова Д.Ж. Современные способы обеспечения договорных обязательств: национально– правовое и международно– правовое регулирование

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<sup>3</sup> Spanish Civil Code //https://www.refworld.org

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонуни. /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. //https://lex.uz

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ, 2007. – Б.51.



давлат) ўртасидаги мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши мумкин<sup>1</sup>.

Қонунчиликда қайд қилинган қоидаларга асосланган ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини маъқуллаган ҳолда таъкидлаш лозимки, гаров ҳар қандай мажбурият бажарилишини таъминлаш хусусиятига эга. Зеро, бунга гаров муносабатларига бинолар ва иншоотларнигина эмас, интеллектуал мулк, инвентарь ва хомашёлар, дебитор қарзлар, қишлоқ хўжалигининг кутилаётган ҳосили ва бошқа мулкларни ҳам жалб этиш имконият яратади. Бу ўринда ҳуқуқшунос олим О.Окюловнинг “Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси ўз ҳуқуқини ФК ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандан тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни ўз мажбурияти ёки учинчи шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровга қўйиши мумкин”<sup>2</sup> деган фикрини келтириш жоиз.

Шу ўринда, масалага ойдинлик киритиш учун қуйидагилар интеллектуал мулк объектларига:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижро, фонограммалар, эфир ва кабел орқали ташкил қилинган томошалар;

электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар базаси;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкора қилинмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш махфийликлари (ноу-хау) киришини келтириб ўтишимиз лозим бўлади.

Зеро, И.Б.Зокиров таъкидлаганидек, интеллектуал фаолият (ижодий меҳнат) натижаларига фан, адабиёт ёки санъат асарлари, ихтиролар, кашфиётлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, муаллифлик ҳамда саноат мулки ҳуқуқи нормаси билан тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Комилов К., Халмирзаев О. Краткая характеристика системы залога в Узбекистане //Вестник Высшего хозяйственного суда. –2010. –№6. –С.75– 80.

<sup>2</sup> Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: 2005. – Б.23.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1– қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи қисм. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.122.

Бугунги кунда, интеллектуал мулк объектлари шартномавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, В.Б.Железний томонидан кредитлашда гаров предмети сифатида НИТФ-илмий техникавий фаолият натижалари (ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)га бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш<sup>1</sup>, Х.А.Мамаджанов ва О.В.Перепечколар томонидан эса, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Европа Иттифоқининг баъзи бир давлатларида интеллектуал мулк объектларини гаровга қўйиш орқали кредитлаш механизими кенг йўлга қўйилганлиги<sup>2</sup> эътироф этилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлар қонунчилигида ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқининг гарови билан боғлиқ қоидалар белгиланган. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодексининг 444-моддасига кўра, интеллектуал мулк ҳуқуқининг гарови алоҳида рўйхатдан ўтказилган товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ёки муаллифлик ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгандан сўнг вужудга келади.

Агар, гаровга олувчи ва гаровга қўювчи билан келишувда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, интеллектуал мулкка бўлган мулк ҳуқуқи гаровга қўйилганидан кейин гаров қўювчи томонидан бошқа шахсга берилиши ёки гаровга қўйилиши мумкин эмас. Гаровга қўйилган интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқини бериш ёки лицензиялашдан гаровга қўювчи томонидан олинган тушумлар мажбуриятни бажариш учун гаров эгасига тўлаш учун қўлланилади<sup>3</sup>.

Назаримизда, Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик Кодексининг 444-моддасида қайд қилинган, интеллектуал мулк ҳуқуқининг гарови рўйхатдан ўтказилганидан сўнг вужудга келиши ҳақидаги қоида бу борадаги муносабатларни тартибга солишни бироз мураккаблаштиради.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар диққатга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-

---

<sup>1</sup> Железний В.Б. Использование прав на РИТД в качестве предметов залога при кредитовании //Финансы, денежное обращение и кредит. – №1 (196) 2018. –С.62.

<sup>2</sup> Мамаджанов Х.А, Перепечко О.В. Интеллектуальная собственность как предмет залога. Проблемы и предложения. //Экономика и управление народным хозяйством. – №12(195) 2017. –С.21.

<sup>3</sup> Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик Кодекси //http://www.npc.gov.cn

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарорида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида: 2021 йил 1 апрелдан бошлаб: Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилинганлигини<sup>1</sup> қайд этишимиз лозим.

Товар белгисидан гаров шартномасида фойдаланиш миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янғидир. Гарчи миллий қонунчиликда товар белгисини гаров шартномасида фойдаланиш бўйича ҳеч бир монелик бўлмасада, қонунчиликда у ҳали-ҳануз алоҳида муносабат сифатида такомиллаштирилмаган ёки уни тартибга солишда махсус қоидалар ишлаб чиқилмаган. Хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Швеция, Япония, Буюк Британия) қонунчилигида эса товар белгилари гарови одатий, анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тоифасига киради<sup>2</sup>.

Хулоса ўрнида қайд қилиш мумкинки, бугунги цивилистик тараққиёт интеллектуал мулк объектларини мажбуриятлар бажарилиши таъминлаш усули сифатида эътироф этиш ва кенг қўллаш самарали эканлигини кўрсатмоқда.

**Гулнора Худайбердиева**  
(Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиали доценти,  
юридик фанлар номзоди)

## **МУАЛЛИФЛАР ВА ИЖРОЧИЛАР МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора– тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ– 4965– сон қарори //https://lex.uz

<sup>2</sup> Бабакулов З.К. Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни фуқаролик– ҳуқуқий тартибга солиш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. ... автореф. –Т., 2018. – Б.16.

Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқига оид икки томонлама ва кўп томонлама халқаро ҳужжатларга аъзо бўлишидан кўзланган асосий мақсад – муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, асосан муаллифлар мулкый ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу йўлда ишончли ҳимоя тизимини шакллантиришдир. Қонунчиликда муаллифнинг бошқарилиши мумкин бўлган мулкый ҳуқуқлари ҳажми кўрсатилган ва улар маълум тизимга жойлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида муаллифнинг мулкый ҳуқуқларига таъриф берилишича, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга<sup>1</sup>, дейилади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари асардан фойдаланишга рухсат бериш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади. Агар, чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, санаб кўрсатилган бу мулкый ҳуқуқлар жамоавий асосларда бошқарилиши мумкин. Муаллифларнинг мулкый ҳуқуқлари бошқарилиши учун қонунда белгиланган ҳолларда бу ҳуқуқлар ўзгарларга ўтказилиши учун етарли ҳуқуқий асослар белгиланган бўлиши лозим. Хусусан, амалдаги қонунларга асосан муаллифлик ҳуқуқлари муаллифлик шартномаси ва ҳуқуқий ворислик тартибида учинчи шахсларга ўтади. Муаллиф ҳуқуқлари қонун бўйича, васият бўйича, мерос тариқасида ворислар томонидан қабул

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28– 29– сон, 260–модда.

қилиниб олиниши мумкин. Аммо, ўзининг таркиби жиҳатидан мураккаб бўлган муаллифнинг барча ҳуқуқлари ҳам мерос тариқасида ворисларга ўтиши ёки ўтмаслиги тўғрисидаги масалада ҳуқуқий адабиётларда кенг мунозаралар билдирилган.

Амалдаги миллий қонунчиликда ҳам, халқаро–ҳуқуқий актларда ҳам муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилишда энг таъсирчан восита сифатида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш тан олинади. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи алоҳида ташкилотнинг йўқлиги туфайли муаллифларнинг асарларидан бошқа мамлакатларда эркин фойдаланилмоқда ёки хорижий мамлакатлар муаллифлари асарларидан республика ҳудудида рухсатсиз фойдаланиб келинмоқда.

Бугунги кунда дунёда муаллифлар ва ижрочилар мулкӣ ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарадиган 200 дан ортиқ ташкилот мавжуд<sup>1</sup>. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилотлар каби тузилмаларни республикамизда тузишда етарли ҳуқуқий имкониятлар мавжуд. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида тегишли ҳуқуқларга эга бўлади.

Дунёда муаллифлар ва бошқа субъект эгаларининг тегишли ҳуқуқларини бошқариш мақсадида кўплаб ташкилотлар тузилган. Англияда Оммавий ижрочиликда ҳуқуқларни бошқариш жамияти (PRS), Австрия Ижрочилар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи жамият (LSG), Буюк Британия муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланишга лицензия бериш Агентлиги (CLA), Австрия ижрочилар жамияти (OSTIG), Австрия эфир орқали узатиш бўйича жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилот (VG RUNDfunk), Австрия аудиовизуал соҳада ҳақ йиғиш бўйича жамият (VAM), Нидерландия кабел орқали аудиовизуал асарларни фойдаланиш ҳуқуқини ўтказувчи жамият (SEKAM), Германия Ижрочилар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи жамият (GVL), Швеция актёрлар ва мусиқачилар иттифоқи (SAMI) ва бошқалар.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлари ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади. Айни вақтда Т.М.Туребеков нодавлат

---

<sup>1</sup> Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева.: ВОИС, 1990. – С.103– 105.

ташкilotларнинг эркин ва фуқароларнинг хоҳиш-истаги билан тузилиши унинг демократик институт эканлигини кўрсатади.<sup>1</sup>

Ҳуқуқ эгаларининг турли ҳуқуқлари ва турли тоифалари бўйича алоҳида ташкilotларни ёки бир тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб турли ҳуқуқларни бошқарувчи ташкilotларни ёхуд турли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб, ҳуқуқларнинг бир турини бошқарувчи ташкilotларни тузишга йўл қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига қадар муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқаришга эътибор берилган эмас. БИМТ ташаббуси билан Тунисда 1976 йилда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Намунавий қонунда биринчи марта муаллифлар ҳуқуқларини жамоавий бошқариш йўллари ҳуқуқӣ ва назарий жиҳатдан белгилаб берилди.

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлаш тизимини яратиш, умуман олганда бутун дунёдаги вазиятни ўрганиш мақсадида 1989 йилда БИМТнинг раҳбар органлари Халқаро бюрога муаллифлик ҳуқуқини жамоа бўлиб бошқаришнинг аҳволини таҳлил қилиш вазифасини юклади. БИМТ Бош директори ўринбосари М.Фичор томонидан ўтган асрнинг охирларида муаллифлик ҳуқуқи бошқарилиши аҳволи, мавжуд тажрибалар, миллий қонунчиликларнинг хусусиятлари, ҳуқуқлар бошқарилишидаги камчиликлар ўрганиб чиқилди ва ўтказилган тадқиқот натижасида М.Фичор томонидан махсус адабиёт чоп этилди.<sup>2</sup>

Олимлар ўртасида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, И.Насриевлар муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ҳуқуқларини бошқариш билан шуғулланиш ўзига хос институт, деган фикрни билдирса,<sup>3</sup> О.Оқюлов бундай ҳуқуқларни бошқаришни ўзига хос тамойилларга асосланган ташкилий тизимнинг бир бўғини деб ҳисоблайди.<sup>4</sup> Кўпчилик олимлар эса муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга тегишли муаллифлик ҳақлари йиғиш ҳамда тақсимлаш масаллари билан

---

<sup>1</sup>Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2000. – С.19.

<sup>2</sup> Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева.: ВОИС, 1990.

<sup>3</sup> Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. – Т.: Меҳнат, 2003. – Б.145–153

<sup>4</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқӣ мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 273– 274.

ижодий уюшмалар шуғулланса бўлади, деб ҳисоблайдилар деган фикрга қўшилиб бўлмайди. В.Л.Чертков, В.И.Чернишева ва бошқалар ижодий уюшмаларнинг ваколати фақат уюшма аъзоларига тааллуқли бўлгани ҳолда уюшма аъзоси бўлсагина муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига путур етади, деб уқтирадилар<sup>1</sup>.

Умуман олганда, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи ташкилотлар лицензия бериш орқали муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланувчилар билан шартномавий муносабатларни ўрнатади, ўз ҳуқуқларини лицензиялар орқали шу ташкилотларга ўтказиб туради. Мажбурий лицензияга кўра муаллифлик ҳуқуқи эгаси учинчи томондан асарга фойдаланишга рухсат беришга мажбур бўлади. Бунда асардан фойдаланиш шартлари кўрсатиб ўтилади.

Лицензия шартномасига кўра муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтказилади. Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаларининг муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилигида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ўтиши тартиблари алоҳида моддада ўрнатилган. Лицензия шартномаси тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб яратилган.

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини тушунишда аввало турдош ҳуқуқларни англаб олиш муҳимдир. А.П.Сергеевнинг фикрига кўра, муаллифлик ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларига ўхшайди ва унга эргашиб юради».<sup>2</sup> М.Фичорнинг таъбирича, конвенцияларга кўра муаллифлар қандай ҳуқуқлар тегишли бўлиши ва уни амалда қўллашда келиб чиқадиган муносабатлар аниқланиши керак<sup>3</sup>. К.Шмиттгофф интеллектуал мулк ҳуқуқининг эгаси лицензия шартномасини расмийлаштириш орқали, ўзига тегишли бўлган мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини хорижий мамлакатда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади, деб таъкидлайди.<sup>4</sup>

---

<sup>1</sup> Чертков В.Л, Чернишева В.И. Форма деятельности управлений охраны авторских прав. Творческие союзы в СССР. – М.: Юридическая литература. 1970. – С.232.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. – М.: Проспект. 2000. – С.219.

<sup>3</sup> Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. – Женева: ВОИС, 1990. – С.48– 54.

<sup>4</sup> Шмиттгофф К. Экспорт: право и практика международной торговли. – М.: Юридическая литература. 1993. – С.139.

Умуман олганда, лицензия шартномаси муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлашга ёрдам бериши билан бирга, уларни жамоа бўлиб ҳаракат қилишларида ҳам муҳим роль ўйнайди. Яъни, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларнинг ҳимояси тўғрисида, уларни коллективизм руҳида туғилган ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқи сифатида эмас, балки бошқа ҳуқуқлар билан бир қаторда ҳуқуқий давлатда тасдиқланган инсон ҳуқуқлари каталогининг ажралмас қисми бўлган асосий конституциявий ҳуқуқлар сифатида ҳимоя қилиши керак.<sup>1</sup>

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш нафақат бир мамлакат, балки халқаро шартнома ва битимларнинг аъзоси бўлган барча давлатларнинг ҳам манфаатларига мос келади. Муаллифлик ҳуқуқига оид барча халқаро актларда муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини халқаро доирада муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон 1886 йилдаги “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида”ги Берн конвенциясига аъзо бўлганидан сўнг, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлашга қаратилган тадбирлар белгилаб олинди.

Берн конвенциясини амалга тадбиқ этиш, шунингдек, ижодий жараёни янада рағбатлантириш ва фаоллаштириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январь куни “Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8-сонли қарори қабул қилинди.<sup>2</sup> Мазкур қарор 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3201-сон қарори<sup>3</sup> қабул қилингандан сўнг ўз кучини йўқотди. Бугунги кунда муаллифлик ҳақи миқдорлари ушбу қарор билан тасдиқланган Ставкаларга кўра тўланиши белгиланган.

Ўзбекистон ҳукумати муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлаш ҳамда халқаро мажбуриятларининг бажарилишини намойиш этиш мақсадида амалий ишларни давом эттирди. Шунга

---

<sup>1</sup> Барнабас Ленковикс. Миллий ва ижтимоий ҳуқуқда Омбудсман мандати– ҳозирги вақт ва келажак. Дунё омбудсманлари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.196.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.: 2007. – № 1.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33– сон, 839– модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161– сон)



кўра, 2008 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги асарлардан фойдаланилганда тўланадиган минимал муаллифлик ҳақи ставкалари тўғрисида”ги қарори<sup>1</sup> қабул қилинди. Қарор ва унга қилинган иловалар муҳим қонуности ҳужжати бўлиб, у амалда қонунчиликнинг ижро этилиши, республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларини бажаришига кўмаклашиш ва муаллифлар ҳамда уларнинг меросхўрлари, шунингдек бошқа ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини эътироф этишни кўзда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сонли) Фармони имзоланди. Фармон иловасига кўра, фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари белгиланди.

Юқоридагиларга кўра куйидагича хулоса қилиш мумкин. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқлари уларнинг ажралмас ҳуқуқлари сирасига киради, ҳуқуқлар ҳам миллий қонунчиликда, ҳам халқаро-ҳуқуқӣ актларда бевосита мустаҳкамлаб қўйилган. Мулкӣ ҳуқуқлар ҳам миллий қонунчилик орқали, ҳам халқаро нормалар орқали муҳофазага олинади, бу ҳуқуқлар давлатларо халқаро-ҳуқуқӣ муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи ташкилотларни тузиш зарурати мавжуд. Республикамиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлари бажарилиши учун муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқаришга қаратилган ташкилотлар дунёнинг худди шундай ўхшаш ташкилотлари билан икки томонлама шартномалар тузиши, халқаро-ҳуқуқӣ муҳофазада иштирок этиши лозим.

**Дилшод Худжанов**

*(Интеллектуал мулк ҳимояси марказларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи)*

## **КИНОАСАР ЯҲЛИТ БИР МУЛК – БЎЛИНМАСДИР**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.: 2008. – № 1.

Маълумки, мамлакатимиз миллий телеканаллари томонидан айрим жангари ва бошқа жанрлардаги миллий ва хорижий кинофильмларнинг тўлиқ ҳолдаги вариантыни эмас, балки киноасар лавҳалари кесилган ҳолдаги вариантыни намойиш этилиб келинмоқда. Мазкур ҳолат, нафақат томошабиннинг ғашига тегибгина қолмасдан, балки ижод аҳлининг ҳам кескин норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Ушбу ҳолат бўйича ўрганишлар жараёнида аниқланишича, телеканаллар томонидан *кинematография* асарларини намойиш этишдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни нормаларининг ўзаро зиддияти сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш белгиланган.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, миллий телеканаллар томонидан айрим жангари ва бошқа жанрлардаги миллий ва хорижий кинофильмларда ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган ҳамда зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларини тарғиб қилувчи сахналар мавжуд деб ҳисобланиб, киноасар муаллифларининг розигисиз, киноасар яхлитлигини бузган ҳолда ўзлари истаганидек кесиб фильмларни намойиш этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий телеканалларда намойиш этилган ҳар бир кинофильмлар юқорида келтирилган Қонун нормаларига мослиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг оммавий комуникациялар бўйича Маркази томонидан мониторинг олиб борилади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ *кинematография* асарлари – тасвир (расм, эскиз, манзара, тарх, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо) асарлари тоифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасига мувофиқ муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга. Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи). Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга.

Шунингдек, Қонуннинг 18-моддасига кўра асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми-шарифи кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Юқорида келтирилганидек, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун талабининг бажарилиши, иккинчи бир қонун яъни “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни билан ҳимояланган муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузишлишига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, ушбу қонун нормалари ўртасидаги ўзаро зиддиятни бартараф этиш ҳамда муаллифларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини амалга оширишда шаффофликни таъминлаш учун аввало, Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига тузатиш киритиб, унда келтирилган “ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлар” ва “зўравонлик ва шафқатсизлик ғоялари” тушунчаларига аниқ таъриф бериш керак.

Шунда ушбу тушунчаларнинг фильмларда акс этган жангари сахналарга қай даражада мос тушушига ойдинлик киритилиб, фильмларда қонунда таъқиқланган ғоялар акс этган ёки этмаганлиги бўйича хулоса бериш мумкин бўлади.

**Санжар Ўрманов**

*(Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси  
Қонунчилик бўйича маслаҳатчиси)*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИГА ОИД АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Мазкур таҳлилий тезисда айрим интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши, интеллектуал мулк ҳуқуқидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи нормаларни такомиллаштириш, ушбу йўналишда хорижий давлатлар тажрибасини имплементация қилиш, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқига доир амалдаги қонунчиликни яхлит равишда тизимлаштиришга оид фикр мулоҳазалар ва таклифлар ўрин олган.

*Товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари.* Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 26-моддаси учинчи қисмига кўра, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 38-моддасида товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун келиб чиқадиган маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддасига (*Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*) асосан белгиланади.

Мазкур нормага кўра, ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бироқ, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан ноқонуний фойдаланишда қўлланилган ашё ва товарларни мусодара қилиш назарда тутилмаган.

Бир нечта хорижий давлатлар, шу жумладан Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 158-моддаси (*Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан ноқонуний фойдаланиш*), Қирғизистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 341-моддаси (*Товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш*), Россия Федерация Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 14.10-моддасида (*Товарларни (ишларни, хизматларни) индивидуализация қилиш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш*) бундай норма қатъий белгилаб қўйилган.

Масалан, Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 158-моддасига кўра, ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга ёки хизматларга нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, шунингдек ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар товар белгисига мутлақ ҳуқуқни тугатиш билан боғлиқ жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса тегишли жарима билан биргаликда ушбу товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан ноқонуний фойдаланилган товарлар мусодара қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Россия Федерациясининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14.10-моддасига асосан, бир хил турдаги товарларни белгилашда бошқа шахснинг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ёки мазкур белгиларга ўхшаш белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, фуқароларга товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда бир ярим минг рублдан икки минг рублгача жарима; мансабдор шахсларга – товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда, ўттиз минг рублдан қирқ минг рублгача

жарима; юридик шахсларга эса товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда бир ярим минг рублдан икки минг рублгача жарима солинишига сабаб бўлади.<sup>1</sup>

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш орқали товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан ноқонуний фойдаланганлик ҳуқуқбузарлиги учун жарима ундириш жазоси билан биргаликда ушбу товарларни ва улар билан боғлиқ бошқа ашё ва товарларни давлат фойдасига мусодара қилиш йўли билан ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларга кескинроқ таъсир чораси қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасида товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари қайд этилган бўлсада, бундай жавобгарлик фақат Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солиниб, жиноий жавобгарлик масаласи қонунчиликда келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 149-моддасида (*Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш*) фақатгина тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолос.

Бироқ, хорижий давлатлар қонунчилигида товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жавобгарликни белгилаш масалалари аниқ белгилаб берилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 180-моддасида (*Товарларни (ишларни, хизматларни) индивидуализация қилиш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш*) ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб

---

<sup>1</sup> Тошев Б., Набиев Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси (Ўқув кўлланима). – Т.: 2019. – Б.46.

чиққан жой номидан ёки шунга ўхшаш товарларга ўхшаш белгилардан ноқонуний равишда фойдаланиш, агар бу ҳаракат такроран содир этилган бўлса ёки кўп миқдорда зарар етказган бўлса - юз минг рублдан уч юз минг рублгача ёки судланувчининг икки йил давомидаги иш ҳақи ёки бошқа даромадлари миқдорида жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки саксон минг рублгача ёки судланувчининг олти ойгача бўлган муддатдаги иш ҳақи ёки бошқа даромадлари миқдорида жарима билан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Худди шундай, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 222-моддасида (*Товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш*) ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, фирма номидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки шунга ўхшаш товар ёки хизматга ўхшаш белгидан ноқонуний фойдаланиш, агар бу ҳаракат кўп миқдорда зарар етказган бўлса – саксон ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичлари миқдорида жарима ёки шу миқдордаги ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд саксон соатгача жамоат ишларига жалб қилиш ёки йигирма суткагача қамоқ билан жазоланади. Ушбу амалиёт Озарбайжон ва Қирғизистон Республикларининг жиноят қончилигида ҳам ўз аксини топган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, товар белгиларини ҳуқуқий ҳимоясини тўлиқ таъминлаш ва ундан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш масалаларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунга мувофиқ, товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

**Фазлиддин Амиркулов**

(*Бухоро вилоят интеллектуал мулк  
ҳимояси маркази раҳбари*)

## **ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ**



Бугунги кунда мамлакатимизда бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётган, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган тўсиқлар бартараф этилаётган бир пайтда тадбиркорлик субъектларининг сони кундан кунга ошиб бормоқда. Кичик ва ўрта корхоналар қандай маҳсулот ишлаб чиқариши ёки қандай хизмат кўрсатишидан қатъи назар, улар интеллектуал мулк яратади ёки ундан фойдаланади. Бунда айниқса товар белгилари алоҳида ўринни эгаллайди.

Товар белгилари интеллектуал мулк объектларининг бошқа турларига нисбатан тижорат муомаласида энг кўп иштирок этади. Уларнинг тижорат муносабатларига кириб келиши ўзига хос босқичларни босиб ўтган. Баъзи манбаларга кўра, биринчи товар белгисини илк марта қайд этилиши 1893 йилда амалга оширилган. У швейцариялик шоколад ишлаб чиқарувчи “Russ Suchard et Cie”га тегишли бўлган. Ҳозир бу белги амалда эмас. Товар белгисини биринчи марта халқаро қайд этилиши ҳам швейцариялик соат фирмаси “Лонгинес” томонидан амалга оширилган.

Бошқа манбаларда, масалан: Current Anthropology журнали берган маълумотларга кўра, илк товар белгилари – савдо маркалари Қадимги Миср давридаёқ мавжуд бўлган. Илк бор 1876 йил 1 январда британиялик пиво ишлаб чиқарувчи Bass Brewery компанияси ўзининг қизил учбурчак шаклидаги товар белгисини рўйхатдан ўтказган. XIX аср охирларида бир қанча давлатлар товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар қабул қила бошладилар. 1857 йилда Францияда, 1874 йилда Пруссияда (кейинчалик 1896 йилда у Германия қонуни сифатида ўзгартирилган), 1894 йилда Буюк Британияда, 1870 йилда АҚШда товар белгилари тўғрисида қонунлар қабул қилинган.

Бугунги кунга келиб ҳар бир давлатда товар белгилари ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган. XIX асрнинг охирларига келиб интеллектуал фаолият маҳсуллари тараққиётнинг белгиловчи омилига айлангач, халқаро миқёсларда илмий техникавий бозор вужудга келди, турли мамлакатларда бу соҳани тартибга солувчи қонунларни яқинлаштиришга объектив зарурат туғилди. Бунинг ўзига хос ифодаси сифатида саноат мулки тушунчаси вужудга келди, унинг ҳуқуқий режими белгилари 1883 йил 20 мартда тузилган саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенсиясида мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида бундай жараён муаллифлик ҳуқуқида ҳам содир бўлди ва 1886 йилда тузилган “Адабий ва бадиий

асарларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн Конвенциясида ўз мужассамини топди. 1967 йил 14 июлда Стокгольмда қабул қилинган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини (БИМТ) таъсис этиш ҳақидаги Конвенцияда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари доираси белгиланди ва бинобарин “интеллектуал мулк” тушунчаси маълум маънода ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Ҳозирги даврда давлатимизда товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларнинг бузилишини олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори интеллектуал мулк соҳасида, хусусан товар белгилари бўйича ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Мазкур ва шу соҳадаги бошқа ўзгаришлар ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш сиёсати доирасида олиб борилган ишларнинг мантиқий давоми бўлди дейишимиз мумкин. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соф моддий мулк ҳуқуқидан фарқли равишда жамиятнинг иқтисодий, ҳам маънавий турмушида ўз илдизларига эга. Бу илдизларнинг уйғунлиги, моҳияти ва аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки давриданок белгилаб қўйилган қуйидаги вазифаларда ўзининг теран ифодасини топган эди: “Ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш зарур. Кишилар шуни аниқ-равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб республикамиз чинакам мустақиллиги ва раванқ топишини таъминлаб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Фуқаролик муомаласи иштирокчилари товарлари, ишлар ва хизматларнинг хусусий унсурларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан бўлган ҳуқуқларга ҳам мутлақ ҳуқуқлар борасидаги қоидалар қўлланилади. Маълумки, фуқаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этади, айни вақтда муомалада хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: 1999. – Б.22.

шарт, акс ҳолда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини уларнинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатадиган хизматларининг индивидуал белгиларини акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчасини батафсил ёритиб ўтсак. Товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, бу объектга нисбатан субъектив ҳуқуқлар соҳиблари ҳуқуқларининг ҳуқуқий жиҳатдан қўриқланишини вужудга келтириш асослари тушунилади. Бинобарин, товар белгиси ўз-ўзидан ҳуқуқий муҳофаза остига олинмайди, балки бу объектга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳуқуқи жиҳатидан муҳофаза остига олинади. Товар белгиларига нисбатан ўз субъектив ҳуқуқларининг эътироф этилишига ҳақли бўлган манфаатдор фуқаро ва юридик шахс белгиланган тартибда Интеллектуал мулк агентлигига мурожаат этиши ва ўз талабини асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Талаб асослантирилган ҳолларда Агентлик фуқаро ёки юридик шахсни товар белгисига нисбатан субъектив ҳуқуқлари муҳофаза остига олинганлигини билдирувчи ҳужжат, яъни гувоҳнома беради. Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товар ёки унинг идиши ҳамда ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи “Р” ёки айлана ичига олинган «Р» ҳарфи тарзда огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин. Огоҳлантирувчи тамға ҳақидаги меъёрлар АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида ҳам мавжуд. Халқаро амалиётда қуйидаги ҳарф бирикмалари “MR”, шунингдек, сўзлар – “Trademark”, - “Registere Trademark” (Буюк Британия), “Marfue deposee” (Франция, Белгия), “Marks Registrada” (Лотин Америкаси мамлакатлари) қўлланилади. Бундай белгилардан фойдаланиш товар белгиси эгасининг мажбурияти эмас балки ҳуқуқидир.

Товар белгиларини муҳофаза қилишнинг замонавий халқаро тизими иккита ҳуқуқий ҳужжат – Белгиларни халқаро қайд этиш тўғрисидаги Мадрид битими (1891 йил) ва Белгиларни халқаро қайд

этиш тўғрисидаги Мадрид битимига Баённомага (1989 йил) асосланади.

Дунёда товар белгиларини муҳофаза қилиш ҳамда шахсинг унга нисбатан ҳуқуқларини амалга ошириш масаласи товар белгилари сони ортиб бораётган бир шароитда тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. *БИМТ маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 9 ойи ичида дунёда 9.768.200 та товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар берилган. 2018 йилда ушбу кўрсаткич 7.000.000 тани ташкил қилган бўлиб, у 2017 йилга нисбатан 16.4 фоизга кўп. Талабномалар беришда Хитой (37,9 %), Япония (4,6 %), Европа давлатлари (3.8 %) ва Ҳиндистон (3.2%) етакчи ҳисобланади.* Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга нисбатан талаблар сони ортиб бораётган бир даврда мутлақ ҳуқуқларни халқаро доирада эркин амалга ошириш, кафолатини яратиш, унга бўлган ҳуқуқларнинг муҳофазасини таъминлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда соҳада баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, товар белгиси бўлган ҳуқуқнинг бузганлик учун қонунчилигимизда жазо чоралари белгилаб ўтилган. Ҳозирги даврда товар белгиларига бўлган ҳуқуқнинг бузилишига доир кўплаб низоли ҳолатлар юзага келмоқда. Бу бўйича фуқаровий, маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бошқа шахслар томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи бўлмагани ҳолда, ундан фойдаланиши ҳақиқий товар белгиси эгаси обрўсига, харидорлар ишончидан қолишига таъсир қилиши мумкин. Бу бўйича ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга, учинчи шахслардан ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини, учинчи шахслар ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли. Шу ўринда маънавий зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътибор берадиган бўлсак, қонунчилигимизда худди шу ҳолат бўйича маънавий зарар суммасини аниқлашда нималарга эътибор берилиши кераклиги, қандай асосларга кўра тайинланадиган маънавий зарар миқдори адолатлилик принципига тўғри келиши хусусида қоидаларни деярли учратмаймиз. 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарларни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленум қарорида Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқбузарликларда маънавий зарар миқдорини аниқлаш борасида

қандай хусусиятларга эътибор қаратилиши кераклиги хусусида батафсил қоидалар келтирилмаган. Амалиётдан маълумки маънавий зарар бўйича даъволарда жуда катта суммаларга ҳам дуч келамиз. Бунинг аниқ бир механизми йўқ. Таклифимиз шундан иборатки, Олий суд томонидан интеллектуал мулкларнинг ҳар бир тури бўйича уларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ва шунингдек товар белгиларининг хусусиятларини, обрў даражасини ва бошқа махсус хусусиятларини инобатга олган ҳолда маънавий зарар миқдорини белгилаш бўйича пленум қарори чиқаришса. Бу албатта кўпгина ҳуқуқни суистеъмол қилиш ҳолатларини олдини олган бўларди. Яъни бу орқали ҳуқуқбузар ўзига нисбатан адолат тамойилларига амал қилмаган ҳолда тайинланадиган маънавий зарар миқдорини камайтириш бўйича нормага эга бўлади. Бу орқали ҳам даъвогар, ҳам жавобгар ҳуқуқларининг бузилишининг олди олинади.

*Германия қонунчилигини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, интеллектуал мулк билан боғлиқ низолар учун алоҳида суд ташкил этилган бўлиб, товар белгиларини давлат рўйхатидан ўтказиш, товар белгиларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишлар Федерал Патент судларида кўрилади.*

Айнан мана шу патент судларининг тузилганлиги Интеллектуал мулк муҳофаза борасида Германияда жуда катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган. Бунинг Германия учун ижобий тарафи қуйидагилардан иборат бўлди:

1) товар белгисини рўйхатдан ўтказиш масаласи ва товар белгиси бўйича юзага келадиган муаммоли ҳолатларни патент суди томонидан амалга оширилиши вақтни тежашга ва юридик ва жисмоний шахсларга қулай бўлишига сабаб бўлади;

2) интеллектуал мулк бўйича махсус халқаро даражадаги судьяларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди;

3) молиявий томондан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлгани учун ходимларга юқори иш ҳақи тўлаш имконияти вужудга келди ва ходимларнинг иш унумдорлиги ва ишидан мамнунлик даражаси ошди.

Мазкур хорижий тажриба асосидаги берадиган таклифим шундан иборатки, интеллектуал мулк ҳуқуқида вужудга келадиган низоларни кўриш учун алоҳида Патент судлари ташкил этилиши керак. Агар патент судлари ташкил этилса, даъво билан бораётган шахс маълум бир миқдорда давлат божи тўлаши керак. Агар бу давлат божлари бўйича Агентликда алоҳида ҳисобрақами ташкил этилиб, бу

маблағ Агентлик харажатлари, ривожини учун сарфланадиган бўлса бизнингча фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, ҳозирги даврда интеллектуал мулк соҳасида вужудга келадиган низоларни сони ошиб бораётганлиги ва бу соҳа объектларининг махсус хусусиятлари кўплиги судларга маълум қийинчиликлар юзага келтирмоқда. Алоҳида ихтисослаштирилган патент судларининг ташкил этилиши натижасида, бу соҳада, шу жумладан товар белгилари бўйича вазиятга тўғри баҳо берадиган, малакали судьялар етиб чиқиши мумкин. Чунки, улар айнан бир соҳа бўйича фаолият юритади, ҳамда бу бўйича ўз билим, малакасини оширишга имконият вужудга келади.

**Mirazim Erkinov**  
(*Jizzax viloyat intellektual mulk  
himoyasi markazi rahbari*)

## **KINOSANOATNING BO‘YSUNMAS DUSHMANI KINOQAROQCHILIKNING HAR QANDAY KO‘RINISHIGA QARSHIMIZ!**

Kino, bu sehrlı so‘zni yaralganiga ham qariyb bir yarim asrdan oshmoqda 19-asr oxirida fransuz Le Prince va William Friz Grinning yaratgan ixtirolari, ularning kinoga ilk tamal toshlarining qo‘yilishi dunyo iqtisodiy va ijtimoiy siyosiy hayotiga ulkan sezilarli bir so‘z bilan aytganda revolyutsion tasir qilib kelmoqda ammo o‘sha davr kinosi va hozirgi davr kino sanoati o‘rtasidagi farq yer bilan osmoncha desak xato bo‘lmaydi, aholi soni oshib borishi, dunyo taraqqiyoti yangi bosqichga chiqishi, texnikaviy taraqqiyotning o‘sishi, va boshqa omillar kinoga talab va taklifni kundan kun orttirmoqda. Kino ko‘rishdan oson ish bo‘lmasa kerak muhlis uchun ayniqsa u qiziqarli va action sahnalarga boy bo‘lsa, ammo har bir ishning o‘z og‘ir va yengil tomonlari bor bo‘lgani kabi kino olishning ham mashaqqatli yuklari bor kino olish shunchaki kamera bilan voqeani tasvirga videoga olish emas bu mutloqo yangi dunyo yarata olish yoki yangi. foydali va mazmunli g‘oyalarni kinomuhlisga eng yaxshi usulda yetkazib bera olish sa‘natidir deb o‘ylayman. Sir emaski, oynai jahondagi kinolar bugun o‘zining milliardlab muhlislariga ega va ular soni ortmoqda shu bilan birga sifatli namoyish, qiziqarli ssenariyga ega bo‘lgan kinolar, mazmunli syujet, iqtidorli aktyorlar va rejissiyorlar jamoasini qamrab olgan kinolarga talab har qachongidan oshmoqda, bu esa kinomotografiya sohasida keskin raqobatni ortishiga olib kelmoqda.

Bugungi kundagi zamonamizning qudratli kino industriyasiga ega hududlar, misol uchun, Gollivud kino gigantlari Walt Disney, Warner Brosers, Universal Pictures, Colombia Pictures (AQSH) ham ajoyib, muhlissevar kinolar uchun o'zing millionlab byudjetlarini ayamasdan tavakkal qilishga majbur bo'lishmoqda, chunki keskin raqobat har qachongidan ham og'ir. Mana shunday halol va nohalol raqobat muhitida esa kinolarning huquqiy himoyasi uchun kurash kinokompaniyalarning asosiy quroli yani himoya vositasidir. Bu yo'lda kompaniyalar kino yaralmasdan oldin choralar ko'rishadi, agar kerakli choralar qilinmasa qaroqchilik, plagiarism, og'irlik bo'lishi aniq, hattoki, dunyoning eng yorqin kino industriyasi markazi Gollivudda ham bunday holatlar uchrab turadi. Shu o'rinda bir maqolni eslash joiz: " Har yerni qilma orzu, har yerda bor tosh-u tarozi". Shu maqsad yo'lida hozirda xalqaro va mahalliy kinokompaniyalar kinomutahassislar, yuridik firmalar, taniqli advokatlar, yuristlar bilan shartnomalar tuzishmoqda va ularni o'z ishlariga jalb etishmoqda, hukumatdan tegishli zarur qonunlar ishlab chiqarishini talab qilishmoda. Bugungi kunda mamlakatimizda kinoindustriya rivojlanmoqda deb bemalol aytish qiyin. Dolzarb sabablar qilib korrupsiya, nepotism, moliyaviy yetishmovchiliklar qilib ko'rsatish mumkin, ammo shunga yarasha huquqiy sohada yutuqlarimiz ham mavjud, sohada misol uchun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Milliy kinoindustriyani rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2018-yildagi farmoni yangi huquqiy asos bolib xizmat qilmoqda. Milliy kino san'atini rivojlantirishga qaratilgan islohotlarni tizimli davom ettirish, sohani davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish, yurtimizda jahon tajribasi asosida kino ishlab chiqarishning samarali mexanizmlarini joriy etish, zamonaviy kinosanoat infratuzilmasini yaratish va kinoprokat tizimini rivojlantirish maqsadida:

sohada mualliflik huquqining kafolatli himoya qilinishini ta'minlash, kinoprokat tizimini rivojlantirish va milliy filmlarni jahon kino bozorlariga olib chiqish asosiy ustuvor masala qilib belgilandi

Yana bir sohaga oid asosiy qonunlardan biri 2006-yil 23-martdagi "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar" to'g'risidagi qonun ham ushbu sohani tartibga solishda xizmat qilmoqda. Lekin amaliy muommolar haqida ham so'z yuritish lozim, bulardan asosiysi bu kinoqaroqchilikdir, yani muallifning kinokompaniyaning yoxud prodyuesserning ruxsatisiz mahalliy bozorga kinoprokatning kinoning premeryasidan oldin yo undan keyin noqonuniy chiqib ketishiga aytiladi. Umumiy xalqaro kino sohasida bu termin keng ma'no-mazmun kasb etadi. Misol uchun, nafaqat kino

disklarining chiqishi, balki bu kinodagi sahnalardan tortib to kino grafikasi, dizayni, liboslar, syujetlar, musiqalar o'g'irligiga ham ishlatiladi. Eng qizig'i, professional kompaniyalar yoki kinomutahassilar tomonidan ham ba'zida bunday takrorlashlar sodir etib turiladi. Mana shunday yorqin misollardan biri 2005-yilda Amerika Qo'shma shtatlarida Royce Mathew ismli shaxs Disney kompaniyasini "Karib dengizi qaroqchilari" filmidagi tundagi dengiz ostidagi qaroqchilarning yurib o'tish sahnasi o'g'irlanganligi uchun sudga bergan. 2013-yilda esa sud Disney foydasiga qaror chiqargan, garchi kompaniya soxtalashtirilgan dalillar taqdim etgan bo'lsa ham. Bundan tashqari, misol sifatida 2009-yilda Norvegiyaning mahalliy elektron lampa ishlab chiqaruvchi kompaniyasi "Luxe JR" Disney va unga tegishli Pixar studiosini o'zining lampalarini emblema sifatida o'g'irlangani ustidan sudga shikoyat qiladi va sudda g'olib bo'ladi. Bunday misollarni mamlakatimizda ham sanab o'tish mumkin: 2017-yilning 11-fevralida O'zbekiston kinoteatrlari ekranlariga chiqishi kutilgan Siroj Abdullayev rejissorligida suratga olingan "Daydi" filmi premyerasi to'xtatib qo'yildi. Bunga asosiy sabab "TIMUR FILM" MChJ tomonidan suratga olingan badiiy filmning jamoatchilik orasida targ'ibot qilishda bir qator qonunbuzarlik holatlariga yo'l qo'yilganligi bo'ldi. Bu haqda «O'zbekkino» Milliy agentligi matbuot xizmati ma'lum qildi.

Filmning treylerlaridan biri 2017-yilning 21-yanvarida «Mover» videoxostingiga joylashtirilgan edi. Filmning treylerida mashhur kinoaktyor Morgan Frimanning Buyuk Britaniya va Janubiy Koreyalik kinoijodkorlar tomonidan 2014-yilda ishlab chiqarilgan Last Knights («So'nggi ritsarlar») filmida suratga tushgandagi qiyofasi aks ettirilgan. Ammo Gollivud aktyori Siroj Abdullayevning ushbu filmida ishtirok etmagan. Film ijodkorlari tomoshabinlarning filmga nisbatan qiziqishi va talabini kuchaytirish maqsadida mashhur kino yulduzini filmida suratga tushganligini bildiruvchi yolg'on (chalg'ituvchi) ma'lumotlar tarqatib, iste'molchilarning (tomoshabinlar) huquqlarini poymol qilgan. O'zbekiston Respublikasining «Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida»gi Qonuni 6-moddasi talabiga ko'ra ishlab chiqaruvchi iste'molchiga o'zi realizatsiya qilayotgan tovarlar haqida o'z vaqtida zarur, to'g'ri va tushunarli ma'lumot berishi shart. Qonunning 23-moddasida davlat iste'molchilarning tovar sotib olishi va undan foydalanish chog'idagi huquqlari hamda qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini himoya qilishi belgilangan. Matbuot xizmatining ta'kidlashicha, «TIMUR FILM» MChJ studiyasi «Daydi» filmida bir qator xorijiy filmlardagi kadrlardan foydalanib, O'zbekiston Respublikasining «Mualliflik huquqi



va turdosh huquqlar to'g'risida»gi Qonuni 19-moddasi talabini buzgan. Vaholanki, Qonunning ushbu moddasiga ko'ra, yuridik va jismoniy shaxslar muayyan asardan faqat huquq egasi yoki boshqa vakolatli shaxs bilan tuzilgan shartnomaga binoan foydalanishlari mumkinligi belgilangan. Shulardan kelib chiqib, ushbu holatlar bo'yicha Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasiga hamda Intellektual mulk agentligiga rasmiy taqdimnoma kiritildi. Qayd etilgan masalalar mazkur davlat idoralari tomonidan ko'rib chiqilguniga qadar «Daydi» filmi kinoteatrlarda taqdimotini o'tkazish va keng namoyish qilishni to'xtatib turish ko'rsatmasi berildi.<sup>1</sup>

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlab o'tish joizki, kinolar nafaqat ma'daniy hordiq chiqarish vosita, balki ulkan iqtisodiy manfaat beradigan manbaa deb ham qarash mumkin. Bugungi kunda kinoindustriyalar mamlakatlarga ulkan moddiy manfaat, turistlar oqimi va global imidj olib kelmoqda. Bunga Angliya, Turkiya, Janubiy Koreya singari davlatlar yaqqol misol bo'la oladi. Demak, biz ham mana shunday davlatlar qatorida turishni istasak, avvalo, sohadagi huquqiy bazani mustahkamlash amaladagi soha rivoji uchun to'siq bo'layotgan muammolarni bartaraf etish, ularni yechimi uchun toqatsiz kurash olib bormog'imiz darkor. Mavzuni o'rganish davomida quyidagi taklif va tavsiyalarni bergan bo'lardim:

1961-yilgi Ijrochilar, fonogramma ijrochilari, transilyatsiya tashkilotlarining huquqlarini himoya qiluvchi Rim Konvesniyasini zudlik bilan imzolash;

Qaroqchi kino disk sotuvchilariga nisbatan jarimalar miqdorini oshirish;

Kinoqaroqchilik faoliyati bilan qayta shug'ullanish holatlari uchun jazo choralarini kuchaytirish;

“O'zbekfilm” tarkibidagi badiiy kengash faoliyati va tarkibini qayta tashkil etish;

Ijtimoiy tarmoqlarda, websaytlarda yoki streaming servislardagi kinoqaroqchilikka qarshi Intellektual mulk agentligi huzurida alohida mahsus ekspertlar bo'lim ochish.

---

<sup>1</sup> <https://daryo.uz/2017/02/09/>

*(Milliy gvardiya Harbiy-texnik instituti Ilmiy-tadqiqot ishlarini  
muvofiqlashtirish va xalqaro hamkorlik bo‘limi katta ofitseri)*

## **INTELLEKTUAL MULK HUQUQI HIMOYA QILINISHINING HUQUQIY ASOSLARI**

Hozirgi davrda dunyo davlatlari taraqqiyotida intellektual mulk har bir mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. «Kimki axborotga egalik qilsa, o‘sha dunyoga egalik qiladi» kabi zamon talabidan kelib chiqqan holda, moddiy yangilik yaratish bilan bir qatorda nomoddiy yangiliklar, kashfiyot, ixtirolar yaratishning afzalliklarini inson o‘zining necha mingyillik taraqqiyoti davomida shohidi bo‘lib kelmoqda. Shundan kelib chiqqan holda, intellektual mulkning iqtisodiyotga keltiradigan foydasini quyidagi misol orqali ko‘rish mumkin. 2019 yil AQShda umurtqa mushak atrofiyasini davolash uchun yangi dori vositasi ishlab chiqilgan bo‘lib, uning patent narxi 2 million AQSh dollaridan oshdi, bu dunyodagi eng qimmat dori hisoblanadi. Axborot-kommunikatsiyalari sohasida erishilgan yutuqlar asosida yaratilayotgan turli kompyuter dasturlari shaxslarning axborot izlash, undan foydalanish, o‘zaro almashinuvi borasida bir qator yengilliklar yaratib kelayotgani sir emas.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 42-moddasida «Har kimga ilmiy va texnikaviy ijod erkinligi, madaniyat yutuqlaridan foydalanish huquqi kafolatlanadi. Davlat jamiyatning madaniy, ilmiy va texnikaviy rivojlanishiga g‘amxo‘rlik qiladi»<sup>1</sup> degan huquqiy norma keltirilgan bo‘lib, bu modda orqali biz har bir shaxsga ushbu sohalarda ijod erkinligi kafolatlanganligini bilib olamiz. Shu bilan bir qatorda O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksiga ham intellektual mulk sohasini huquqiy tartibga solish, mualliflik huquqini himoya qilishga doir bir qator tegishli normalar kiritilgan. 2006 yil 20-iyulda qabul qilingan «Mualliflik huquqlari va turdosh huquqlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni ham fan, adabiyot va san‘at asarlarini (mualliflik huquqi), ijrolar, fonogrammalar, efir yoki kabel orqali ko‘rsatuv yoxud eshittirish beruvchi tashkilotlarning ko‘rsatuvlari yoki eshittirishlarini (turdosh huquqlar) yaratish hamda ulardan foydalanish bilan bog‘liq holda yuzaga keladigan munosabatlarni tartibga solishga xizmat qiladi.

---

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

Intellektual mulk huquqi - intellektual (aqliy) faoliyat natijasiga tegishli huquq. Mulk egasi ana shu intellektual mulk obyektlaridan o'z xohishiga ko'ra, har qanday shaklda va har qanday usulda mutlaq qonuniy foydalanish huquqiga egadir. Huquq egasiga mutlaq huquq asosida tegishli bo'lgan intellektual mulk obyektlaridan boshqa shaxslarning foydalanishiga faqat huquq egasining roziligi bilangina yo'l qo'yiladi<sup>1</sup>. Ba'zi obyektlarga nisbatan (ixtiro, sanoat namunasi, foydali model, tovar (xizmat) belgisi, firma nomi va sh. k.) mutlaq huquq davlatning vakolatli organi tomonidan beriladigan maxsus hujjat — patent, guvohnoma asosida vujudga keladi va huquqiy muhofaza qilinadi. Intellektual mulk obyektlari fuqarolik huquqining boshqa obyektlari — ashyolar, qimmatbaho qog'ozlardan quyidagi xususiyatlari bo'yicha farq qiladi:

Birinchi, intellektual mulk obyektlari asosan moddiy ko'rinishda emas, g'oya, bilim shaklida namoyon bo'ladi;

Ikkinchi, shaxslar bunday obyektlardan ayni bir vaqtning o'zida cheksiz doirada foydalana olishi mumkin;

Uchinchi, qonunlarda belgilangan muddatlar o'tishi bilan intellektual mulk huquqi egasining ma'lum intellektual mulk obyektiga nisbatan huquqlari bekor bo'ladi va u umuminsoniy boylikka aylanib, har kim undan ma'lum shartlar asosida (muallifining shaxsiy huquqlariga rioya qilgan holda) tekin va ruxsatsiz foydalanishga haqli bo'ladi.

Respublikamizda intellektual mulk huquqini himoya qilishga qaratilgan bir qator chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda. Ayniqsa, Intellektual mulk agentligi Adliya vazirligi tizimiga o'tkazilganidan so'ng, intellektual mulk obyektlarini himoya qilish ishlari jadal tus oldi, qonunchilikka bir qator o'zgarishlar va javobgarlik masalalari nisbatan jiddiy tus oldi. Jumladan, intellektual mulk sohasida sodir etilgan ma'muriy huquqbuzarliklarga belgilangan ma'muriy jarimalar miqdori 3-4 baravar oshirildi.

Adliya vazirligi huzuridagi Intellektual mulk agentligining asosiy vazifalari quyidagilar hisoblanadi:

intellektual mulk sohasida yagona davlat siyosatining amalga oshirilishini ta'minlash, ixtirolar, foydali modellar, sanoat namunalari, tovar belgilari va boshqa intellektual mulk obyektlarini huquqiy muhofaza qilish;

intellektual mulk obyektlarining huquqiy muhofazasi holatini kompleks tahlil qilish, ushbu sohasini rivojlantirish bo'yicha aniq takliflarni ishlab chiqish;

---

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)).

intellektual mulk sohasidagi huquqni qo'llash amaliyotini izchil va bir xilda ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;

intellektual mulk masalalari bo'yicha xalqaro-huquqiy hamkorlikni, shu jumladan, intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqlarni o'zaro muhofaza qilish haqidagi xalqaro shartnomalarni tuzish orqali yo'lga qo'yish va mustahkamlash;

intellektual mulk sohasidagi ilmiy-tadqiqot va boshqa ishlarni o'tkazishda ishtirok etish;

jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish va intellektual mulkka nisbatan hurmat hissini shakllantirish<sup>1</sup>.

Hech kimga sir emaski, hozirgi kunga kelib axborot texnologiyalari taraqqiyoti shu darajaga borib yetdiki, endilikda bu yaratilgan axborot texnologiyalari yutuqlarisiz (smartfon, planshet, noutbuk va shu kabilar) hayotimizni tasavvur qilish ham qiyin. Ushbu yaratilayotgan yangiliklardan faqatgina bunyodkorlik ruhida foydalanish, Vatan taraqqiyotiga, kelajagiga xizmat qilish dolzarb vazifalardan biri bo'lib qolmoqda. Shunday ekan, birinchi navbatda fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirish, ularning huquqiy savodxonligini oshirish va munosib rag'batlantirish uchun «Intellektual mulk huquqi bilimdoni» mobil ilovasini yaratish lozim. Bu ilova orqali ishlarni quyidagicha tashkillashtirish maqsadga muvofiq bo'ladi:

a) ushbu ilovada keltirilgan testlar, bahsli holatlarni yechimi bo'yicha fuqarolarning savodxonlik darajasi aniqlab olinadi va umumlashtirilib tahlil qilinadi;

b) tahlil natijalariga ko'ra huquqiy savodxonlik darajasi belgilab olinadi va kunlik qiziqarli faktlar, qonun normalarining asosiy mazmuni, eng so'nggi o'zgarishlar to'g'risida ma'lumotlar yuklab boriladi;

c) har oylik tanlov natijalariga muvofiq g'oliblar munosib ravishda rag'batlantirib boriladi;

d) fuqarolarni qonunlarga hurmat hissini uyg'otish va huquqbuzarlarga nisbatan esa murosasizlik ruhini tizimli ravishda singdirib borish;

e) norma ijodkorligini rivojlantirish bo'yicha fuqarolarning asoslantirilgan takliflarini ko'rib chiqish uchun qabul qilish va o'rganish.

Intellektual mulk vazirligini tashkil etish lozim va bu vazirlikka yuqorida keltirilgan vazifalardan tashqari quyidagilarni ham birlashtirish lozim:

---

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasining 2006 yil 20 iyuldagi 42-sonli "Mualliflik huquqlari va turdosh huquqlar to'g'risida"gi Qonuni.

har chorakda respublikamiz hududlarida fan, adabiyot, san'at, ilmiy-tadqiqot sohalarini rivojlantirishga qaratilgan startaplar faoliyatini tashkillashtirish va o'tkazish mexanizmini jadallashtirish;

xalqaro tajribani o'rgangan holda, xorijiy mamlakatlar erishgan yutuqlarni tahlil qilish asosida ilg'or tajribalarni mamlakatimizga implimentatsiya qilish tizimini takomillashtirish;

Yoshlar ishlari agentligi bilan hamkorlikda uyushmagan yoshlarni intellektual faoliyat bilan shug'ullanishga keng jalb qilish uchun zarur bo'lgan shart-sharoitlarni sxematik tarzda ishlab chiqish va amaliyotga qo'llash.

Intellektual mulk sohasida malakali kadrlarning yetishmasligi, shuningdek patent bojlari va to'lovlarining yuqori darajada ekanligi ushbu sohani rivojlantirishga salbiy ta'sir ko'rsatib kelayotganligini inobatga olib quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

Toshkent davlat yuridik universitetidan tashqari boshqa yuridik mutaxassislik beruvchi oliy ta'lim muassasalarida ham intellektual mulk kafedralari faoliyatini tashkil etish;

patent bojlari va to'lovlarini sezilarli darajada kamaytirish.

**Мамасаид Бобояров**

*(Сурхондарё вилояти интеллектуал мулк  
ҳимояси маркази етакчи мутахассиси)*

## **МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИДА МЕРОС МАСАЛАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўли танланди. Инсон ҳуқуқи ва қонун устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Бизга маълумки, муаллифлик ҳуқуқи – бу “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилганидек, фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижро, фонограмма, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарларга мисол сифатида

асл бадий асарлар, фильмлар ва овоз ёзувлари тушунилади. Мулк ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири мерос ҳуқуқидир. У хусусий мулкни, мулкӣ ҳуқуқ ва бурчларни ҳамоя қилиш, уни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади.

Мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Ҳар бир шахс Конституцияда белгилаб берилган иктисодӣ ҳуқуқлардан фойдаланиб, мулкдор бўлишга ҳақли. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Муаллифлик ҳуқуқи ҳам мулк ҳуқуқи асосида ҳамоя қилинади ва тасарруф этади. Ҳар бир шахс ўзи ҳаётлигида мулкни ўзи тасарруф қилади ва вафот этганидан кейин мулкнинг тақдири қандай бўлишини олдиндан белгилаши ҳам мумкин. Мулкдор мулкнинг ўзи вафот этганидан кейинги тақдирини мерос (ворислик) ҳуқуқи ёрдамида амалга оширади.

Бироқ муаллифлик ҳуқуқ қоидалари фуқаролик ҳуқуқи қоидаларидан биров фарқ қилади. Бу айниқса мерос масаласида кўзга ташланади. Муаллифлик ҳуқуқида муаллиф вафот этгандан сўнг унинг мулкӣ ҳуқуқлари меросхўрларига ўтиши, агар меросхўрлари бўлмаса давлатга ўтиши белгиланган. Бу қоида фуқаролик муомасаласидаги мерос ҳуқуқи билан ўхшаш. Бироқ муаллифнинг меросхўрлари ўртасидаги мулк ҳуқуқини тақсимланиши ва судга даъво қилиш билан боғлиқ ижтимоӣ муносабатлар фуқаролик муомаласида муносабатлардан ўзаро фарқ қилади.

Масалан, фуқаролик муносабатлардан мерос бўйича масала хусусида меросхўрлари ўртасида мерос тақсимланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасида мероснинг тақсимланиши хусусида қуйидаги норма белгиланган. Унга кўра, “Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади. Мазкур модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади” дейилган норма белгиланган. Бунд мерос масаласи қонунӣ йўл билан қўлга киритган меросхўрларга нисбатан қўлланилади. Бу қоида фуқаролик муомаласидаги мерос масаласи бўйича тақсимланиши эди.

Энди муаллифлик ҳуқуқи бўйича мерос масаласи хусусида тўхталсак. Юқорида айтганимиздек, муаллифлик ҳуқуқида мерос масаласи фуқаролик муомаласидаги мерос масаласидан биров фарқ қилишини айтгандик. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг мерос бўйича ўтиши қондаси белгиланган, унга кўра, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди.

Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди. Муаллифнинг меросхўрлари бўлмаган тақдирда, унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус ваколатли давлат органи зиммасига юкланади. Агар асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бир неча меросхўрга биргаликда тегишли бўлса, асардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишувда белгиланади. Бунда меросхўрлардан ҳеч бири бошқа меросхўрларнинг асардан фойдаланишини етарли асосларсиз тақиқлашга ҳақли эмас» деб белгиланган. Кўриб турганимиздек, фуқаролик ҳуқуқида мерос бўйича меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш бўйича судга мурожаат қилиши, меросни ўзаро тақсимлаб олиши, тарафларни қайсидир меросдан маҳрум этиши мумкинлиги белгиланган. Муаллиф ҳуқуқидаги мерос масаласи бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланиши биров бошқароқ норма қўлланилади. Яъни, меросхўрлардан ҳеч бири бошқа меросхўрларнинг асардан фойдаланишни етарли асосларсиз тақиқлашга ҳақли эмас, яъни муаллиф томондан қолдирилган мулки ҳуқуқларга барча меросхўрлар бирдан ҳақли ҳисобланади.

Худди шунингдек, муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари ҳам меросхўрларга маълум муддат асосида берилади. Яъни муддат билан чегараланади. Мисол учун, Европанинг бир қанча давларида ва TRIPS (Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights) аъзо бўлган давлатлар бу муддат 70 йил сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикасида эса бу муддат 50 йил билан чегарланган. Мана шу муддат ўтгандан сўнг эса, муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари ўтган меросхўрларига берилган мулик ҳуқуқлар ўз кучини, аҳамиятини ёқотади. Яъни бу мулкий ҳуқуқлар ижтимоий мулкка айланади. Ижимоий мулкка айланиши, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддасида “Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал

қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради. Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши керак” деб белгиланган. Бу ҳам фуқаролик ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқининг мулкый ҳуқуқлари ўзаро фарқ қилишини англатади. Яъни фуқаролик ҳуқуқида мерос бўлиб ўтган ҳуқуқ тўлиқ тартибда меросхўрларга муддатсиз тартибда ўтади.

Агар муаллифнинг меросхўрлари бўлмаса, муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари давлатга ўтади ва ҳимоясини ваколатли давлат органи яъни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агенлиги амалга оширади ва муддат ўтгандан сўнг эса у ижтимоий мулкка айланади.

Шуни таъкидлаш сифатида, агар муаллиф вафот этса, унинг асарларига бўлган мулкый ҳуқуқлари давлатга эмас, ижтимоий мулкка айланишини, ундан барча эркин фойдаланишини қонунчиликка киритишни, шунингдек, мерос масалалари бўйича нормаларини такомиллаштириш, фақат мулкый ҳуқуқлари ижтимоий мулкка айланиши, унинг номулкий ҳуқуқлари муддатсиз тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳимояланиши керак.

Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши бу фуқароларнинг онги юксалишига, тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига имкон беради ва фуқароларнинг фан ва адабиёт, саънатдан фойдаланишга имконияти кўпаяди.

**Фозилбек Дустияров**

*(Тошкент вилояти интеллектуал мулк  
ҳимояси маркази раҳбари)*

## **ТОВАР БЕЛГИСИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ**

Бизнинг энг олий мақсадларимиз – бу жамиятни демократлаштириш ва янгилашда фуқаролик жамиятга ўтиш, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатни модернизацияси ва ислоҳ этишда барча соҳалар каби мамлакатимизда интеллектуал мулкни ривожлантириш, айниқса уни муҳофаза этиш ўта долзарб ҳисобланади.

Юртимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар қатори интеллектуал мулкнинг муҳофазаси ҳуқуқий асослари яратилгани, мулк соҳибларининг барча ҳуқуқлари, қабул қилинган қонун ва



қоидалар орқали тўла муҳофазаланади. Жумладан: “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқиш жойларининг номлари тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Фирма номлари тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши, шулардан келиб чиққан ҳолда, интеллектуал мулкларни соҳибига айланиш учун талабномалар бериш, уни кўриб чиқиш ва Давлат рўйхатидан ўтиш қоидаларининг яратилиши мисол бўла олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулкка оид қонунларнинг қабул қилиниши шунингдек, мухтарам Президентимиз томонидан соҳага оид муҳим белгиланган устувор йўналишлар ҳамда мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик ва инвестиция муҳити ижобий тарафга, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳибларининг кўпайишига олиб келмоқда. Бугунги кунда янги технология, жараён ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш фирмаси, янги бозор, молиявий инструментлар ва структуравий ташкил топишга мос ижтимоий-иқтисодий вазифаларни, янги бошқарув жараёни ва ечими, энг аввал, инсон маънавий соҳасидаги янгиликларни яратиш ва тадбиқ этиш натижасида интеллектуал мулкка бўлган талаблар кун сайин ошиб бормоқда.

Биргина Интеллектуал мулк агентлигига товар белгилари рўйхатдан ўтказиш учун топширилган талабномаларни ҳисобга олиб қарайдиган бўлсак, 2018 йилда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси учун топширилган талабномалар сони – 3834 тани, 2019 йил давомида эса бу кўрсаткич 4319 тани ташкил этган. Демак, кўриниб турибдики, чиқарилаётган қонун ҳужжатлари, олиб борилаётган соҳага оид ташкилий ишлар ҳамда тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар натижасида интеллектуал мулк ҳуқуқига бўлган ишонч ортмоқда. Жумладан, соҳага оид энг сўнги қабул қилинган “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарорида тадбиркорларимиз учун кенг имконият, яъни экспорт улуши умумий товар айланмасининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этадиган

экспорт қилувчи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини Агентлик томонидан 2021-2022 йилларда миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Уйлайманки, бу ҳам экспортёрларимизни ўз товар белгиларини яратиши, уни нафақат мамлакатимизда, балки чет элда ҳам ҳимоясини таъминлашга кўмакчи бўлади.

Ҳар бир соҳада эришилган ютуқлар билан биргаликда ундаги камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳозирда соҳадаги етарли камчиликлардан бири бу – интеллектуал мулк объектларини баҳолашни ташкил этиш, уни тармоқларга олиб кириш ҳамда механизмни шакллантирувчи бозор ва талабларни камлигидир. Шу мақсадда юқоридаги қарорда 2021 йил 1 июнга қадар давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган интеллектуал мулк (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулки) объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, яратилган муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва рўйхатдан ўтказилган саноат мулки объектларини тижоратлаштириш, саноат мулкига белгиланган қўшимча қийматдан даромат топишдир. Хўш, ўз-ўзидан савол тўғилади, қўшимча қиймат нима, у қандай ва нимага асосан белгиланади, унинг фойдаси қаерда. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори туради, афсуски мамлакатимизда бу борада узоқлашиб кетган, мамлакатимизда ҳаридоргир саноат мулклари деярли яратилгани йўқ, яратилган бўлса ҳам уни тижоратлартириш учун баҳоловчилар етишмайди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра 230 дан ортиқ баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга баҳоловчи ташкилотлар мавжуд. Лекин буларнинг қанчаси интеллектуал мулкни баҳолаш мезонларини билади ёки тушунади деган савол очик қолмоқда.

Дунё миқёсида бренд даражасига кўтарилган шундай товарлар борки, мазкур товарларнинг улуши бази бир давлатларнинг ялпи ички маҳсулотига тенг. Масалан: бугунки кунда “Apple” (\$323 млрд), “Amazon” (\$200,7 млрд), “Microsoft” (\$166 млрд), “Google” (\$165,4 млрд) ва “Samsung” (\$62,3 млрд) брендларининг умумий баҳоси \$917,4 миллиардни ташкил этмоқда. Бунда асосий руль товар ёки хизматда эмас, унинг қўшимча қийматини баҳолашда, яъни товарда қайт этилган бренд қиймати шакллантирмоқда ва асосий даромади

ҳам шунда. Демак, товар белгиси товар ва хизматда унинг умумий бозор қийматини сезиларли даражада оширади, бу эса унга шериклар ва инвестирлар олдида жозибадорлигига, ундан фойда олишда ижобий таъсир кўрсатади. Товар белгиси бу бир юридик ёки жисмоний шахслар товар ва хизматларини бошқа бир юридик ёки жисмоний шахсларнинг шу тардаги товар ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган белгига нисбатан қўлланилади. Кўпинча “товар белгиси” атамаси ўрнида “бренд” атамаси ишлатилади. “Бренд” – бу нафақат ишлаб чиқарувчининг рамзини, балки истеъмолчи онгидаги боғлиқ ассоциацияларнинг бутун мажмуасининг ўз ичига олган янада кенгрок тушунчадир. Товар белгиси кучли рақобатбардош воситадир. Бу истеъмолчилар ўртасида бир маҳсулотни аналогларидан фарқлаш ва унга маълум тасаввур имконини беради. Маҳсулотнинг брендлаши ва рекламалаштирилиши натижасида маҳсулот бозорда таниқли бўлиб, ўз истеъмолчилар гуруҳига эга бўлади. Бу савдо ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек бошқа шу каби товарларга нисбатан нархларни бироз ошириб юборишига имкон беради (бу ерда истеъмолчи маҳсулот сифати кафолати ҳамда қадокдаги расм учун қўшимча қиймат бўйича ҳақ тўлайди).

Демак, товар белгисининг асосий функциялари этиб қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

товар ёки хизматларни реклама қилиш (бренднинг обрў-эътибори ва уни танилганлиги истеъмолчи ишончини қозонишга ёрдам беради);

товар ва хизматларни ноҳалол рақобат ва қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш;

товар белгисидан фойдаланиш орқали товар ва хизматларни сотишдан тушадиган дароматларни максимал даражада ошириш.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқларни қийматини баҳолаш эса – бу унга бўлган эксклюзив ёки ноэксклюзив ҳуқуқларнинг пул эквивалентини ўрнатиш жараёнидир. Товар белгисини баҳолашда ҳам бошқа мулкни баҳолашда бўлгани каби, таннарх, таққослаш ва даромад ёндашувларидан фойдаланилади. Муайян ёндашувдан фойдаланиш баҳоловчи томонидан асосланиши керак ва бир нечта ёндашувлардан фойдаланиш товар белгисининг якуний қийматини аниқроқ баҳолашга, янада ишончли асослашга имкон беради. Товар белгиларини баҳолаш бўйича барча ҳолларда шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

*Биринчидан*, тадбиркор у ёки бу сабабларга кўра ўз бизнесининг қийматини ошириши керак. Бунда товар белгиси компаниянинг энг муҳим номоддий активларидан бири бўлиши мумкин. Кўпгина ишбилармон тадбиркорлар буни жуда яхши билишади ва товар белгисини корхона устав балансига бозор қиймати бўйича жойлаштиради ва сўнг бизнесни сотиш, фойдаланишга беришда юқори нархни илгари сўриш ёки банкда ундан катта миқдордаги кредит миқдорини талаб қилиш имконига эга бўлади.

*Иккинчидан*, бу товар белгиси ҳуқуқларини тасаррув этиш билан боғлиқ ҳолатлар бўлиб, товар белгиси сотилганда ёки ҳуқуқлар фойдаланишга берилганда ҳуқуқ эгасига битим нархини асослар билан тасдиқлашда ёрдам бериш ҳолатлари ва

*Учинчидан*, вазият ва низоларни ҳал қилиш ҳолати билан боғлиқ жараёнлар. Бунда кўпинча бошқа бировнинг товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлиги ҳолатларида етказилган зарар, яъни компенсация миқдорини қоплаш учун ҳуқуқ эгасининг юқотилган фойдаси миқдорини ҳисоблаш ҳолатларида.

Шунингдек, товар белгисини баҳолашдаги ёндашувларда баҳоловчи баҳоланиши керак бўлган товар белгисини тури қараб товар белгисини баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлайди. Баҳолаш мақсади товар белгисини баҳолашда қўлланиладиган ёндашув ва усулларга таъсир қилади. Демак, товар белгиларини қийматини баҳолаш учун қуйидаги ёндашувларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

сарф-харажат (объектни яратиш учун зарур бўлган сармойани аниқлаш);

даромад (товар белгиси ҳисобига яратилган пул оқимларини аниқлаш).

*Сарф-харажат*: товар белгисини сарф-харажатлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, умумий қоида тариқасида баҳоловчи харажат ёндашувини қўллаган ҳолда товар белгиси ёки унинг аналогини яратишга кетган харажатларни аниқлаш керак. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

товар белгиси дизайнини яратиш харажатлари;

товар белгисини тегишли давлат ташкилотидан рўйхатдан ўтказиш учун кетадиган харажатлар (талабномани тузиш, топшириш хизмат ҳақлари ва давлат божлари);

маркетинг ва бошқа харажатлар.

Амалда харажатлар ёндашуви камдан-кам қўлланилади. Фараз қилинг, агар иккита товар белгисини яратишга тахминан бир хил маблағ сарфланган бўлса, бу уларнинг келажақда қийматларини тенг бўлиб чиқишлилигини аниқлатмайди. Чунки товар белгисининг бири машхур брендга айланиши, иккинчиси эса танилмаслиги мумкин. Товар белгисининг бозор қиймати кўплаб омилларга асосланиб, яъни харидоргирлиги, ишлаб чиқарилган ва сотилган махсулотлар ҳажми, корхонанинг фойдаси ҳамда географик ҳолатлари ҳам ҳисобга олинади. Ҳаражат қиймати доимий эмас ва вақт ўтиши билан бренднинг маркетинг стратегияси ва бозор мавқеига қараб ўзгариб боради. Шунинг учун харажат ёндашуви қоида тариқасида товар белгисни баҳолашда бошқа ёндашувларни қўллаш имконсиз бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

*Даромад:* интеллектуал мулкнинг асосий хусусияти унинг даромад келтира олиш қобилиятидир, шунинг учун товар белгисининг қийматини баҳолашда кўпинча даромад ёндашуви қўлланилади. Даромад ёндашуви доирасида товар белгиларини баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо уларнинг умумий алгоритми қуйидагича:

баҳолаш объектидан фойдаланиш корхонага келтирадиган иқтисодий самараси;

пул оқимини прогнози;

баҳолаш санигача бўлган пул оқимлари ҳисоби.

Юқорида биз товар белгиларининг баҳолаш тамойилларини хусусиятлари тушунчаларини кўриб чиқдек. Шу ўринда товар белгисини баҳолаш жараёнлари қай ҳолатларда талаб қилинади, шу ҳолатга ҳам қисқа тўхталиб ўтиб кетсак.

Товар белгисини баҳолаш жараёнлари талаб қилинадиган ҳолатлар:

1) товар белгисини алоҳида ҳуқуқларини олди-сотди жараёнларида;

2) корхоналарни олди-соттисида, корхонани қайта ташкил қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларида;

3) товар белгисини корхона устав капиталига киритиш жараёнида;

4) ҳуқуқларни қисман ёки вақтинча ўтказиш жараёнларида;

5) лицензия шартномалари ва франчайзинг шартномалари тузиш ҳолларида;

6) товар белгиси учун суғуртани расмийлаштиришда;

7) товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлигини натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳолларида;

8) суд низоларини ҳал қилишда.

Демак, товар белгиси шунчаки ном эмас, балки унинг ишлатилишида монополия берувчи ва ҳуқуқий муносабатларда бевосита иштирок этадиган интеллектуал мулк бўлганлиги сабабли унинг ҳозирги бозор қийматини билиш катта аҳамиятга эга эканлиги билиб олдек.

Хулоса ўрнида, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш ҳар бир жамият тараққиёти учун муҳим саналади. Айниқса интеллектуал мулк соҳасида баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, интеллектуал мулк ҳуқуқи ривожланган чет эл тажрибасини олиб кириш ва баҳоловчилар малакасини мунтазам ошириб бориш талаби долзарбдир.

Бугунги кунда интеллектуал мулк соҳасига оид чиқарилаётган ҳар бир қонун ҳужжатлари ва соҳада амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз равнақи, иқтисодий ривожини учун катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

**Dilrabo Egamova**  
(*Toshkent davlat yuridik  
universiteti doktoranti*)

## **INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARINI TIJORATLASHTIRISH MASALALARI**

Intellectual mulk obyektlari ashyolar, shu jumladan pul va qimmatli qogʻozlar, boshqa buyumlar, moddiy hamda nomoddiy boyliklar kabi fuqarolik huquqining obyektlari hisoblanadi. Fuqarolik huquqi obyektlarining muomalada boʻlishi deganda, erkin suratda boshqa shaxsga berilishi, topshirilishi yoki oʻtkazilishi tushuniladi<sup>1</sup>. Shunday ekan, fuqarolik huquqining obyekt sifatida Intellectual mulk obyektlaridan tijorat maqsadida foydalanishga, erkin suratda boshqa shaxsga berilishi, topshirilishi yoki oʻtkazilishiga qonun asosda ruxsat etilishini koʻrishimiz mumkin.

Innovatsion jarayonning eng muhim elementi sifatida tijoratlashtirish bugungi kunda tadbirkorlik faoliyatining tovarlar va xizmatlarni yuqori darajada iqtisodiy taʼsirga ega ishlab chiqarish va sotishni asosiy maqsadiga aylangantirgan mustaqil sohasiga aylanib bormoqda.

---

<sup>1</sup> Rahmonqulov H. OʻzR FK ning birinchi qismiga umumiy tasnif va sharhlar 1–jild –T.: Iqtisodiyot va huquq dunyosi nashriyot uyi, 1997. – b.223

Intellektual mulk obyektlarini tijoratlashirishni uchta asosiy tizimga ajratib o'rganishimiz mumkin. Bular:

intellektual mulk obyektiga bo'lgan huquqning o'tkazilishi;

birgalikda ishlab chiqarishni tashkil qilish;

ishlab chiqarishga intellektual mulk natijalarini singdirib bozorga olib chiqish(kichik innovatsion tashkilotni «loyiha ostida» tashkil qilish maqsadida).

Intellektual mulk obyektlarini tijoratlashirish to'g'risida so'z borar ekan, avvalo, ushbu sohani mukammal tarzda tartibga solishda va uni rivojlantirishga quyidagi xalqaro huquqiy hujjatlar eng katta hissa qo'shdi, deb ayta olamiz.

Bular:

1883-yil 20-martda tuzilgan va sanoat mulki huquqlarini himoya qilish sohasidagi xalqaro bitim bo'lgan Sanoat mulkini himoya qilish bo'yicha Parij konvensiyasi - bir necha marta tahrirlangan;

Adabiy va badiiy asarlarni himoya qilish to'g'risidagi Bern konvensiyasi 1886-yil 9-sentyabrda imzolangan;

1891-yil 14-aprelda imzolangan Belgilarni xalqaro ro'yxatdan o'tkazish to'g'risida Madrid bitimi;

1967-yilda Stokgolmda imzo qo'yilgan Xalqaro intellektual mulk tashkiloti (BIMT) tomonidan ta'sis etilgan konvensiya;

Intellektual mulk obyektlari tijoratlashirish usullari va shakllari haqida olimlarning qarashlari turlicha va ularni har biri bu usul va shakllarning eng muqobil yo'llarini ko'rsatib o'tishga harakat qilishganini ularning ilmiy izlanishlarini o'rganganimizda ko'rishimiz mumkin. Masalan, olim Pobedin Lev Sergeyivich o'z qarashlarida shunday deydi: «Intellektual mulk obyekti yaratilgandan so'ng, keyingi bosqich uni majburiy ro'yxatdan o'tkazishdir. Intellektual mulk huquqlariga ega bo'lgandan so'ng esa, odam oldida tijoratlashirishning ikkita asosiy yo'nalishi paydo bo'ladi:

innovatsion mahsulot sifatida intellektual mulk huquqlarini topshirish yoki sotish orqali to'g'ridan-to'g'ri tijoratlashirish;

intellektual mulk ishlab chiqarishda foydalanilgan innovatsion mahsulotlarni sotish orqali bilvosita tijoratlashirish.

Demak, bu yerda muallif intellektual mulkni innovatsion mahsulot sifatida tijoratlashirish innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqarishda huquqlardan foydalanish yoki ularga huquqlarni o'tkazish orqali amalga oshirilishini nazarda tutganini ko'rishimiz mumkin. Ya'ni bu jarayon quyidagi ko'rinishda namoyon bo'ladi:

barcha mulk huquqlarini boshqa shaxsga o'tkazish (berish);  
korxonaning ustav fondiga huquqlar berish;  
foydalanish huquqini boshqa yuridik yoki jismoniy shaxsga o'tkazish.

Intellektual mulk obyektlarini tijoratlashtirishning yuqorida keltirib o'tilgan shakllari iqtisodiy samaradorligi bilan turli xil usullar bo'yicha sezilarli darajada farq qilishi mumkin

Jadval orqali shuni tahlil qilish mumkinki, tijoratlashtirishning eng past samarali usuli bu mualliflik huquqi bilan himoya qilinmagan patent yoki guvohnomaga ega bo'lmagan ilmiy tadqiqot natijalari sotilayotganda ixtiro to'g'risidagi ma'lumotlarning sotuvidir.

Shuningdek, tijoratlashtirishning litsenziya shartnomalari orqali intellektual mulk obyektlariga nisbatan bo'lgan huquqlarni o'tkazish usulining ham samaradorligi nisbatan past, masalan jadval orqali bu 15-50 ming AQSh dollarini tashkil etishini ko'rishimiz mumkin. Litsenziyalangan savdo bozori juda jadal rivojlanmoqda va uning o'sish sur'ati boshqa tovarlarni sotishning o'sish sur'atlaridan ancha yuqori. Dunyoda litsenziyalangan savdo aylanmasi 1990-yillarda 55,7 milliard dollardan oshgan bo'lsa, 2012-yilga kelib esa 375 milliard dollargacha yetganligini ko'rishimiz mumkin. Bugungi kunga kelib esa yillik o'sish sur'ati 10-12% yoki undan ortiq<sup>1</sup> natijalarni ko'rsatayotgani tijoratlashtirishning bu usuli samarali ekanligiga yorqin misol bo'la oladi.

Litsenziya shartnomasi tuzish orqali savdo bilan shug'ullanish ham sotuvchi (litsenziar) ham xaridor (litsenziat) uchun iqtisodiy jihatdan foydali jarayon deb qarasa ham bo'ladi. Litsenziar uchun bu savdo jarayoni quyidagilarni ta'minlaydi:

a) biror tashkilotga sarmoya kiritmasdan turib foyda olish yoki o'z ishlab chiqarishini kengaytirish imkoniyati;

b) ilmiy-tadqiqot tajriba konstruktorlik ishlari (НИОКР) xarajatlarini qoplash muddatini qisqartirish;

v) tovar mahsulotlari bilan kirib borish qiyin bo'lgan bozorlarga kirish (masalan, yuqori bojxona bojlari tufayli);

d) litsenziatni o'z ilmiy bazasiga bog'lash va litsenziya obyektini takomillashtirish uchun litsenziatning salohiyatidan foydalanish.

Litsenziat uchun:

---

<sup>1</sup> Кудашов В.И., Нечепуренко Ю.В. Формы и методы коммерциализации интеллектуальной собственности Научно исследовательская статья. Труды БГГУю2015. №7. Экономика и управление.



a) zarur ilmiy-tadqiqot tajriba konstruktorlik ishlarida (НИОКР) tekshiruvlarini o'tkazmasdan turib eng yangi ilmiy-texnik ishlanmalar va ixtirolardan foydalanish imkoniyati;

b) ushbu sohadagi sarmoyalarni tejash;

v) yangi raqobatbardosh mahsulotlar bilan bozorga chiqish vaqtini qisqartirish;

d) bozorda allaqachon ma'lum bo'lgan ishlab chiqarish xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirish.<sup>1</sup>

Ko'rinib turibdiki, tijoratlashirishning litsenziya shartnomasi orqali intellektual mulk obyektlarini tijoratlashirishning bugungi kunda keng foydalanilayotgan shakllaridan biri ekanligidan dalolat beradi. Chunki bu usul har ikki tomon uchun ham ham samarali ham sarmoyali ekanligini kafolatlaydi.

Bu sohada olib borilayotgan ishlar samarasi bugungi kunga kelib yurtimizda ham bosqichma-bosqich ijobiy natijalar asosida amalga oshirilayotganini biz qabul qilingan yangi qonun va qonunosti hujjatlar misolida ham ko'rishimiz mumkin. Bularga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-noyabrdagi PF-5264-son bilan "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi Farmoni hamda 2017-yil 30-noyabrdagi PQ-3416-son O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" gi Qarorlari asosida 2017-yil 30-noyabrda tashkil etilgan O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi mamlakatimiz hududida intellektual mulk obyektlarining tijoratlashirish masalariga keng imkoniyatlar berilganligidan dalolat beradi va ushbu jarayon davlat ko'magi asosida amaliyotga tatbiq etilishi bugungi kunda intellektual faoliyat natijalari yaratuvchilari uchun keng imkoniyatlar yaratilayotganligidan dalolat beradi.

Bunday ishlar misolida bugungi kunga qadar biz vazirlik tomonidan amalga oshirilgan quyidagi ilmiy ishlanmalarni tijoratlashirish masalalari amalga oshirilganligini ko'rishimiz mumkin. Bular:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyuldagi PQ-3855-son qaroriga muvofiq tasdiqlangan 43 ta ishlanmani tijoratlashirilishi bilan bog'liq barcha masalalar «ilmiy-tadqiqot muassasasi (sotuvchi) – vazirlik va idora (sotib oluvchi) – bank (mablag'

---

<sup>1</sup> Кудашов В.И., Нечепуренко Ю.В. Формы и методы коммерциализации интеллектуальной собственности Научно исследовательская статья. Труды БГГУ. 2015. №7. Экономика и управление.

ajratuvchi)» mexanizmi asosida tijoratlashirish orqali iqtisodiyotning tegishli tarmoq va soxalariga tatbiq etilishi ta'minlanmoqda.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi institutlari va ilg'or texnologiyalar markazining 43 ta loyihalarini tijoratlashirish bo'yicha Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlangan "yo'l xaritasi"ga muvofiq 24 ta loyiha bo'yicha 18 ta innovasion kompaniyalar ochildi, 10 ta loyiha bo'yicha lisenziya shartnomalari imzolandi<sup>1</sup>. Shuningdek bunda ishlar qatoriga yana bir qonunlardan biri 2019-yil 29-oktabrda qabul qilingan "Ilm-fan faoliyati to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi qonuni misolida ham ko'rishimiz mumkin. Ushbu qonunda qonun hujjatlarida belgilangan tartibda ilmiy faoliyat natijalarini tijoratlashirish bilan shug'ullanuvchi tashkilotlar, ilmiy asbob-uskunalardan jamoaviy foydalanish markazlari va boshqa tashkilotlarni, shuningdek noyob ilmiy obyektlarni tashkil etish huquqiga ega ekanliklari belgilab qo'yilganligi ushbu faoliyatni yurtimizda rivojlantirish maqsadida amalga oshirishda qilinayotgan ishlarga yengillik yaratib berishiga xizmat qiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqorida bugungi kunda barqaror bo'lib borayotgan intellektual mulk obyektlarini tijorat maslalarida amalga oshirilishida qanday usul va shakllardan foydalanilsa ko'proq ijobiy natijalar keltirishi mumkinligi ko'rsatib o'tildi. Eng asosan, intellektual mulk obyektlarini tijoratlashirishda asosan litsenziya savdosi bugungi kunda samarali usuli ekanligi yoritib o'tildi hamda yurtimizda bu sohada amalga oshirilgan ishlar natijalari ko'rsatib o'tildi. Bugungi kunda intellektual mulk obyektlarini tiforatlashirishda huquq egasining bu usuldan samarali foydalanishi uning uchun ham foydali ham sarmoyali bo'lishini biz yuqorida keltirilgan ma'lumotlar orqali ta'kidlab o'tdik. Demak, intellektual mulk obyektlarini tijoratlashirishning usul va shakllaridan to'g'ri foydalanish bir tomondan ma'lum sohaning rivojlanishini ta'minlasa ikkinchi tomonidan ham davlat ham huquq egasi uchun moliyaviy barqarorlikka olib kelishini ta'minlaydi.

**Шахноза Зуфарова**

*(Соискатель Академии Генеральной  
прокуратуры Республики Узбекистан)*

## **ВОПРОСЫ УСИЛЕНИЯ РОЛИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ ЗАЩИТЫ ПРАВ**

---

<sup>1</sup> <https://mininnovation.uz/uz/menu/o-ministerstve>

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С ТРЕБОВАНИЯМИ СОГЛАШЕНИЯ ВТО**

Интеллектуальная собственность представляет собой продукт человеческого разума, результат творчества, который охраняется законом.

В условиях формирования в Узбекистане современной инфраструктуры рыночной экономики, а также интеграцией нашей страны в мировое сообщество правовая защита интеллектуальной собственности обретает особую актуальность.

Согласно данным доклада Всемирной организации интеллектуальной собственности (ВОИС) в 2020 году число международных патентных заявок, несмотря на пандемию COVID-19, выросло на 4% и составило 275 900 заявок, достигнув рекордного значения за всю историю, несмотря на прогнозируемое снижение мирового ВВП на 3,5%. Китай (68 720 заявок, +16,1% годового прироста) остался крупнейшим пользователем международной патентной системы (РСТ) ВОИС в мире, опередив США (59 230 заявок, +3%), Японию (50 520 заявок, -4,1%), Республику Корея (20 060 заявок, +5,2%) и Германию (18 643 заявки, -3,7%).

Институт интеллектуальной собственности трансформируется с учётом новых социально-экономических и информационных реалий, что безусловно требует создания соответствующих эффективных институтов обеспечения защиты прав на объекты интеллектуальной собственности.

Вступление Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию (ВТО) актуализирует проработку ряда вопросов институционального и организационно-правового плана. В числе которых: приведение законодательства Узбекистана с основополагающими актами организации, усиление защиты национальных и зарубежных производителей, соответствующей гармонизации национальной правовой системы страны с требованиями Соглашения ВТО по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS) и другие.

Соглашение определяет, что преднамеренные подделки товарных знаков или пиратство в области авторских прав в коммерческих масштабах подлежат уголовной ответственности. Правительства также должны убедиться, что владельцы прав

интеллектуальной собственности могут получить помощь таможенных органов для предотвращения импорта контрафактных и пиратских товаров.

Для реализации поставленных задач, в Узбекистане принято свыше 10 законодательных актов, 15 Указов и постановлений Президента страны, 25 постановлений правительства и более чем 60 ведомственных актов.

В современном мире защита прав интеллектуальной собственности все больше интегрируется в долгосрочную экономическую реформу стран для достижения экономического успеха. Соответственно защита прав интеллектуальной собственности приобретает все большее значение в условиях глобализации мировой экономики и роста международной торговли.

Анализ зарубежной правоприменительной практики показывает, что помимо совершенствования институциональных и организационно-правовых основ защиты прав на объекты интеллектуальной собственности весьма актуальным является вопрос усиления роли и значения правоохранительных органов в осуществлении контроля, выявлении, привлечении к ответственности нарушителей, а также общей профилактики правонарушений в указанной сфере.

В целях совершенствования системы охраны объектов интеллектуальной собственности постановлением Президента от 28.01.2021 г. №4965 утверждена Дорожная карта, предусматривающая выполнение 20 конкретных мероприятий по 5 основным направлениям: совершенствование законодательства в сфере интеллектуальной собственности; внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в целях развития сферы интеллектуальной собственности; обеспечение законности в сфере авторского права и смежных прав; обеспечение межведомственного взаимодействия в обеспечении законности в сфере интеллектуальной собственности; дальнейшее усиление пропагандистско-разъяснительной работы по поддержке реформ, проводимых в сфере интеллектуальной собственности.

Как видно, в Узбекистане вопрос обеспечения и усиления защиты прав на объекты интеллектуальной собственности является одним из ключевых приоритетов долгосрочной стратегии развития страны. Руководством страны помимо кардинальных реформ в указанной сфере особое внимание уделяется вопросам усиления роли

правоохранительных и судебных органов в обеспечении всеобъемлющей защиты охраняемых законом объектов.

Вместе с тем опыт зарубежных стран показывает, что в последние годы в этом направлении формируются инновационные подходы, способствующие в значительной мере сократить материально-финансовые издержки, повысить эффективность проводимых мероприятий.

Основываясь на вышеизложенном, предлагается:

1. Разработать Национальную стратегию Республики Узбекистан в сфере развития интеллектуальной собственности, предполагающую создание Правоохранительного мониторингового центра по вопросам противодействия незаконному обороту контрафактной продукции (Антиконтрафактный центр), наделенного полномочиями по: сбору соответствующей информации, осуществлению взаимодействия с уполномоченными органами и частным сектором, поддержке оперативных мероприятий, выработке эффективных правоохранительных мер и политики, созданию действенных инструментов и баз данных. В качестве образца можно привести созданные Координационный совет по правам интеллектуальной и промышленной собственности (Турция, 2008), Наблюдательный пункт по вопросам контрафакции и пиратства (обсерватория) (Армения, 2011), Рабочая группа по защите прав интеллектуальной собственности (Чили, 2016), Национальный руководящий комитет по вопросам обеспечения уважения ИС (Намибия, 2017) и др.

Полагаем, что основным компонентом Национальной стратегии Республики Узбекистан в сфере развития интеллектуальной собственности должен явиться раздел, определяющий основные подходы по усилению мер правоохранительного характера, конкретизации целей и задач правоохранительных органов и укрепления правоохранительной инфраструктуры.

2. Исходя из опыта зарубежных стран, в частности Франции (1992) и Филиппин (1998), кодифицировать законодательство в указанной сфере.

Принятие Кодекса интеллектуальной собственности Франции способствовало упрощению правоприменения в этой области, а также остановило процесс неконтролируемого искажения ведомственным нормотворчеством. Кодекс состоит из двух частей: законодательной и регламентирующей. Законодательная часть включает в себя часть

первую, регламентирующую литературную и художественную собственность, часть вторую касательно промышленной собственности, и часть третью по применению норм на заморских территориях и на Майотте. Регламентирующая часть, назначение которой состоит в детализации положений законодательной части, включает в себя восемь томов, посвященных авторскому праву и смежным правам, объектам промышленной собственности и применению норм заморскими территориями Франции.

3. Основываясь на опыте таких стран как США, Франция, Япония, КНР и др. включение в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности норм, направленных на усиление санкций соответствующих статей о нарушении прав на объекты интеллектуальной собственности, а также дополнение Гражданского кодекса Республики Узбекистан нормой, определяющей минимальный размер морального и материального вреда с нанесением которого наступает гражданско-правовая ответственность.

4. Дополнить Уголовный кодекс Республики Узбекистан нормами, усиливающими ответственность за нарушения авторских и смежных прав, а также незаконном использовании чужого товарного знака, знака обслуживания, наименования места происхождения товара или фирменного наименования.

5. Принятие постановления Верховного суда Республики Узбекистан, направленного на усиление защиты прав интеллектуальной собственности, предусматривающим наделение судов правом принимать решения об уничтожении и удалении контрафактной продукции, а также о принудительной блокировке сайтов организаций, нарушающих права авторов и правообладателей.

**Suhrob-Bek Isoqov**

*(leading specialist of the Department for  
Analysis and Development of Intellectual Property)*

**Temur Muhammedov**

*(head specialist of Department for Coordination  
of Intellectual Property Protection Centers)*

## **THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY IN UZBEKISTAN: EXISTENT PROBLEMS, NEW REFORMS AND FUTURE STRATEGIES**

Uzbekistan has acceded 15 international treaties in this field and all legislation corresponds to minimal standards of international instruments. However, we have some difficulties in enforcement of laws especially, in the sphere of copyright and fight against counterfeit products. Therefore, in February 2019 the former Intellectual Property Agency of Uzbekistan was transferred to the system of the Ministry of Justice. Since 2019 the agency has undergone a comprehensive structural, functional changes. Throughout analysis of the existent state of affairs with IP in Uzbekistan have been conducted and the relevant problems in this field have been identified. In this regard the agency with the assistance of WIPO involved English expert Ron Marchant who participated in the management and development of IP strategies for more than 20 countries in the world.

On October 12, 2020 the President of the Republic of Uzbekistan chaired a meeting dedicated to the improvement of the system of IP rights protection. The meeting emphasised the need to create an effective system for the protection of intellectual property which voices Uzbekistan and ensures its strong positions in foreign markets by bringing products under national brands to world markets, at the same time increasing the investment attractiveness of the country. Ministries and government agencies, local governments have been assigned with tasks designed to radically improve the intellectual property environment by introducing intellectual property in every department, industry and sector, by improving legislation, fighting counterfeit products and setting priorities for development in this area.

On January 28, 2021, the President of the Republic of Uzbekistan adopted a Resolution «On strengthening the legal protection of intellectual property» in terms of improving legislation in this area.

In particular, the Resolution provides for the strengthening of existing sanctions in the fight against counterfeit products, including the introduction of financial sanctions in the amount of 100-200 times of the basic calculated amount, also a significant increase in administrative and criminal sanctions. A draft law has been prepared to strengthen liability for infringement of intellectual property rights. In practice, the lack of existing measures of responsibility, their ineffectiveness led to an increase in the number of offenses in the sphere, to the repeated commission of the same type of offenses by the same person.

Centres for the protection of intellectual property of the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent started to operate

throughout the country in the cooperation with regional justice authorities, tax, monopoly and departmental bodies to combat counterfeit products. Qualified personnel have been employed in these centres and work has been carried out in the regions to protect the rights of owners of intellectual property rights and it has been only a month since these centres started to operate, but they have already done more job than we have done so far.

According to the Resolution, the month of “Counterfeit free month” will be held annually throughout the country. This year, together with the relevant ministries and departments, from February 15 to March 15, “Counterfeit free month” took place. During this month, it was identified that more than 2,000 counterfeit products were being sold across the country.

Counterfeit products are observed not only in the production and sale of goods, but also in the provision of services and works.

During the monitoring, it was found that about 50 popular service marks are used without the permission of right holders.

U.S. companies such as Marshall Electronics, Apple, Marvel, Subway, KFC, m & m’s, Red Bull, Coca-Cola and Pepsi are examples for infringements related to service marks.

Extensive work has also begun to prevent the use of counterfeit software and to increase accountability for such violations. In particular, relevant ministries and departments constantly monitor the use of licensed software in the country.

At the meeting of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on March 23 this year concerning the implementation of the “Digital Uzbekistan – 2030” strategy, specialized state bodies were instructed to significantly increase the share of licensed software in the activities of all state bodies. Agencies and organizations have been tasked with conducting an in-depth analysis of the current situation and making proposals for identifying what needs to be done in the future.

Taking into account the fact that the bulk of counterfeit products are imported into the country through the customs border, in order to protect intellectual property rights, to allow the customs authorities to suspend the export of goods with signs of infringement of intellectual property rights on their own initiative, the issue of introducing an «ex officio» requirement into the current customs legislation is being considered ... An information and analytical report on the introduction of «ex officio»



requirements into customs legislation was prepared by the relevant authorities and submitted to the Cabinet of Ministers.

To establish direct communication with the population in the Telegram social network, a special communication system `Ima_monitoring_bot` has been developed, which accepts complaints from citizens about counterfeit products and violations of the rights of intellectual property owners.

Moreover, patent attorney system has been analysed for the purposes of improvement of this area. It was found out that patent attorney system was artificially complicated, and practically only former employees of the Agency, mainly experts, as well as some lawyers who are a small part of the legal profession, could participate in patent representation, which led to the underdevelopment of the institution. Thus, the requirements for the Agency to be a patent attorney are sharply reduced, restrictions on the length of service, which are considered necessary for a patent attorney, are completely removed.

Collective management organisations are an indispensable element in copyright system. CMOs ensure a sound and adequate protection of the rights of their members, thus playing a fundamental role in copyright protection. It is a positive trend that the number of CMOs is increasing in the country. There are currently 6 collective management organizations (CMOs) in the country which protect the rights of their members and ensures that royalties are paid in a timely and sufficient manner. IPA provides methodological assistance to ensure the proper functioning of these organizations. Of course, these CMOs need some time to find their niche in this field.

Considering the fact that the protection of the rights of intellectual property owners and the fight against counterfeit products cannot be carried out without public control, extensive outreach activities were carried out to improve the legal literacy and legal culture of the population in this area.

Various social videos were created and only last month broadcast **more than 3000** times on TV channels and non-state TV channels of the National TV and Radio Company of Uzbekistan, providing detailed information on the identification of counterfeit products, their differences from the original products and their possible negative impact on health.

Intellectual property and its protection have become one of the main priorities of Uzbekistan. For the past 3 years The Intellectual Property

Agency of Republic of Uzbekistan has made a significant leap towards the improvement of this sphere.

**Зафар Бабакулов**

*(Тошкент давлат юридик университети докторанти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Ph.D))*

## **ТОВАР БЕЛГИСИНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ БОШҚА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТИ ВА УНГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

Товар белгиси фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида маҳсулотни аниқ бир ишлаб чиқарувчи номига шахсийлаштириш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида боғловчи вазифасини бажариш ва бошқа шахслардан бир турдаги маҳсулотларда ушбу товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш товар белгисидан фойдаланишни чеклаш вазифасини бажаради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда товар белгиси турли хусусиятдаги шартнома объекти сифатида муомалада бўлиши мумкин. Ундан гаров нарсаси сифатида фойдаланиш, мерос қилиб қолдириш, фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга тақдим этиш, товар белгисига бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш каби шартномавий муносабатларда фойдаланилишга йўл қўйилади.

Товар белгиси фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида шартнома муносабатларида фойдаланилишида унинг ҳуқуқий мақоми масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай товар белгиси ҳам соф маънода товар белгиси хусусиятига эга бўлмасдан интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда вужудга келади ва савдо муомаласида қўлланилади. Қолавреса, айрим номоддий объектлар хусусан тижорат сирини товар белгисининг таркибий қисми ҳам бўлиши мумкин.

Товар белгиси интеллектуал мулкнинг турли объектлари билан ўзаро чамбарчас ҳуқуқий муносабатга эга. Товар белгиси пайдо бўлишининг асосини ташкил этувчи номоддий объектлар сифатида муаллифлик ҳуқуқ, турдош ҳуқуқлар, фирма номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, шахсий номулкий ҳуқуқлар (шахснинг исми, фамилияси, тасвири ва бошқа алоҳида хусусий аломатдаги хусусиятлари) бўлиши мумкин. Агар, ушбу объектлардан товар

белгиси сифатида фойдаланиш имкони яратилган бўлса, демакки таъкидланган объектлардан товар белгисида фойдаланишга рухсат берган шахсинг ҳам ушбу товар белгисига нисбатан чекланган маънодаги ҳуқуқлари сақланиб қолади. Ушбу ҳуқуқлар товар белгисида акс этган фойдаланилаётган ҳуқуқлардан инсофли фойдаланиш бўйича талаби акс этади. Рухсат берган шахс талабларининг бажарилмаслиги охир оқибатда товар белгисининг бекор қилиниши бўйича уларни манфаатдорлигининг пайдо бўлишига олиб келади.

Товар белгиларини интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари билан коллизия ҳолатида муҳофаза қилишнинг заифлашиши боргани сари унинг “фарқланиш” хусусиятини йўқолишига олиб келади. Товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бошқа шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланишда олдини олиш уларнинг товар белгиси билан бир хил ёки ўхшашлиги сабабли рўйхатда ўтказилганлиги чеклашда намоён бўлади<sup>1</sup>. Домен номи ва товар белгиларининг ўзаро коллизияси товар белгиси ҳолатини заифлаштирувчи омиллардан биридир.

Бугунги кунда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши турли интеллектуал мулк объектлари билан мутлақ ҳуқуқларнинг тўқнашуви муаммоси кескинлашиб бормоқдаки, бу айниқса шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда. Юридик нуқтаи назардан мутлақ ҳуқуқларнинг тўқнашуви уларнинг фаолияти тўқнашуви билан боғлиқ.

Интернет тармоғининг ривожланиши натижасида ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муносабатларга ҳам айрим салбий хусусиятлари орқали ўз таъсирини ўтказди. Яъни, Интернет тармоғи бир иқтисодий макон доираси билан чегараланмасдан, домен номлари воситасида бутун дунё иқтисодий тизимига таъсир этди ва бу жараён кун сайин кучайиб бормоқда. Айниқса, ушбу жараён интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳолатига таъсир этиб, айрим тартибга солиниши лозим бўлган масалаларни келтириб чиқарди. Масалан, айрим инсофсиз шахслар томонидан дунёга маълум ва машҳур брендлар

---

<sup>1</sup> Садовский П.В. Коллизии прав на товарные знаки с правами на результаты интеллектуальной деятельности и средства индивидуализации. Автореф ... к.ю.н. – М.: 2007. – С.3.

билан бир хил ёки ўхшаш бўлган домен номларини рўйхатдан ўтказиш ҳолатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Номаълум шахсларнинг товар белгиларини Интернет тармоғида инсофсиз равишда ўз номига домен номлари сифатида расмийлаштириши товар белгиси эгаси ҳуқуқларини виртуал оламда маълум маънода чегаралашга, иккинчидан эса бозорида товар белгисининг қадрсизланишига олиб келмоқда.

А.А.Агеенко товар белгисидан домен номи сифатида фойдаланиш қуйидаги ҳолларда товар белгисига нисбатан ҳуқуқ бузилиши бўлмайди деб эътироф этади:

шахс товар ва хизматларни инсофли таклиф қилиши билан боғлиқ ҳолда домен номидан фойдаланиш;

товар белгисига нисбатан ҳуқуқ мавжуд бўлмаса ҳам шахс домен номи билан маълумлиги;

шахс қонуний асосларда нотижорат мақсадлар учун қуйидаги ҳолларда домен номидан: биринчидан молиявий фойда олиш ниятида; иккинчидан товар белгиси обрўсини тушуриш ниятида фойдаланмаслиги<sup>1</sup>.

Маълумки, интернет ягона глобал сетни шакллантиришга қаратилган ўзида турли усулларни бирлаштирган компьютер тармоғининг мажмуи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ю.Ф.Вацковскийнинг фикрича, домен номи – домен номи реестридан рўйхатдан ўтган, Интернетнинг анъанавий иерархик маконига уланган қурилманинг рақамли IP-манзилига мурожаат қилишни енгиллаштириш учун мўлжалланган ноёб рамзий белгидир<sup>3</sup>.

А.Г.Серго домен номини интернет тармоғидаги ахборот манбааларини шахсийлаштиришга қаратилган белгидир<sup>4</sup> деб тушунтиради. Айрим олимлар домен номи шахсийлаштиришнинг янги воситаси бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқи объектлари каби ҳуқуқий режим қўлланилиши лозимлигини таъкидлашади. Хусусан ушбу тушунча А.А.Агеенко, Е.И.Гладкая, В.О.Калятин,

---

<sup>1</sup> Агеенко А.А. «Соотношение прав на доменное имя и товарный знак в США». Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2002. – С.53.

<sup>2</sup> Серго А. Доменные имена в свете нового законодательства. – М.: ГОУ ВПО РГИИС, 2010. – С.12.

<sup>3</sup> Вацковский Ю.Ф. Доменные споры. Защита товарных знаков и фирменных наименований. – М.: Статут, 2009. – С.54.

<sup>4</sup> Серго А.Г. Правовой режим доменных имен и его развитие в гражданском праве. Автореф. дис. ... д-ра. Юрид. наук. – М., 2011. – С.16.

В.Б.Наумов, А.Г.Серго, С.В.Петровский, А.В.Попцов каби олимлар томонидан қўллаб-қувватланади.

А.Г.Серго ҳам домен номи мустақил шахсийлаштириш воситаси ҳисобланади деб таъкидлайди. Шу билан бирга, у домен номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруриятининг асосий сабаблари сифатида тижорат қийматига эгаллиги, кенг миқёсда фойдаланилиши ва бошқа шахсийлаштириш воситалари эгалари томонидан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш амалиётининг мавжуд эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

И.Р.Рустамбековнинг фикрича, домен номи – ҳуқуқнинг мустақил объекти бўлиб индивидуаллаштириш воситаси сифатида эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги бир қанча белгиларини келтиради: биринчи – маҳсулотни, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматларни эмас, балки, аввало, ахборот ресурсини индивидуаллаштиради; иккинчи – домен нисбатан янги бўлиши мумкин эмас, у фақат мутлақо янги бўлиши мумкин; учинчи – домен фақат бир шахсга қарашли бўлиши мумкин; тўртинчи – домен фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсгагина эмас, балки ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектига қарашли бўлиши мумкин; бешинчи – домен номи фақат у рўйхатдан ўтказилган мамлакат учунгина эмас, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари учун мутлақо ноёб ҳисобланади<sup>2</sup>.

А.А.Агеенконинг фикрича, электрон тижорат ривожланаётган бир шароитда домен номи оғзаки матн шаклида ифодаланган белгилар интернеткорхона фаолиятини шахсийлаштириш воситаси бўлиб, у электрон савдода таклиф этилаётган товарни бошқа таклиф этилаётган ўхшаш товарлардан ажратади<sup>3</sup>. А.В.Попцованинг фикрича, домен номи бу – интернетдаги ахборот ресурсини манзиллаш ва шахсийлаштиришга хизмат қиладиган, тижорат қиймати ва фойда олиш қобилиятига эга бўлган ноёб рамзий белгилар шаклида ифодаланган шахсийлаштириш воситасидир<sup>4</sup>. Шунингдек, ўхшаш ёндашувларни Е.И.Гладкая<sup>5</sup>, В.Б.Наумов<sup>1</sup>лар ҳам таъкидлайдилар.

---

<sup>1</sup> Серго А. Доменные имена как средство индивидуализации // Хозяйство и право. – 2011. – №5. – С.96.

<sup>2</sup> Рустамбеков И.Р. Ўзбекистон домен номларига оид муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши // Автореф. ю.ф.н. – Т. 2011. – Б.8–9.

<sup>3</sup> Агеенко А.А. Соотношение прав на доменное имя и товарный знак в США: Автореф. канд. юрид. наук. – М., 2002. – С.8.

<sup>4</sup> Попцов А.В. Правовое регулирование доменного имени в Российской Федерации. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С.24.

<sup>5</sup> Гладкая Е.И. Правовая квалификация доменного имени // Цивилист. – 2009. – №4. – С.3.

Бошқа томондан С.А.Бабкин, З.Ю.Милютин, С.А.Судариков каби олимлар домен номи мустақил шахсийлаштириш воситаси ҳисобланмайди ва у интеллектуал мулкка тааллуқли эмас деб ҳисоблашади. С.А.Сударикова<sup>2</sup>, З.Ю.Милютин<sup>3</sup>нинг фикрича, домен номининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун уни эгасининг ҳуқуқи домен номларини рўйхатга олиш тизимининг техник воситалари орқали етарли даражада ҳимояланганлиги сабабли ҳам талаб қилинмайди. Масалан, З.Ю.Милютин таъкидлаганидек “домен номи бундай ҳимояга муҳтож эмас. Ҳеч ким интернетда аввал рўйхатга олинган домен номига ўхшаш домен номини рўйхатдан ўткази олмайди”<sup>4</sup>. Бундай фикрни С.А.Бабкин ҳам қўллаб-қувватлайди<sup>5</sup>.

Юридик адабиётларда домен номлари шахсийлаштиришнинг бошқа воситаларига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларга эга эканлигига ишора қилинади. Шундай қилиб, А.В.Попов қуйидаги умумий хусусиятларини санаб ўтади:

шахсийлаштириш функциясини бажаради (фарқловчи, ахборот берувчи ва реклама қилувчи);

тижорат қийматига эгаллиги, фуқаролик муомаласида фойдаланиш мумкинлиги, бундан ташқари фойда олишга қаратилганлиги;

белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтда ҳуқуқнинг пайдо бўлиши;

муайян вақт давомида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши;

ҳуқуқий муҳофаза қилиш тугагунга қадар ҳуқуқни бекор қилиш мумкинлиги;

шартнома асосида ҳуқуқларни ўтказиш имкониятининг мавжудлиги<sup>6</sup>.

Домен номининг товар белгиси билан бир хил ва ўхшашлиги ҳолатида фойдаланиш муносабатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

домен номидан инсофли фойдаланиш;

---

<sup>1</sup> <http://www.russianlaw.net>

<sup>2</sup> Судакиров С.А. Право интеллектуальной собственности: учебник. – М.: Проспект, 2011. – С.165.

<sup>3</sup> Милютин З.Ю. Указ. соч. – С.78.

<sup>4</sup> Милютин З.Ю. Указ. соч. – С.81.

<sup>5</sup> Бабкин С.А. Указ соч. – С.155.

<sup>6</sup> Попцов А.В. Правовое регулирование доменного имени в Российской Федерации. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С.21– 22.

домен номидан инсофсиз фойдаланиш<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда домен номи ва товар белгилари эгаларининг ўзаро манфаатли ҳуқуқларини тартибга солиш ва улар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида суд амалиёти ҳамда қонунчилик асослари етарли даражада тизимлилик асосида шаклланмаган. А.Г.Серго ушбу ҳолатни тўғри баҳолаган ҳолда домен номларининг ҳуқуқий режимидаги бўшлиқлар сабаб товар белгиси ҳамда домен номи эгалари томонидан инсофсизларча ўзгаларнинг шахсийлаштириш воситаларини паразитлаш ҳисобига бизнеснинг ривожланишига олиб келди<sup>2</sup>. А.Г.Сергонинг ушбу фикрни тўлдирган ҳолда домен номи ва товар белгисининг ўзаро ўхшашлиги товар белги эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузилишига олиб келади.

В.Колосова домен номи ва товар белгиси ўртасида юзага келган коллизияни ҳал этишда қуйидаги саволга жавоб беришни лозим деб ҳисоблайди: домен номида ишлатилган баҳсли сўзлар шахсийлаштириш воситаси сифатида ёки идентификациялаш воситаси сифатида қўлланилмоқдами? В.Колосов шахсийлаштириш воситасини ўзига хослигини шарҳлаган ҳолда домен номидаги сўзли белги унга бўлган ҳуқуқ эгасининг товарлари ёки хизматларини эмас, балки ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматлари билан боғлиқлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Товар белгиси ва домен номининг ўзаро зид келган ҳолатларда товар белгисига бўлган ҳуқуқни устун деб ҳисоблашга қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

шахснинг товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эгаллиги;  
рўйхатдан ўтказилган домен номи элементларининг товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хиллиги;

домен номининг бир хил товарлар ва хизматларнинг муҳофазасига киритилган товар белгиси остидаги товарлар ва хизматлар учун фойдаланилади;

фойдаланишда товар белгиси эгаси розилигининг талаб қилинмаслиги<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> United States Department of Commerce, Patent and Trademark Office, Examination Guide No. 2– 99. «Marks Composed, in whole or in part, of domain names».

<sup>2</sup> Серго А.Г. Правовой режим доменных имен и его развитие в гражданском праве: автореф. дис. ... д– ра юрид. наук: 12.00.03 / А.Г. Серго. – М., 2011. – С.58.

<sup>3</sup> Колосов В. Домен и право. Юрист о правовой природе доменных имен [Электронный ресурс] / В. Колосов // Юрид. услуга Вадима Колосова. – Режим доступа: <http://www.kolosov.info/kommentarii/sredstvo-identifikacii-individualizacii>.

<sup>4</sup> Пермякова Н.А. Доменные имена и товарные знаки вопросы правоприминительной практики // Вестник Омской юридической академии. – 2015. – №2. (27). – С.27.

П.В.Садовский товар белгиси ва домен номи ўртасидаги бахс қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлишини таъкидлайди:

биринчиси, товар белгиси эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш имконияти ушбу белги илгарироқ учинчи шахслар (кибер эгалловчилар) томонидан домен номи сифатида рўйхатга олинган ва осон даромад кўриш учун унинг эгасига моддий манфаат кўриш эвазига ҳақ эвазига сотишни мақсад қилган;

иккинчиси, товар белгисининг эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш имконияти учинчи шахсларнинг қонуний асосларда домен номидан бир турда бўлмаган товарлар ва хизматларни кўрсатиш учун рўйхатдан ўтказган;

учинчидан, товар белгисининг эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказган, лекин учинчи шахсларнинг ўхшаш домен номларидан адаштириб юбориш даражасидаги белгилардан ўйламаган ҳолда фойдаланиши натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар<sup>1</sup>.

Домен интернет тармоғида идентификацияланган ном сифатида унинг маъмури томонидан товар белгиси билан бир хил ва ўхшашлиги ҳолатида фойдаланади. Домен номининг маъмури ушбу ном остидаги манзилда товар маҳсулотларини сотади ёки маълум хизматларни кўрсатади. Агар домен номининг маъмури товар белгисининг бозордаги обрўсидан фойдаланиб, унинг манфаатларига зарар келтирадиган хатти-ҳаракатларни амалга оширадиган бўлса, табиийки ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги 2012 йил 6 январдаги қонунининг 13-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан инсофсиз рақобат сифатида эътироф этилиб, домен номи бекор қилинади. Шу сабабли ҳам товар белгисини ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда домен номидан унинг маъмури томонидан инсофсиз рақобат сифатида фойдаланилаётганлиги аниқланиши лозим.

Товар белгиси эгаларининг ҳуқуқлари аксарият дунё давлатлари суд қарорларида устун мавқега эга деб ҳисобланмоқда<sup>2</sup>. Домен номининг маъмури айрим ҳолатларда жисмоний шахс бўлганлиги

---

<sup>1</sup> Садовский П.В. Коллизии прав на товарные знаки с правами на результаты интеллектуальной деятельности и средства индивидуализации // Автроф. дисс...канд. юрид. наук. – Москва. 2007. – С.19– 20.

<sup>2</sup> Серго А. Использование средств индивидуализации в доменных именах: практика арбитражного центра ВОИС // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. – 2016. – №11. – С.38–51.



сабабли товар белгилари ва домен номлари ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилади. Домен номининг товар белгиси билан бир хиллиги ёки ўхшашлиги ҳолатида фойдаланилиши натижасида товар белгиси эгасининг бозордаги ҳамда унинг рақобатчилари олдида обрўсизлантирганлиги, натижада эса ушбу ҳолат инсофсиз рақобатни келтириб чиқарган бўлса, домен номига бўлган ҳуқуқ фақат суд томонидан бекор қилиниши лозим. Судлар низоли ишни кўриб чиқишда:

домен номининг маъмури томонидан товар белгиси рўйхатга олинган товар ва хизматларни бошқа шу турдаги маҳсулотлар билан тенг ҳолда реклама қилаётган ҳамда сотаётган бўлса;

домен номи манзилида товар белгисининг обрўсизлантирадиган маълумотлар кўрсатилган бўлса;

домен номи товар белгисига рақобатчи бўлган шахслар томонидан рўйхатга олинган бўлса, ушбу ҳолатда устунлик амалдаги ҳуқуқ домен номига нисбатан вужудга келганлигидан қатъий назар бекор қилиниши лозим. Шунинг учун суд низоли ишни кўриб чиқишда домен номининг товар белгиси билан бир хиллиги ва ўхшашлиги ҳолатида одатда олинishi мумкин бўлган фойда билан домен номидан фойдаланмаган ҳолда олинishi мумкин бўлган фойда ўртасидаги нисбат кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида домен номи ва товар белгиларининг ўзаро бирхиллигини тартибга солиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Тўғри, бу борада тадқиқотчи И.Р.Рустамбеков томонидан товар белгиси ва домен номининг ўзаро нисбатини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган. Лекин, ушбу илмий ишлар асосан домен номларининг ҳуқуқий мақомини илмий ва амалий жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Интернет тармоғи ва ундан мавжуд домен номларининг кўпайиб бораётганлиги товар белгиларига нисбатан ҳуқуқлар бузилиш хавфининг ортиб боришига олиб келмоқда. Товар белгиси ва домен номи ўртасида мавжуд ўзаро зиддиятли масалаларни ҳуқуқий ечимини топиш қонунчилик олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки, яқин йиллар ичида савдо муносабатлари интернет тармоғи манзиллари орқали амалга оширилади. Бу эса домен номини рўйхатдан ўтказишга нисбатан талабнинг ортишига олиб келади. Домен номини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган шахс интернет манзилини яъни домен номини кўпчиликка маълум бўлган сўзларни ўзлаштириш ҳисобига эгалик ҳуқуқини қўлга киритишга

ҳаракат қилади. Айрим ҳолатларда ушбу сўз товар белгиси билан бир хиллиги юзага келади. Албатта мазкур масала нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда мавжуд муаммолардан бири ҳисобланади.

Товар белгисидан домен номларида фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар умумназарий ва илмий ишларда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида нисбатан тез-тез учраб турадиган низоли масалалар сифатида ўрганилади. Россия Федерацияси, АҚШ, Европа, Германия, Дания, Швеция, Швейцария, Ҳиндистон, Голландия каби шу ва бошқа давлатларда товар белгиларидан домен номларида инсофсиз фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар судлар томонидан низоли иш сифатида кўриш амалиёти етарли даражада шаклланган, унга доир махсус қонун ҳужжатлари ва суд тушунтиришлари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотига кўра, ушбу ташкилотга 2018 йилда “Домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича “Ягона сиёсат” тўғрисидаги қўшимча Қоидаларига асосида товар белгиларидан домен номларида инсофсиз фойдаланиш низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун товар белгилари эгаларидан 3447 та аризалар<sup>1</sup> келиб тушган.

Товар белгилари эгалари ўз аризаларида айрим домен номи эгалари томонидан Интернетдаги сохта веб-сайтларда қалбаки маҳсулотларни сотиш, фишинг ва бошқа йўллар билан даромад топиш орқали ўзларига тегишли товар белгиларини суистеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бораётганлигини таъкидлаган. Шундай мазмундаги аризалар АҚШ (976), Франция (553), Буюк Британия (305), Германия (244), Швейцария (193), Малта (135), Швеция (131), Италия (113), Голландия (96), Испания (68), Дания (61), Австралия (51), Ҳиндистон (50) каби шу ва бошқа давлатлардан келиб тушган<sup>2</sup>. Ушбу статистик маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, АҚШда товар белгиларини домен номларида киберсквоттинг йўли билан эгаллаб олиш билан боғлиқ низоли масалалар бошқа давлатларга нисбатан сезиларли даражада кўпдир.

Домен номи тушунчаси 2014 йил 30 декабрдаги «uz» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан

---

<sup>1</sup> Ушбу рақам 2017 йилда 3074 та, 2016 йилда 3036 та, 2015 йилда 2754 та, 2014 йилда 2634 та, 2013 йилда 2585 та, 2012 йилда 2884 та, 2011 йилда 2764 та, 2010 йилда 2696 та, 2009 йилда 4685 та, 2008 йилда 2329 та, 2007 йилда 2156 та, 2006 йилда 1824 та, 2005 йилда 1456 та, 2004 йилда 1176 та, 2003 йилда 1100 та, 2002 йилда 1207 та, 2001 йилда 1557 та, 2000 йилда 1857 тани ташкил қилган // <https://www.wipo.int/export/sites/www/pressroom>

<sup>2</sup><https://www.wipo.int/export/sites/www/pressroom>

фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган бўлиб, унга кўра “домен – номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми” деб таъриф берилган. Ушбу таърифни домен номларида товар белгиларидан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш этиш учун мос деб аташ қийин, чунки у фақат домен номининг моҳиятини белгилайди, унинг товар белгиси билан алоқаси, шунингдек уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида маълумот бермайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги қонунининг 27-моддасида ва “Фирма номлари тўғрисида”ги 2006 йил 18 сентябрдаги қонунининг 11-моддасида домен номининг товар белгилари ва фирма номлари билан бирга фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Амалдаги Фуқаролик кодексида эса домен номи тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қоидалар белгиланмаган. Демакки, домен номини интеллектуал мулк объекти сифатида эътироф этиш масаласи очиқ қолган. Бу нафақат миллий қонунчиликда балки Россия Федерацияси ушбу саволга жавоб мавжуд эмас. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳам домен номи фуқаролик объекти сифатида муҳофаза қилинмаслиги таъкидлайди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти домен номини интеллектуал мулкнинг муҳофаза қилинмайдиган объекти сифатида таъриф берган ҳолда “аслида товар белгиси ва домен номи бир бутун бўлиб, бир хил вазифани бажариш учун мавжуддир”. Халқаро ташкилот мазкур таърифни кенгроқ шарҳлаган ҳолда “домен номлари дастлаб фойдаланувчиларга қулай тарзда фақат техник функцияларни бажариш вазифаси учун мўлжалланган эди, аммо уларнинг маълумотларни тўғрисидадан-тўғри қабул қилиш ва эслаб қолиши осон бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда улардан шахсий ёки бизнесни шахсийлаштириш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Шундай қилиб, домен номлари интеллектуал мулк объекти саналмасда, ҳозирги вақтда товар белгилари каби шахсийлаштириш функциясини бажаради”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Защита деловой репутации в случаях ее диффамации или неправомерного использования (в сфере коммерческих отношений): Науч.– практ. пособие / Под общ.ред.д.ю.н. М.А.Рожковой. – М.: Статут, 2015. – С.119.

Шундай қилиб, Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилоти эътирофига кўра ҳам домен номи интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайди. Хусусан Россия Федерацияси Олий Арбитраж Суди қарорига мувофиқ “домен номлари аслида товар белгиси функциясини бажарадиган воситага айлантирилди. Бу эса тегишли равишда айрим юридик ёки жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг ўхшаш товарлари ва хизматларидан ажратиб олиш имконини берди. Бундан ташқари товар белгилари ва савдо номларини ўз ичига олган домен номлари маълум тижорат қийматига эга”<sup>1</sup>. Шу ўринда кўришимиз мумкинки, домен номлари амалда товар белгиларига тенглаштирилмоқда. Лекин, шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: нега товар белгиси ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объекти ҳисобланади-ю, домен номи эса шундай объект саналмайди? Ҳозирги вақтда қонунчиликда ушбу саволга аниқ равшан жавоб берилмаган.

Бундан ташқари товар белгиси ва домен номларининг ўзаро боғлиқ низо сифатида фақатгина интеллектуал мулк қонунчилиги билан тартибга солинмайди. Кўп ҳолларда домен номларида товар белгиларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши рақобат тўғрисидаги қонунчилигининг бузилиши билан бирга келади. Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозимки, киберсквоттингни ҳар қандай ҳолатда рақобат қонунчилигини бузувчи унсур сифатида тушунмаслик лозим.

Шунга кўра, агар товар белгиси рухсатсиз домен номи сифатида рўйхатга олинган ва ушбу домен номида товар белгиси остидаги маҳсулотни сотиш ёки реклама қилиш ёки товар белгисига рақобатчи бўлган шахсларнинг бир турдаги маҳсулотларини сотиш ёки реклама қилиш фаолиятини амалга оширмаса ушбу ўзгалтирилган домен номида инсофсиз рақобат аломатлари йўқ деб ҳисоблаш мумкин.

Аксинча, рухсатсиз ўзлаштирилган домен номида товар белгиси эгасининг маҳсулотларини унга рақобатчи бўлган шахсларнинг товар белгилари билан солиштириш орқали товар белгиси эгасининг обрўсини тушуриш мақсад қилинган ва у амалга оширилаётган бўлса, домен номи эгасининг ҳаракатларида инсофсиз рақобат аломатлари бор деб баҳоланиши мумкин. Мазкур фикрни қатъий равишда тўғри

---

<sup>1</sup> Постановление Президиума Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации от 16 января 2001 г. № 1192/00 // Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации. 2001. № 5. (10 мая).

ёки нотўғри деб нуқта қўймоқчи эмасмиз. Юзага келган масалада инсофсиз рақобат бор ёки йўқлигини ҳуқуқий баҳолаш суд жараёнида ёки рақобатга қарши курашиш органининг ваколати доирасида ҳал этилади.

Товар белгиларига бўлган ҳуқуқларни домен номларида бузилиши билан боғлиқ суд қарорларида, судлар ушбу низоли ишнинг ечимини 1883 йил 20 мартдаги Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 10-bis-моддасига (инсофсиз рақобат) ҳавола қилади. Конвенциянинг 10-bis-моддаси мазмунига кўра, рақобатчининг маҳсулотларига ёки саноат ёки тижорат фаолиятига нисбатан чалкашликларни келтириб чиқарадиган ҳар қандай усулни таъқиқлаш домен низолари учун энг муҳим қоида ҳисобланади<sup>1</sup>. Ушбу қоидалар, шунингдек Россия Федерацияси Олий Арбитраж суди Раёсатининг 2008 йил 11 ноябрдаги 5560/08-сонли қарорида кўриб чиқилган бўлиб, Конвенциянинг 10-bis-моддасида кўрсатилган домен номи маъмурининг ҳатти-ҳаракатларида инсофсиз рақобат бор ёки йўқлигини тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, суд қуйидаги учта мезонга таянган ҳолда текшириш ишларини амалга оширади, яъни:

домен номи учинчи шахснинг товар белгиси билан бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшашлиги;

домен номи эгасининг домен номига нисбатан ҳеч қандай қизиқиши ва қонуний ҳуқуқининг йўқлиги;

домен номи рўйхатга олинганлиги ва инсофсиз фойдаланаётганлиги.

Интернет тизимида домен номларини рўйхатга олишда мустақил эркин тизимнинг яратилиши қонун билан қўриқланадиган бошқа белгилари билан ўзаро зиддиятни келтириб чиқаришга имконият яратди. А.Г.Сергонинг таъкидлашича, бундай конфликт муҳофаза қилинадиган ҳар қандай белгилар (нафақат товар белгилари, балки шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари, шахсий номлар, асар номи, персонаж номи ва ҳ.к.) билан боғлиқ муносабатларда юзага келиши мумкин<sup>2</sup>. Ушбу шахсийлаштириш воситаси эгасининг руҳсатсиз товар белгиларини ўз ичига олган домен номларини рўйхатдан ўтказиш, улардан фойдаланиш ёки қайта сотиш билан боғлиқ инсофсиз амалиёт кенг тарқалиб кетди.

---

<sup>1</sup> Конвенция по охране промышленной собственности (Заключена в Париже 20 марта 1883г.) (ред. от 2 октября 1979 г.) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.consultant.ru>

<sup>2</sup> Серго А.Г. Правовой режим доменных имен и его развитие в гражданском праве : дис. ... д-р юрид. наук. – М. 2011. – С.5.

Хусусан, бу каби ҳолатларни фирма номлари билан товар белгиларининг ўзаро тўқнаш келиши ҳолатларида ҳам кўришимиз мумкин. Фирма номларидан товар белгиларидан инсофсиз фойдаланиш худди домен номларида товар белгиларидан инсофсиз фойдаланиш ҳолатига ўхшайди. Чунки, фирма номларини рўйхатдан ўтказишда ҳам домен номларини рўйхатдан ўтказиш каби товар белгиси билан бир хиллиги ва ўхшашлиги текширилмайди. Натижада бир номдаги белгиларга нисбатан икки ўзаро мустақил шахсларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлади.

Ўзбекистонда фирма номларини ҳуқуқий тартибга солиш 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари тўғрисида”ги ЎРҚ-51-сонли қонунга мувофиқ амалга оширилади. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ “Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади”. Мазкур қоида мазмунига кўра, фирма номи хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини шахсийлаштирса, товар белгиси эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни шахсийлаштиради. Лекин, айрим ҳолатларда фирма номи товарни шахсийлаштиришда товар белгиси функциясини бажаради. Бунинг учун эса, биринчидан товар белгиси ва фирма номи ўзаро мос бўлиши, иккинчидан фирма номи билан бир хил товар белгиси рўйхатдан ўтказилиши лозим<sup>1</sup>. Ўзбекистонда фирма номларини ҳуқуқий тартибга солиш 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ “фирма номидан товар белгисининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин”. В.В.Орлова таъкидлаганидек, “шахсийлаштириш воситасига нисбатан ҳуқуқни сақлаб туриш учун ундан албатта фойдаланилиши лозим”<sup>2</sup>.

Лекин, ушбу қоида фирма номларига нисбатан тадбиқ этилмайди. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиларидан фарқли ўлароқ фирма номларининг амал қилиш муддати чегараланмаган. Фирма номининг бекор бўлиши юридик шахс ўз фаолиятини тугатганлиги сабабли ягона давлат реестридан ўтказилганлигининг бекор қилиниши билан ёки юридик шахс ўз фирма номини

---

<sup>1</sup> Быструшкина И.В. Гражданско– правовая охрана товарного знака и фирменного наименования. Автореф ... к.ю.н. – М.: 2007. – С.16

<sup>2</sup> Орлова В.В. О фирменных наименованиях. Правовые проблемы охраны и защиты средств индивидуализации: сб. ст. / отв. ред. Л. А. Новоселова. – М.: Норма: ИНФРА– М, 2015. – С. 97– 109.

ўзгартириши билан содир бўлади<sup>1</sup>. Товар белгилари қонунчилигига мувофиқ эса товар белгисига бўлган ҳуқуқ ўн йил муддатга берилиб, унга бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ эгасининг талаби билан ҳар сафар ўн йил муддатга узайтириб турилиши мумкин.

Фирма номларига нисбатан ҳуқуқларнинг вужудга келиши ҳар доим ҳам у рўйхатга олингандан кейин пайдо бўлмайди. Масалан Арманистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда фирма номига бўлган ҳуқуқ рўйхатга олингандан кейин, Франция, АҚШ, Канада, Куюк Британия, Финляндия каби давлатларда рўйхатга олинмасдан ҳам фойдаланилиши мумкин. Финляндиянинг 1979 йилдаги фирма номлари тўғрисидаги қонунининг 2(1)-моддасига мувофиқ фирма номларига нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар вужудга келади<sup>2</sup>.

Фирма номининг яна бир товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларидан фарқли жиҳати фирма номидан унинг эгаси томонидан вақтинчалик фойдаланмаганлиги унга бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлишига олиб келмайди<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси 3-қисмига кўра товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охириги уч йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда товар белгисига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши мумкин.

Фирма номининг товар белгисидан фарқли яна бир жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 1-қисмига кўра “фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкий мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади”. Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эса исталган шахсга тасарруф этилиши мумкин.

Фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқ бир шахс номига берилади. Товар белгиларига нисбатан ҳуқуқ эса бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ шахсларда мажуд бўлиши мумкин. Товар

---

<sup>1</sup> Шульга А.К. Правовой режим товарных знаков по современному гражданскому законодательству РФ. Автореф... к.ю.н. – Краснодар. 2010. – С.13.

<sup>2</sup> Мельников В. Столкновение прав на фирменное наименование и на товарный знак. ИС. Промышленное собственност. – 2007. – №.5. – Б. 72– 73.

<sup>3</sup> Слизков Р.И. Содержание прав на фирменное наименование. Актуальные проблемы современности: наука и общество. – 2017. – №1. – С.34.

белгилари қонунчилигида ушбу товар белгиси жамоавий товар белгиси ҳисобланади.

Товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларнинг тўқнашувлари кўп ҳолларда фуқаролик муомаласида субъектларнинг шахсийлаштириш воситаларини ўзаро айирбошлаш жараёнида пайдо бўлади. Бундай низолар аксарият ҳолатларда товар белгиси ва фирма номларига бўлган ҳуқуқлар коллизияси билан боғлиқдир<sup>1</sup>.

Товар белгилари ва фирма номлари ўртасида коллизия юзага келиши, фирма номларида товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши омиллари бўлиб, биринчидан, товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш фирма номлари турли бир биридан мустақил шахслар томонидан фойдаланилади, иккинчидан, белгиларнинг бундай бир хил ва ўхшашлик истеъмолчиларни ва контрагентларининг адашишига олиб келади, учинчидан, товар белгисига бўлган ҳуқуқ фирма номига нисбатан илгарироқ пайдо бўлади<sup>2</sup>.

Товар белгиси ва фирма номларининг ўзаро коллизияси объектив ёки субъектив сабаб пайдо бўлади. Ўзаро коллизиянинг юзага келишида объектив омил ҳар икки белгининг мустақил давлат органлари томонидан ўзаро солиштирилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилади. Бунда фирма номининг эгаси рўйхатдан ўтказётган фирма тегишли товар учун аввалроқ устуворликка эга товар белгиси билан бир хил ёки ўхшашлигини билмайди. Субъектив омилда эса ушбу ҳолатнинг акси содир бўлади. Фирма номини товар белгиси билан бир хил ёки ўхшашлиги билан рўйхатдан ўтказиш товар белгиси оммалашиб кенг истеъмолда бўлганлиги билан ўзаро боғлиқ.

Товар бозорига энди кириб келаётган тегишли фирма товар бозорида ўз “goodwill”ини яратиш учун бир неча йиллар давомида фаолият олиб бориши ва уни истеъмолчилар таниши лозим. Фирма номида маълум ва машҳур товар белгисини кўрсатиш фирма номини қисқа муддатда танилишини таъминлайди.

Товар белгиси ва фирма номининг ўзаро коллизияси товар белгиси рўйхатга олинган маҳсулот билан фирма номида товар белгиси кўрсатилган фирма томонидан ўзаро бир хил ёки ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва товар белгиси эгасининг ўз товар

---

<sup>1</sup> Бобров М.Е. Средства индивидуализации товаров, работ и услуг как объекты интеллектуальных прав // Дис... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С.121.

<sup>2</sup> Боброва М.Е. Товарный знак и наименование юридических лица: коллизия прав. Адвокат. – 2013. – №12. – С.58.



белгиси фирма номида ўзлаштириб олинганлиги сабабли унинг эгасига нисбатан тегишли фирма номида фойдаланиши натижасида пайдо бўлади. Масалан, товар белгиси 1957 йил 15 июнда қабул қилинган “Белгилар рўйхатга олинган халқаро товарлар ва хизматлар таснифи тўғрисида”ги Ницца таснифининг 29-синфидаги “гўшт, балиқ, парранда, сут ва сут маҳсулотлари” ёки 30-синфидаги “қаҳва, чой, какао ва қаҳва ўрнини босувчилар; музқаймоқ; шакар, асал, шиннидан тайёрланган қиём” каби маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, ўз навбатида товар белгиси рухсатсиз фирма номи сифатида ўзлаштириб олинган фирма томонидан Таснифнинг худди шу 29 ва 30-синфларидаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлик ҳолати белгилар ўртасида ўзаро коллизияни келтириб чиқаради. Натижада эса, ўзаро мустақил рўйхатга олинган шахсийлаштириш воситалари ўртасида тегишли белгини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгиси ёки фирма номининг устунлигини белгилаш масаласи ўртага қўйилади.

Товар белгиси эгасининг фирма номига нисбатан талаблари қуйидаги икки хил хусусият билан бевосита боғлиқ бўлади:

1) фирма номидан товар белгисини олиб ташлаш ва кейинчалик ундан фойдаланмаслик;

2) ёки фирма томонидан товар белгиси рўйхатга олинган маҳсулотларни ишлаб чиқармаслик ва уни реклама қилмаслик.

Фирма номида инсофсиз товар белгисидан фойдаланиш, хусусан товар белгиси рўйхатга олинган маҳсулотлар билан бир хил ёки ўхшаш маҳсулотларни ушбу товар белгиси билан бир хил кўринишдаги фирма номи остида маҳсулотларни товар бозорида сотиш учун таклиф қилиниши инсофсиз рақобат келиб чиқишининг асосий омили ҳисобланади. Шундай инсофсиз рақобат ҳаракатларига товарларни сотиш, айирбошлаш, ёки бошқача усулда муомалага киритиш<sup>1</sup>, товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш инсофсиз рақобат деб

---

<sup>1</sup> Барышев С.А. Проблемы определения признаков недобросовестной конкуренции в сфере приобретения и использования исключительных прав на средств индивидуализации. Вестник экономике, прав и социологии. – 2015. – №12. – С.108.

топилади (ЎзР “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-319-сон Қонунининг 13-моддаси 1-қисми 2-банди).

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди томонидан 2019 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида “SAMARQAND DILKUSHO FAROVON SAVDO” МЧЖ жавобгар “SAFE-FAROVON” оилавий корхонасига нисбатан берган даъво аризаси кўриб чиқилади.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, “SAMARQAND DILKUSHO FAROVON SAVDO” МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2014 йил 13 ноябрда МГУ 28116-рақамли гувоҳнома билан FAROVON-UZ» товар белгиси Ницца Таснифидаги 30,32,35-синфидаги товарлар ва Таснифнинг 43-синфидаги кафе, кафетерий, ресторан номлари учун хизмат кўрсатиш белгиси берилган.

Судга маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига “SAMARQAND DILKUSHO FAROVON SAVDO” МЧЖ томонидан мурожаат қилиниб, 2019 йил 01 февралда юридик шахс сифатида 678096-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “SAFE-FAROVON” оилавий корхонаси пешлавҳасида “SAFEFAROVON” сўзи ёзилиши товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилаётганлиги ва бу билан “SAMARQAND DILKUSHO FAROVON SAVDO” МЧЖнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқи бузилаётганлиги, хусусан, жавобгар “FAROVON” товар белгиси остида “ресторан, кафе фаолиятида фойдаланаётганлиги” маълум бўлади.

Юқорида қайд этилганларга кўра, “FAROVON-UZ” товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси “SAMARQAND DILKUSHO FAROVON SAVDO” МЧЖ номига 2014 йил 13 ноябрда МГУ 28116-рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган бўлса, “SAFE-FAROVON” эса жавобгар юридик шахс номига 2019 йил 1 февралда 678096-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу ҳолатда «FAROVON» белгисига нисбатан ҳуқуқ устуворлиги даъвогар номига олдинроқ пайдо бўлган. Жавобгар эса низоли белгига нисбатан ҳуқуқ олдинроқ жавобгар номига рўйхатга олинганлиги ва шу номда кафе хизматини кўрсатаётганлигини билган ва инсофсиз ҳаракатларни амалга оширган. Бу эса, суд томонидан инсофсиз рақобат деб

топилиб, юридик шахснинг номидан “FAROVON” белгисини олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Фирма номида олдинроқ устуворликка эга бўлган товар белгисидан фойдаланишга икки ҳолатда йўл қўйилиши мумкин:

биринчиси, олдинроқ устуворликка эга бўлган товар белгиси рўйхатга олинган маҳсулотларни товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бўлган фирма номи остида ишлаб чиқармаслиги ва уни муомалага киритмаслиги;

иккинчиси, истеъмолчи чалғишига олиб келмаслик шарти билан товар белгисининг эгасининг учинчи шахсга товар белгиси ёки унинг қисмини фирма номида акс этган ҳолда рўйхатга олинишига рухсат бериши. Ушбу иккинчи ҳолатда фирма номида товар белгисидан фойдаланиш инсофсиз рақобат ҳисобланмайди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги 2006 йил 18 сентябрдаги Қонуннинг 4-моддаси 2-қисмига кўра қуйидаги ҳолатларда товар белгилари фирма номлари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

иллари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган товар белгилари;

рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган белгилар;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари;

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари.

Товар белгилари интеллектуал мулкнинг муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар билан ўзаро боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабат касб этади. Икки хусусиятдаги ҳуқуқнинг бир нуқтада кесишиши ва яхлит тижорат қийматига эга бўлиши умумий қоидаларга мувофиқ мутлақ ҳуқуқлар асосида тартибга солинади. Агар товар белгисидан акс этган белгини ижодий, эстетик функция сифатида қарайдиган бўлсак муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида қаралса, бошқа томондан белги товарнинг келиб чиққан жойини кўрсатадиган бўлса бу ҳолда ушбу белги товар белгиси сифатида эътироф этилади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, товар белгиси сифатида фойдаланилаётган муаллифлик ҳуқуқ объекти у фойдаланган маҳсулотнинг ташқи безаги бўлиб, сотиб олувчи унинг товарда товар белгиси сифатида кўрсатилганлиги учун эмас, балки маҳсулотнинг сифатли бўлганлиги учун сотиб олади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Нешатаева Т.Н. Иностранные предприниматели в России // – М.: «Дело», 1998. – С.40.

Тадқиқотчи Д.А.Огай интеллектуал мулк объектларини товар белгиларида муомалада бўлиш хусусиятини ўрганган ҳолда, товар белгиси ўзида бирон муаллифнинг ижодий фаолияти натижасини акс эттирса, ушбу ҳолатда у ёки бу шахсийлаштириш воситаси бир вақтнинг ўзида интеллектуал мулк объекти ҳисобланишини ҳам айтиб ўтган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ товар белгиси сифатида интеллектуал мулк объектлари ҳам рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ушбу қонуннинг 10-моддаси 2-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олган ҳолда товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказган ҳолда фойдаланиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Огай Д.А. Проблемы совершенствование международно– правового регулирования средств индивидуализации. – Т.: издание Института мониторинга действующего законодательства при Президента Республики Узбекистан, 2009, – С.127.

**Аброржон Қодиров**  
(Наманган вилоят интеллектуал  
мулк ҳимояси маркази бош мутахассиси)

## **КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида контарафакт маҳсулотларига қарши кураш борасида бир қатор амалий чоралар кўрилди. Хусусан, ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4380-сонли қарори ҳамда 2020 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4695-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4380-сонли қарорига кўра, Агентликка “интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш” вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, “давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк

соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказиш;

давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш” ва бошқа ҳуқуқлар берилди.

Мамлакатимизда контрафакт маҳсулотларига қарши кураш борасида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари киради.

Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳамда ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузишга доир ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–4965-сонли қарорига мувофиқ жорий йилнинг 15 февралдан 15 мартга қадар республикаимиз бўйлаб ўтказилган контрафакт маҳсулотларни реализациясига қарши курашишни кўзда тутувчи “Контрафактсиз ой” ойлигида республикаимиз миқёсида бозорлар, йирик савдо мажмуалари ва кўчма савдо нуқталарида контрафакт маҳсулотлар айланмасига қарши курашиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида 100 дан ортиқ

контрафакт маҳсулотлар аниқланди. Шунингдек, аниқланган контрафакт маҳсулотларнинг сони 2000 дан ошди.

Тадбир давомида аниқланган контрафакт маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчиларига нисбатан ҳуқуқбузарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда огоҳнома, тақдимнома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома каби таъсир чоралар қўлланилди.

Жумладан, 400 дан ортиқ ҳолатлар бўйича контрафакт маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорларнинг шахси аниқланиб, шулардан 74 та тадбиркорлик субъекти раҳбарларига нисбатан тақдимномалар киритилди ва 41 та тадбиркорлик субъекти раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқишлик учун судларга юборилди.

Интеллектуал мулк - бу фирмаларнинг бозорда рақобатбардош мавқеини яхшилашга ёрдам берадиган муҳим восита ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатда контрафакт маҳсулотларига қарши курашишнинг самарали механизмларини амалиётга жорий этиш, аҳоли ўртасида контрафакт маҳсулотларига нисбатан муросасизликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ бу йўналишда миллий қонунчилик ҳали яхлит тизим сифатида шаклланмаганлиги боис соҳани ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солишда кўплаб муаммолар учрамоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Юқоридаги келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Албатта, ушбу соҳада тадбиркорли субъектларини жазолаш билан, контрафакт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва сотиб олишга қарши курашиб бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага етказиш;

Мутасадди идоралар томонидан жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш ва уларнинг иқтисодий имкониятларини (фойдалари) тушунтириш лозим.

**Акмал Мамадалиев**  
(*Фаргона вилояти Интеллектуал мулк  
ҳимояси маркази етакчи мутахассиси*)

## **ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУҲИМ ВАЗИФА**

Интеллектуал мулк бу ижодий ақлиф фаолият маҳсули бўлиб XIX аср охири ва XX асрда вужудга келган янги соҳа сифатида қаралмоқда ва мамлакатимизда ҳозирда мазкур мулк ана шундай йўналишдан бири бўлиб ўз ўрнини топомқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 609-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги (Агентлик) Низом тасдиқланиб, Низомга кўра Интеллектуал мулк агентлигининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулияти белгиланди.

Агентлик интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланиб, ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунди.

Қарорга мувофиқ, Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини Адлия вазирлиги бўлинмалари, шу жумладан унинг худудий бўлинмалари,



бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотажорат ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади, шунингдек, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, Агентликнинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилди. Яъни:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, мазкур соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақида халқаро шартномаларни тузиш орқали ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ва бошқа ишларни амалга оширишда иштирок этиш;

жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ, Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ бир қанча функцияларни амалга ошириши, ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ҳуқуқларга эга эканлиги, шунингдек жавобгарлиги ҳамда агентликда ишловчи ходим ва раҳбар ходимларнинг асосий вазифалари ва жавобгарлиги ҳам белгиланди.

Ҳозирги даврда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг асосларига эга. Конституциянинг 42-моддасида фуқароларнинг ижод эркинлиги ўз ифодасини топган. Фуқаролик кодексининг IV-бўлими интеллектуал мулкка бағишланади ҳамда интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари бўйича махсус қонунлар ҳам қабул қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда декабрь ойида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига

аъзо бўлди ҳамда 1993 йилдан Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулк бу инсоннинг ижодий ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ушбу мулкни муҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланиб келмоқда.

**Dilshod Boboqulov**  
(*JIDU Xalqaro Biznes huquqi*  
*yo'nalishi magistranti*)

## **INTERNETDA INTELLEKTUAL MULKNING HUQUQIY HIMOYASI: PLAGIAT, QAROQCHILIK, KONTRAFAKT**

Hozirgi kunda butun dunyoda global axborot jamiyatini qurish jarayoni olib borilmoqda. Globallashtirishning asosiy xususiyatlaridan biri bu axborot va bilim almashinishni osonlashtirish va tezlashtirishdir. Ilgari, ilmiy va texnik yangiliklar bir qit'ada paydo bo'lib, boshqa qit'alarda asta-sekin tarqalib kelgan bo'lsa, hozirda bu yangiliklar butun dunyoga yillar emas, balki daqiqalarda tarqatilmoqda. Bu butun dunyo bo'ylab global va jadal rivojlanishning mohiyatini tashkil etadi.

Axborot va bilim global axborot jamiyatidagi asosiy strategik mahsulot va moddiy boylik yaratish vositasiga aylandi. Yangi iqtisodiyotda innovatsiyalar, ijodiy mehnat, intellektual mulk va axborot mahsulotlarining o'rni o'sdi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda axborot va bilimlardan olingan mahsulotlarning xususiy ulushi yalpi ichki mahsulotning bir qismi sifatida oshdi. Bunday sharoitda mualliflik huquqi va intellektual mulkni himoya qilish masalalari dolzarb bo'lib qoldi. Ilmiy ishlar, kashfiyotlar, yangiliklar, mehnatni tejaydigan takliflar va ishlab chiqarishga tatbiq etiladigan intellektual mulk ilmiy faoliyat natijasidir. Shunday qilib, mualliflik huquqi va intellektual mulk huquqlarini himoya qilish olimlarning hayotiy manfaatlari orasida muhim rol o'ynamoqda.

So'nggi paytlarda, ilmiy faoliyat natijasida kelib chiqadigan ayniqsa intellektual mulk obyektlari bilan bir qatorda axborot texnologiyalari ko'lami yanada kengaymoqda. Axborot texnologiyalarini keng tatbiq etish natijasida ilmiy ishlarning an'anaviy formatdagi elektron versiyalari yaratildi, shu jumladan faqat virtual dastur uchun yaratilgan intellektual mulk obyektlari, masalan, kompyuter dasturlari, veb-saytlar, ma'lumotlar bazalari ham. Ushbu ishlanmalar ilmiy faoliyat uchun yangi imkoniyatlar yaratdi va ilmiy tadqiqotchilarning global hamkorligini, bilim

almashinuvini va dasturiy ta'minot vositalari, tarmoq resurslari va ma'lumotlar bazalari kabi geografik jihatdan birgalikda foydalaniladigan, shuningdek ilmiy resurslardan foydalanishni osonlashtiradigan elektron fanga asos bo'ldi. Bunday sharoitda intellektual mulk huquqlari doirasida Internetga asoslangan ilmiy faoliyat natijasida yaratiladigan obyektlarni muhofaza qilish dolzarb ahamiyatga ega.

Mualliflik huquqlari va intellektual mulk qoidalari bilan himoyalaniş zarurati paydo bo'layotgan muammolardan biri, chunki O'zbekiston olimlari, dasturchilari, boshqa intellektual mulk yaratish bilan shug'ullanadigan kasb egalari umummilliy va xalqaro loyihalarda qatnashadilar, ammo ularning ishi qonuniy choralar bilan himoyalanişmaydi. Olimlarning mualliflik huquqlari va intellektual mulklari yetarli darajada himoyalanişmagan hollarda, ular o'zlarining ishlaridan moddiy manfaat olishdan mahrum bo'lishadi. Bundan tashqari, mamlakatning iqtisodiy xavfsizligi xavf ostida qolishi mumkin.

*Intellektual mulk huquqlarini himoya qilish bilan bog'liq asosiy vazifalar.* Hozirgi kunda dunyoda intellektual mulkni himoya qilishning uchta asosiy usuli mavjud: mualliflik huquqlari, patentlar va tijorat sirlari. Intellektual mulkni himoya qilishning boshqa usullari ham qo'llaniladi<sup>1</sup>:

axloqiy-axloqiy me'yorlar;

ma'muriy choralar (masalan, maxfiylik rejimini tashkil etish, xavfsizlik xizmatlarini tashkil etish va xodimlarni o'qitish orqali);

jismoniy himoya choralari (eshik va derazalarni qulflash va boshqalar);

texnik himoya tizimlari (elektromexanik, akustik, radiotexnik, magnetometrik va boshqalar);

kriptografik usullar (uning mantiqiy mohiyatini yashirish uchun ma'lumotni o'zgartirish);

mehnat shartnomalari orqali himoya qilish (xodimlar tijorat sirlarini oshkor etmasliklari shart degan band qo'shish).

Intellektual mulk huquqlarini himoya qilish internetning rivojlanishi bilan tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda, bu mualliflik huquqining an'anaviy konsepsiyasiga putur yetkazdi. Internetdan materiallarni nusxalash va global miqyosda arzon narxlarda tarqatish uchun foydalanish mumkin. Intellektual mulk obyektlarini yaratuvchilarining manfaatlari bilan jamiyatning ijodiy faoliyatini rivojlantirish va jamoatchilik bilimlarini oshirishga bo'lgan qiziqish o'rtasida nozik muvozanat mavjud.

---

<sup>1</sup> Dinwoodie G.B. *Methods and Perspectives in Intellectual Property*, Edward Elgar Publishing, 2013, 400

Materiallarni cheksiz nusxalashning oldini olish va ushbu materiallardan foydalanish imkoniyatlarini tartibga solish internetda eng ko‘p muhokama qilinadigan mavzulardan biridir. Internetda, intellektual mulk huquqlari himoyalangan hollarda, olimlar va tadqiqotchilar o‘z ishlaridan moddiy manfaat ko‘rmasliklari mumkin, natijada ilmiy ijodkorlik pasayishi mumkin<sup>1</sup>. Internetning global xususiyatini hisobga olgan holda, mualliflarning raqamli huquqlari uchun milliy qonunchilik bazalarini birlashtirish zarur. Intellektual mulk huquqlari bo‘yicha qonunchilik bazalarini birlashtirishning eng samarali vositasi bu xalqaro konvensiya.

Aytib o‘tilganidek, intellektual mulk huquqlarini an’anaviy usullari bilan himoya qilish samarali emas. Shunday qilib, ushbu huquqlar egalarining manfaatlari birinchi navbatda texnik va dasturiy ta’minotga asoslangan usullari bilan himoya qilinishi kerak. Axborot texnologiyalari jadal rivojlanayotgan zamonda uni himoya qilishning yangi himoya tizimlari zarur. Shunga qaramay, intellektual mulk huquqlarini himoya qilish masalasi quyidagi sabablarga ko‘ra murakkabdir<sup>2</sup>:

qoidabuzarliklar nafaqat internet, balki boshqa ommaviy axborot vositalari orqali ham sodir bo‘ladi;

boshqa qurilmalar yoki maxsus shu uchun yaratilgan dasturlar kabi vositalardan foydalangan holda quyidagi qonunbuzarliklar sodir bo‘ladi: plagiat, qaroqchilik, intellektual mulk huquqi obyektlarining noqonuniy savdosi va mahsulotlarni onlayn bozorlar orqali ruxsatsiz sotib olish;

qoidabuzarliklar aksariyat hollarda boshqa xavfli omillar, shu jumladan zararli dasturlar va spamlarni tarqatish hamda shaxsiy ma’lumotlarning buzilishi bilan birga kelish chiqishi mumkin.

Mualliflik huquqlari va intellektual mulk huquqlarini himoya qilishga oid me’yorlar shu paytgacha qabul qilingan bir nechta xalqaro shartnomalarga kiritilgan bo‘lsa ham, ular eng keng tarqalgan masalalarni tartibga soladi va bu sohada yuzaga keladigan boshqa bir necha xil nizolarni hal qilmaydi<sup>3</sup>. Demak, Internetda intellektual mulkni himoya qilish bo‘yicha xalqaro konvensiyani qabul qilish zarur. Hozirgi kunda virtual muhitda mualliflik huquqini himoya qilishning uchta usuli amalda qo‘llanilmoqda. Birinchi usul “mualliflik huquqi” atamasini yo‘q qilishni va muallifga havola qilinganida muallifning asaridan bepul foydalanishni nazarda tutadi. Ikkinchisi, Internet-resurslardan foydalanishda muallifga

---

<sup>1</sup> Intellectual Property on the Internet: A Survey of Issues. World Intellectual Property Organization

<sup>2</sup> <http://www.ima.uz/uz/>

<sup>3</sup> Intellectual Property on the Internet: A Survey of Issues. World Intellectual Property Organization

haq to‘lashni o‘z ichiga oladi. Oxirgi variant qonunchilik bazasining spetsifikatsiyasi va foydalanuvchi huquqlarining cheklanishlarini ma’lum darajada ko‘rib chiqadi. Birinchi usul O‘zbekiston qonunchiligi orqali tartibga solingan<sup>1</sup>.

*Ko‘chirmachilikka qarshi kurash masalalari.* Mualliflik huquqini buzish misollaridan biri bu plagiatdir. Internetning rivojlanishi, matnlarni raqamlashtirish va nusxalashning qulayligi bu masalani yanada kuchaytirdi. Plagiat talabalar, ilmiy tadqiqotchilar va jurnalistlar orasida keng tarqalgan bo‘lib, bu muammo ilmiy faoliyat sohasida aniq namoyon bo‘lmoqda.

Yuridik adabiyotlarda qasddan o‘zlashtirilgan adabiyotlarni, madaniy va ilmiy asarlarni yoki boshqalarga tegishli yangiliklarni plagiat deb tushunadilar, ammo g‘oyalar, tushunchalar, usullar va ma’lumotlardan foydalanish plagiat deb hisoblanmaydi<sup>2</sup>. Plagiat odatda bironing intellektual mehnatini o‘zlashtirish hisoblanadi va manbaning ko‘rsatilishsiz biron bir kishining ishining bir qismi havola etilganda yuz berishi mumkin. Muayyan asarga hammualliflik to‘g‘risidagi asossiz da’vo ham plagiat hisoblanadi. Shunga qaramay, plagiat nafaqat nashr etilgan asarlarga tegishli balki asarni nashr etilmagan qo‘lyozma shaklida o‘zlashtirish ham plagiatdir. Ilmiy ish yozayotganda, plagiatdan qochish uchun muayyan standartlarga rioya qilish kerak. Ya’ni, boshqalarning g‘oyalari va izlanishlaridan foydalanganda manbalar tegishli ravishda ko‘rsatilishi kerak.

Noqonuniy harakatlarning oldini olish uchun axloqiy, huquqiy, texnologik choralarni ko‘rish zarur. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) yordamida virtual muhitda plagiatga qarshi kurashishning yangi usullari va vositalari mavjud. Plagiatga qarshi dastur foydali vosita, ammo, albatta, elektron versiyalari bo‘lmagan adabiyot manbalari mavjud. Shunday qilib, plagiatning barcha holatlari dasturiy ta’minot yordamida fosh etilishi mumkin emas. Shuningdek, axloq qoidalarining buzilishi natijasida kelib chiqqan plagiatlik harakatlarini avtomatik ravishda identifikatsiyalashni AKT yordamida aniqlash imkonsiz. Masalan, “kelishilgan” plagiat, g‘oyalarning noqonuniy hammuallifligi turli sabablarga ko‘ra paydo bo‘ldi (masalan, rahbarlar, do‘stlar va qarindoshlar bilan munosabatlar) va “buyurtma qilingan”

---

<sup>1</sup> Абрамова Н.Ю. Проблемы плагиата в научных трудах // Научная периодика: проблемы и пути решения. 2011, № 2. Мавjud: <http://www.cyberleninka.ru>

<sup>2</sup> Intellectual Property on the Internet: A Survey of Issues. World Intellectual Property Organization

plagiat, pul to'lash orqali muallif yoki hammuallif bo'lish tajribasi mavjuddir. Ko'chirmachilikning yana bir turi - bu "anonym" plagiat. Ushbu harakatlarni bartaraf etish har qanday turdagi texnik dasturiy vositalarni qo'llash orqali imkonsizdir<sup>1</sup>.

*Intellektual mulk ko'chirish yoki nusxalash vositasida kelib chiqadigan qaroqchilikka qarshi kurash masalalari.* Mualliflik huquqining yana bir buzilishi - bu qaroqchilikdir. Ushbu qonun buzilish turi ilmiy-texnik faoliyat bilan shug'ullanadigan tadqiqotchilarga qattiq ta'sir ko'rsatmoqda, chunki zamonaviy AKT vositalari yordamida kitoblar va dasturiy ta'minot osongina ko'chirilishi va sotilishi mumkin. Yuridik ma'noda qaroqchilik - bu audio-vizual asar nusxalari, fonogrammalar, kompyuter dasturlari, ma'lumotlar bazalari va kitoblarni o'z ichiga olgan pirat mahsulotni ishlab chiqarish (Nusxa chiqarish) va tarqatish<sup>2</sup>. Adabiyotga ko'ra, ushbu qaroqchilik turining eng katta miqdori kitob nashrida va audio-vizual sohada uchraydi.

O'zbekiston Respublikasining "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida" gi qonuniga ko'ra, har qanday formatda kontrafakt nusxalardan foydalanish yoki tarqatish mualliflik huquqining buzilishi hisoblanadi<sup>3</sup>. Ushbu qonun intellektual mulk huquqlari va intellektual mulk huquqlari egalarining manfaatlarini himoya qilishni tartibga soladi va qonun buzilishining oldini oladi, shu jumladan intellektual mulk obyektlarining nusxalarini noqonuniy ishlab chiqarish va tarqatishni oldini oladi. Ushbu sohada erishilgan ijobiy natijalarga qaramay, jiddiy muammolar (xususan, dasturiy ta'minot bilan bog'liq) qolmoqda.

Plagiatga qarshi kurashishning eng samarali usullaridan biri bu mualliflik asarlarini elektron ro'yxatdan o'tkazishdir. An'anaviy usullardan farqli o'laroq, elektron ro'yxatdan o'tish mualliflarning vaqtini va moliyaviy resurslarini tejash nuqtai nazaridan shaffof va samarali bo'ladi, chunki ish darhol elektron xizmat orqali ro'yxatdan o'tkaziladi. Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, mualliflar o'z asarlarini O'zbekistonda elektron ro'yxatdan o'tkazishdan manfaatdor emaslar. Bu plagiatni kamaytirish

---

<sup>1</sup> "Ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari to'g'risida"gi O'zbekiston respublikasi qonuniga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish haqida. Mavjud: <https://lex.uz>

<sup>2</sup> O'zbekiston respublikasining qonuni mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida mavjud: <https://lex.uz>

<sup>3</sup> O'zbekiston respublikasining qonuni mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida Mavjud: <https://lex.uz>

bo'yicha harakatlarga to'sqinlik qilganligi sababli, mualliflarni ishontirish uchun tegishli reklama kampaniyalarini uyushtirish kerak.<sup>1</sup>

Barqaror va innovatsion rivojlanish uchun tegishli ekotizimni yaratish asosiy masaladir. Ushbu ekotizimning asosiy jihatlaridan biri - bu qonunchilik bazasini yaratish va uning rivojlanish xususiyatlariga mos ravishda moslashuvchanlikni taminlashdir.<sup>2</sup> Intellektual mulk huquqlarini himoya qilishni ta'minlashsiz global iqtisodiyotda raqobatbardosh innovatsion rivojlanishga erishish mumkin emas. G'oyalar va bilimlar innovatsion rivojlanishning asosini tashkil etadi. Olimlar va mutaxassislar ushbu bilimlarni yaratadilar.<sup>3</sup> Demak, qabul qilinadigan milliy strategiyada va tegishli dasturlarda hosildorlikni oshirish uchun olimlarning manfaatlarini yuqori darajada himoya qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Innovatsion rivojlanishning harakatlantiruvchi kuchi bo'lgan Internetning global va virtual xususiyatlarini hisobga olgan holda, patentlar, mualliflik huquqiga egalik, plagiat, patentlash, intellektual mulkni sug'urtalash bilan bog'liq bir qator huquqiy masalalarni hal qilish kerak.

**Анвар Қурбонов**

*(Давлат божхона қўмитаси*

*Божхона институти магистранти)*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА “ЕХ-OFFICIO”НИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАСИ**

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг самарали ва мувозанатли тизими жаҳон миқёсида давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва фаровонлиги кафолатининг асосий элементи ҳисобланади<sup>4</sup>.

2020 йил 12 октябрь куни интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ўтказилган йиғилишда, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “Интеллектуал мулк масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармас эканмиз, Ўзбекистон бундан ўн йилдан кейин ҳам рақобатдош

---

<sup>1</sup> «Ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari to'g'risida»gi o'zbekiston respublikasi qonuniga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish haqida. Mavjud: <https://lex.uz>

<sup>2</sup> Butler J.S., Gibson D.V. Global Perspectives on Technology Transfer and Commercialization: Building Innovative Ecosystems, Edward Elgar Publishing, 2011, 432 p.

<sup>3</sup> Gauntlett D.A. IP Attorney's Handbook for Insurance Coverage in Intellectual Property Disputes, American Bar Association, 2010, 339 p.

<sup>4</sup> Евроосиё иқтисодий иттифоқида 2019 йилда интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида Ҳисобот. Москва. 2020. – С.3.

бўлмайди...”, “Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади”,–дея таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бугунги кунда халқаро миқёсда ва ҳар бир давлат миллий қонунчилигидан келиб чиқиб мамлакат миқёсида (ички) амалга оширилади. Интеллектуал мулк объектларини халқаро ҳимоя қилишни эса божхона органларининг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интеллектуал мулк хоҳ миллий, хоҳ халқаро даражада ҳимоя қилинмасин бу албатта белгиланган қонунчилик асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Юридик энциклопедиясида интеллектуал мулкга қуйидагича таъриф берилган.

“Интеллектуал мулк” (*лотинча intellect – ақл сўзидан, intelligence property – интеллектуал мулк*) – инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки ғоявий кўринишдаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулк ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ўзига хос объекти бўлиб ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига кўра, “интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари - фан, адабиёт, санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат наъмуналари, селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар - фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товарлар чиқарилган жой номи;

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва

---

<sup>1</sup> gazeta.uz расмий сайти “Президент интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича йиғилиш ўтказди” номли мақола, <https://www.gazeta.uz/uz/2020/10/12/intellectual-property/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедияси.– Т.:Адолат, 2010.– Б.15.



хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар ва бошқалар”<sup>1</sup>.

Мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолият жараёнлари бевосита божхона назорати билан чамбарчас боғлиқдир.

В.А.Шамахованинг фикрича, Россия Федерациясида божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш борасида Россия Божхона кодексига кўра божхона органларига интеллектуал мулк объектларининг фақатгина қуйидаги турларига нисбатан товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ваколоти берилган:

муаллифлик ҳуқуқ объектлари;  
турдош ҳуқуқлар объектлари;  
товар белгилари;  
хизмат кўрсатиш белгилари;  
товарлар келиб чиққан жой номлари”<sup>2</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида божхона органларининг асосий вазифалари қаторида, “жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш” ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>3</sup>.

Божхона органлари давлат ҳудудига товарларни олиб кирилиши ва олиб чиқилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши чекланган ёки тақиқланган товарлар устидан божхона назорати Божхона кодексига белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади. Жумладан, Божхона кодексининг 23-моддасига кўра:

Товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишга доир чекловлар халқаро мажбуриятлардан, ички бозорни ҳимоя қилиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек чет давлатлар ва улар иттифоқларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларини камситувчи ёки чекловчи бошқа ҳаракатларига жавоб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, <https://lex.uz>

<sup>2</sup> В.А.Шамахова. Россия Федерацияси божхона ҳуқуқи. Софт Издат. М. 2007. С. 200.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ– 502– сонли «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни, <https://lex.uz>

чораси тариқасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши мумкин. Мазкур чекловлар киритилиши муносабати билан товарларни олиб ўтаётган шахсда ёхуд ташувчида юзага келган харажатларнинг ўрни божхона органлари томонидан қопланмайди.

Шунингдек, Божхона кодексининг 24-моддаси 1-қисмига биноан: Давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларининг маданий бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб кирилаётган товарлар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 178-моддасида божхона назоратининг предмети белгиланган бўлиб, унга биноан божхона назорати:

божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва (ёки) ушбу Кодексга мувофиқ декларацияланиши лозим бўлган товарларга ва транспорт воситаларига нисбатан;

тақдим этилиши ушбу Кодексда назарда тутилган божхона декларациясига, товарлар тўғрисидаги ҳужжатларга ва маълумотларга нисбатан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш, божхона иши соҳасида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ, шунингдек айрим божхона режимлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятига нисбатан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 13-моддасида товар тушунчасига берилган изоҳга кўра интеллектуал мулк объектлари ҳам товар ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ-4965-сонли “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ, интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. <https://lex.uz>

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Йўл харитасининг 15-бандида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда божхона органларига ўз ташаббусига кўра интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик тўғрисидаги белгилари мавжуд бўлганда товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ваколатини бериш бўйича амалдаги божхона қонунчилигига “ex-officio” талабини киритиш масаласини таҳлилий ўрганиш ҳамда Давлат Божхона қўмитаси (ДБК) ходимларининг интеллектуал мулк соҳасидаги малакасини оширишни ташкил этиш вазифаси қўйилди<sup>1</sup>. Бу эса, божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда янги тизимни қўллаши учун дастлабки қадам ҳисобланади.

Шунинг учун, амалдаги қонунчиликда татбиқ этишда қуйидаги айрим жиҳатларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўларди:

*Биринчидан*, контрафакт (қалбаки) товарлар ёки қароқчилик маҳсулотлари (пиратские), сифатсиз товарлар тушунчаларини юридик жиҳатдан аниқ белгилаб олиш зарур;

*Иккинчидан*, божхона органларининг ташаббусига кўра (ex-officio) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ваколатини қонунчиликда белгилашда уни айнан божхона реестрига киритилган товарларга нисбатан қўллаш ёки интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишига эга ҳар қандай товарларга нисбатан қўллашни аниқлаб олиш лозим;

*Учинчидан*, интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилмаган контрафакт (қалбаки) товарлар ёки қароқчилик маҳсулотлари (пиратские), сифатсиз товарлар бевосита божхона чегараси орқали олиб кирилганда, бундай товарларни айнан олиб кирганлик учун божхона органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам аниқ белгилаб олиш керак бўлади;

*Тўртинчидан*, хавфни бошқариш тизими ёрдамида “Электрон божхона расмийлаштируви” ААТ дастурида интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товарларни аниқлаш имконияти такомиллаштирилса белгиланган натижага эришган бўлардик.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2021 йилда №ПҚ– 4965– сонли “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” қарори, <https://lex.uz>

**Джасур Кличев**  
(Ведущий специалист центра по защите  
интеллектуальной собственности города Ташкент)

## **ВОПРОСЫ ЗАЩИТЫ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ УКАЗАНИЙ В СООТВЕТСТВИИ С ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВОМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Прежде чем перейти на вопросы защиты географических указаний в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, следует обратиться к самому термину *географические указания*, которое не встречается в законодательстве Республики Узбекистан.

В силу того, что охрана географических указаний в соответствии с национальным законодательством эволюционировала по-разному, общепринятой терминологии не существует. Ниже приводятся обычные определения, которые можно найти в литературе по географическим указаниям:

«Указание источника» означает знак, указывающий на то, что продукт произведен из конкретного географического региона.

«Наименование места происхождения» означает знак, указывающий на то, что продукт производится из специфического географического региона только в том случае, если характерными качествами продукта являются в связи с географической средой, включая природные и человеческие факторы.

«Географическое указание» включает в себя оба вышеприведенных понятия. Для целей обсуждения предложений по реформе в апреле 2001 г. в документе Совет ТРИПС, Секретариат ВТО принял термин «указания происхождения географических объектов» для обозначения различных выражений, используемых членами ВТО для охраны географического происхождения продукции (ВТО 2001)<sup>1</sup>.

Если говорить о действующих международных договорах, то данный термин употребляется в Соглашении ТРИПС, Женевском акте Лиссабонского Соглашения 2015 года. Понятие «географическое указание» является более широким, чем «понятие наименования места происхождения», которое определено в Лиссабонском

---

<sup>1</sup> Michael Blakeney, Thierry Coulet, Getachew Mengistie and Marcelin Tonye Mahop. «Extending the protection of geographical indications», Earthscan from Routledge, 2012, p. 8.

соглашении, ссылающемся на то, что наименование должно быть географическим названием страны, региона или местности.

В Законе Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» разъяснение самого термина «географические указания» в законе не дается. Но дано определение «наименования места происхождения товара» наряду со ст.1108 Гражданского кодекса Узбекистана, согласно которой наименованием места происхождения (указанием происхождения) товара признается название страны, населенного пункта, местности или другого географического объекта, используемое для обозначения товара, особые свойства которого исключительно или главным образом определяются характерными для этого географического объекта природными условиями или иными факторами либо сочетанием природных условий и этих факторов.

Приведенное определение в целом совпадает с определением наименования места происхождения товара, данным в Лиссабонском соглашении. Анализируя данные положения можно предполагать, что термин «наименование места происхождения товара» по вышеуказанному закону охватывает и термин «географические указания», хотя является один из видов последнего.

«Чаще всего географические указания состоит из названия места происхождения товара, например, «Голубая гора Ямайки» или «Дарджилинг». Но негеографические названия, такие как «Виньо Верде», «Кава» или «Аргановое масло», или символы, обычно ассоциируемые с местом, также могут представлять собой ГУ. По сути, вопрос о том, функционирует ли знак как ГУ, является вопросом национального законодательства и потребительского восприятия»<sup>1</sup>.

В отличие от других стран Центральной Азии в Узбекистане до 2020 года было зарегистрировано лишь 4 географических указаний: минеральная вода - «ЧОРТОК», минеральная вода – «Карачинская», вино – BAGIZAGAN, сыр – PARMIGIANO REGGIANO. Только в ноябре и декабре 2020 года было зарегистрировано 30 географических указаний (наименований мест происхождения товаров), такие как: «Паркент узуми», «Маргиланский атлас», «CHUST KNIVES», «RISHTAN CERMAICS», «Сурхондарё тандир гўшти» и многие другие.

---

<sup>1</sup> Geographical Indications: An Introduction, World Intellectual Property Organization (WIPO), 2017, p. 9.

Чем важен охрана географических указаний? Ответ таков: географические указания становятся полезным правом интеллектуальной собственности для развивающихся стран в силу их потенциала создания добавленной стоимости и содействия социально-экономическому развитию сельских районов. В большинстве стран имеется ряд местных продуктов, соответствующих концепции географических указаний, но лишь немногие из них уже известны или охраняются в глобальном масштабе<sup>1</sup>.

Вопросы защиты географических указаний рассматриваются в нескольких нормативно-правовых актах законодательства. Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» является основным законом, где предусмотрено вопросы защиты наименования места происхождения товара (географических указаний) в Республике Узбекистан.

Правовая охрана наименования места происхождения товара предоставляется на основании его регистрации, а также в силу международных договоров Республики Узбекистан. Наименование места происхождения товара может быть зарегистрировано одним или несколькими юридическими или физическими лицами, находящимися в данном географическом объекте, название которого используется для обозначения производимого ими товара (ст. 6). Эти нормы свидетельствуют о гармонизации с мировой практикой правовой охраны.

Особенным является положение, которое гласит: лицо, зарегистрировавшее наименование места происхождения товара, получает право пользования им, если данное лицо производит товар, особые свойства которого исключительно или главным образом определяются характерными для данного географического объекта природными условиями или иными факторами либо сочетанием природных условий и этих факторов. Особый интерес вызывает формулировка «иные факторы», которая, расширяет «факторы влияния», не ограничиваясь людскими.

Как и в Соглашении ТРИПС срок действия свидетельства на товарный знак и свидетельства о праве пользования наименованием

---

<sup>1</sup> Irene Calboli, Ng– Loy Wee Loon, «Geographical Indications at the Crossroads of Trade, Development, and Culture, focus on Asia– Pacific», Cambridge University Press, 2017, p. 148

места происхождения товара действует в течение десяти (10) лет, с даты подачи заявки (статья 21).

Как и товарные знаки, продление срока действия свидетельства на товарный знак и свидетельства о праве пользования наименованием места происхождения товара может быть продлен по заявлению владельца, поданному в течение последнего года его действия, каждый раз на десять лет. Следовательно, это будет бесконечный раз. А срок подачи заявления, может быть продлен по ходатайству владельца свидетельства, поданному в течение шести месяцев после истечения срока действия свидетельства (статья 22).

Следует отметить статью 28, которое по тексту аналогичен во всех странах СНГ – использованием наименования места происхождения товара считается применение его на товаре, упаковке, вывесках, официальных бланках, в рекламе, печатных изданиях и иной документации, связанной с введением товара в гражданский оборот.

Особенностью охраны НМПТ в том, что, отчуждения, сделки об уступке права пользования наименованием места происхождения товара и предоставление права пользования наименованием места происхождения товара на основании лицензионного договора не допускаются.

Вполне логично пункт статьи 28 – о недопущении использования зарегистрированного НМПТ, не имеющими свидетельства на право пользования наименованием места происхождения товара, даже если при этом указывается подлинное место происхождения товара или наименование используется в переводе либо в сочетании со словами «род», «тип», «в стиле» и тому подобными, а также использование сходного обозначения для любых товаров<sup>1</sup>. Понятно, что, это может ввести потребителя в заблуждение относительно места происхождения и особых свойств товара.

Вопросы, указанные в статье 35 о регистрации наименования места происхождения товара в других государствах. Юридические и физические лица Республики Узбекистан вправе зарегистрировать товарный знак или наименование места происхождения товара в других государствах в установленном порядке.

---

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» №267–II, 30.08.2001. Источник: <https://lex.uz/docs/6936>

Точно также статья 36 о праве иностранных юридических и физических лиц уравнивает их права основе принципа взаимности: иностранные юридические и физические лица пользуются правами, предусмотренными настоящим Законом, наравне с юридическими и физическими лицами Республики Узбекистан. А статья 37, где указывается что, споры, связанные с правовой охраной и использованием наименований мест происхождения товаров, разрешаются в порядке, установленном законодательством, является вопросом, будучи острой проблемой, которое нет полноценного и эффективного механизма.

Ответственность за нарушение законодательства о наименованиях мест происхождения товаров предусмотренная в статье 38 ссылается на другие нормы законодательства: лица, виновные в нарушении законодательства о товарных знаках и наименованиях мест происхождения товаров, несут ответственность в установленном порядке<sup>1</sup>. Например, административная ответственность, в статье 177 Кодекса Республики Узбекистан об Административной ответственности, установлено что, незаконное использование чужого товарного знака, знака обслуживания, наименования места происхождения товара или сходных с ними до степени смешения обозначений для однородных товаров (услуг) либо незаконное использование чужого фирменного наименования — влечет наложение штрафа на граждан от пяти до десяти, а на должностных лиц — от десяти до двадцати базовых расчетных величин, если совершится повторно значить санкции ещё тяжелее.

Другой вид ответственности – гражданский, предусмотрено в Гражданском Кодексе Республики Узбекистан (статья 1111. Ответственность за неправомерное пользование наименованием места происхождения товара). Лицо, обладающее правом пользования наименованием места происхождения товара, вправе потребовать от нарушителя этого права возмещения понесенных убытков<sup>2</sup>.

Одной из целей выпускной квалификационной работы была определена разработка соответствующих предложений по изменениям и дополнениям, которые могут быть внесены в национальное законодательство. В связи с этим в процессе научных

---

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» №267– II, 30.08.2001. Источник: <https://lex.uz/docs/6936>

<sup>2</sup> Гражданский Кодекс Республики Узбекистан, Часть II. 29.08.1996, Источник: <https://lex.uz/docs/180550>



исследований мы вносим в законодательство о географических указаниях следующие предложения:

Аудит законодательства и судебной практики в этой сфере, осмысленная имплементация норм ТРИПС;

Совершенствование правового поля в целях привлечения к ответственности, которое подразумевает адекватные штрафные санкции, взыскание реального ущерба и упущенной выгоды за совершение незаконных действий в сфере интеллектуальной собственности;

Совершенствование института таможенного реестра;

Улучшение качества работы АИС в процессе проведения экспертиз заявок на регистрацию географических указаний.

**Бекполат Аймуратов**

*(магистрант факультета «Международное бизнес право»  
Университета мировой экономики и дипломатии)*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИИ ОБЪЕКТОВ АВТОРСКОГО ПРАВА**

В современном мире, где все более важное значение занимают инновации и высокие технологии, интеллектуальная собственность все чаще признается важным инструментом экономического развития. Будучи единственным возобновляемым ресурсом, интеллектуальная собственность способна обеспечить быстрое развитие инновационной деятельности, которая заключается в создании новых разработок, а также обеспечении их передачи и реализации в сферу производства<sup>1</sup>. Ввиду того, что задача инновационной деятельности заключается в коммерциализации получаемых результатов интеллектуальной деятельности, среди институтов интеллектуальной собственности следует выделить институт авторского права, распространяющийся на произведения науки, литературы и искусства, являющихся результатом творческой деятельности, *независимо от назначения и достоинства произведения*, потому представляющий сложность в оценке экономического потенциала для коммерциализации.

Изобретение Гуттенбергом в конце XV-века подвижного печатного станка имело решающее значение для развития

---

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан «Об инновационной деятельности» от 24.07.2020 г.

современной концепции авторства. В то же время началась дискуссия о правах, которыми, естественно, обладают создатели на свои произведения<sup>1</sup>. Печатный станок также способствовал социальной революции. Это сделало возможным широкое распространение идей, стимулировало чтение и письмо и дало толчок развитию новой коммерческой деятельности: публичного распространения копий, произведенных печатными станками. Эта новая производственная деятельность подпадала под общепринятые правила того времени. В средневековье существовали разные гильдии, и каждая пользовалась привилегией монополии на свою коммерческую деятельность, предоставленной официальными властями.

Непосредственно вопросу коммерциализации объектов авторского права немало ученых посвящали свои труды. По мнению Сударикова, коммерциализация – это продажа исключительного права объектов интеллектуальной собственности на договорной основе<sup>2</sup>. Мухопад утверждает, что коммерциализация связана с коммерцией, торговлей, то есть с продажей, покупкой и использованием не только объектов интеллектуальной собственности в целом и авторского права в частности, но также конкурентоспособной продукции, изготавливаемой с их применением для получения прибыли<sup>3</sup>. Понятием коммерциализации охватывается широкий круг операций, используемых в предпринимательстве в целях извлечения выгоды из произведения: продажа лицензий, уступка прав, внесение объектов в качестве вклада в уставный капитал юридического лица, передача прав на объекты в составе других коммерческих сделок, использование объектов в собственном производстве в целях изготовления и реализации конкурентоспособной продукции или оказании услуг.

Существует два способа продажи имущественных прав на объекты авторского права: *отчуждение прав*, при котором передается все исключительное право на объект авторского права, и *передача прав*, предусматривающий уступку части имущественного права одному или нескольким лицам. Первое по смыслу разрешает использовать произведение определенным способом и в установленных договором пределах только тому лицу, которому эти

---

<sup>1</sup> Судариков С.А. Право интеллектуальной собственности. – М.: Проспект, 2014. – С.53.

<sup>2</sup> Судариков С.А. Право интеллектуальной собственности. – М.: Проспект, 2014. – С.263.

<sup>3</sup> Мухопад В.И. Коммерциализация интеллектуальной собственности. – М.:ИНФРА– М, 2010. – С.308.

права передаются, и которое вправе запрещать аналогичное использование всем другим лицам, в то время как второй способ разрешает пользователю использование произведения наравне с другими правообладателями. Оба способа осуществляются посредством авторского (лицензионного) договора. Постановлением Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» № ПП-3855 от 14.07.2018 г. одним из способов коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности определена передача имущественных прав на объекты интеллектуальной собственности третьим лицам и предоставление права на использование данных объектов путем подписания лицензионных договоров на основе роялти, в том числе с условием последующей их коммерциализации приобретателем этих прав<sup>1</sup>.

В одном из исследований Всемирной организации интеллектуальной собственности, подготовленном специалистами как развитых, так и развивающихся стран<sup>2</sup>, в отношении передачи имущественных прав на произведение используется только термин «лицензирование». Никаких авторских договоров законодательство большинства стран не признает.

Следует отметить, что передаваться могут только имущественные права на произведение, закрепленные статьей 1056 Гражданского кодекса Республики Узбекистан (далее – ГК РУз): право на воспроизведение, право на распространение, право на доведение до всеобщего сведения, право на сдачу в прокат, право на импорт, право на сообщение по кабелю, право на переработку, право на публичный показ, право на публичное исполнение, право на передачу в эфир, право на перевод, право на повторное сообщение для всеобщего сведения<sup>3</sup>.

Статья 1068 ГК РУз содержит норму о существенных условиях авторского договора. К ним относятся: способы использования произведения (конкретные права, передаваемые по данному договору); размер вознаграждения и (или) порядок определения

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» № ПП- 3855 от 14.07.2018 г.

<sup>2</sup> WIPO Guide on the Licensing of Copyright and Related Rights. Geneva: WIPO, No 897 (E). 2003.

<sup>3</sup> Гражданский кодекс Республики Узбекистан.

размера вознаграждения за каждый способ использования произведения, порядок и сроки его выплаты. При этом размер вознаграждения определяется в виде процента от дохода за соответствующий способ использования произведения или, если это невозможно осуществить в связи с характером произведения или особенностями его использования, в виде зафиксированной в договоре суммы. Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию деятельности организаций культуры и искусства, творческих союзов и средств массовой информации, созданию дополнительных условий для стимулирования труда работников сферы» № ПП-3201 от 14.08.2017 г. установлены минимальные размеры авторского вознаграждения.

При коммерциализации существенное значение имеет определение стоимости объекта авторского права. Согласно Единого национального стандарта оценки Республики Узбекистан (ЕНСО) расчет стоимости прав на объекты авторского права (интеллектуальной собственности) могут выполняться при определении: налогооблагаемой базы имущества предприятия; стоимости исключительных прав, переданных на основе авторского (лицензионного) договора; стоимости объектов авторского права, которые вносятся в уставный капитал юридического лица; размера компенсации, которую необходимо выплатить согласно действующему законодательству правообладателю за нарушение его имущественных прав на объект<sup>1</sup>.

Подводя итоги можем сказать, что коммерциализация объектов авторского права – процесс, осложненный множеством общественных отношений – от правовых вплоть до экономических. Коммерциализация объектов авторского права от коммерциализации других объектов интеллектуальной собственности отличается сложностью в объективной оценке при определении стоимости объекта.

**Шароф Абдумаликов**  
(главный специалист Агентства по  
интеллектуальной собственности при  
Министерстве юстиции Республики Узбекистан)

---

<sup>1</sup> Приказ Директора Агентства по управлению государственными активами Республики Узбекистан «Об утверждении Единого национального стандарта оценки Республики Узбекистан» № 3239 от 4.06.2020 г.

## СТАТУС ПАТЕНТНЫХ ПОВЕРЕННЫХ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Институт патентных поверенных является одним из важнейших компонентов такой отрасли права, как Интеллектуальная собственность. В связи с необходимостью внесения поправок в Положение о патентные поверенные Республики Узбекистан (далее – Положение)<sup>1</sup>, в целях нивелирования национального законодательства с зарубежным опытом, было изучено правовое регулирование «О статусе патентных поверенных» определенных стран.

При выборе стран для рассмотрения зарубежного законодательства в области патентных поверенных было принято во внимание принадлежность страны к различным правовым системам, а именно романо-германская (континентальная), англо-саксонская (прецедентное право), континентальная (смешанная с англо-саксонской).

В виду того, что Республика Узбекистан принадлежит к традиционной континентальной системе права, хотелось бы прежде всего обратить внимание на правовое регулирование ФРГ в сфере патентных поверенных. В 1966 г. был принят Закон ФРГ «О субъектах, уполномоченных осуществлять деятельность патентных представителей» (Закон ФРГ)<sup>2</sup>, который определяет статус патентных юристов, компаний, юридических фирм и процедуру аккредитации.

Согласно главе I Закона ФРГ, определяющая деятельность патентных представителей, включает 4 статьи, среди них статьи о профессии патентного поверенного, о роли данного закона в правовой системе, о правомочности представлять и советовать в патентных делах, о праве представлять в судебных разбирательствах в сфере ИС.

Если говорить о содержании данных статей, можно тезисно и лаконично выделить следующие моменты:

---

<sup>1</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения о патентных поверенных», №298 от 01.07.2003 г., (с учётом изменений, внесенных постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 9 октября 2019 года № 856 — Национальная база данных законодательства, 10.10.2019 г., № 09/19/856/3890).

<sup>2</sup> Закон ФРГ «о субъектах, уполномоченных осуществлять деятельность патентных представителей», <https://www.epo.org/service-support/useful-links/attorneys.html> (дата обращения 09.11.2020 г.).

1. Деятельность поверенных должно носить либеральный характер, а также данная деятельность не должна быть направлена на выполнение торговых отношений.

2. Патентный поверенный может действовать в качестве либо юрисконсульта, либо представителя.

3. В профессиональные обязанности патентного поверенного входят такие функции, как советовать и представлять своего поверенного в вопросах промышленной собственности и селекционных достижений.

Глава II Закона ФРГ посвящена общим положениям, вбирающим в себя статьи о доступе к данной профессии, технической компетенции кандидатов, подготовке в данной отрасли, процедуре проведения аттестации. Говоря об общих положениях следует выделить следующие характерные черты, отличительные от законодательства Республики Узбекистан:

1. Патентными поверенными считаются те, кто имеют техническую квалификацию; в последствии прошедшие аттестацию; а также проработавшие не менее 1 месяца в качестве поверенного (в этой связи практика в качестве помощника поверенного засчитывается). Тогда, как в Положении «О патентных поверенных» Республики Узбекистан, в абзаце 3 пункта 4 приводятся квалификационные требования к патентным поверенным, требующие в обязательном порядке наличие стажа работы в области охраны объектов интеллектуальной собственности либо в качестве адвоката в области защиты прав на объекты интеллектуальной собственности не менее трех лет. Данная норма в значительной мере сужает круг лиц, изъявивших желание стать патентными поверенными, потому что по сути, норма предполагает, что только специалисты, занимающиеся охраной в области ИС, т.е. сотрудники Агентства, а также юристы, имеющие стаж работы в области ИС, могут стать патентными поверенными. Наряду с этим необходимо упомянуть тот факт, что в Республике Узбекистан к 2020 г. количество юридических лиц, предоставляющих услуги в сфере ИС равно 4 административным структурам, что в свою очередь доказывает необходимость увеличения численности специалистов в данной сфере.

2. Техническая компетенция включает образование в учебных заведениях в сфере естественных наук или технических наук, впоследствии выпустившихся путём сдачи государственного академического экзамена, в дополнении к этому 1 годичный период

практической деятельности по данному направлению должен быть соблюден (но практическая составляющая может быть опущена, в случае, если Директор патентного ведомства не усомниться в профессиональной компетенции кандидата). Директор совместно с компетентными ведомствами может определять относимость образования кандидата и допустимость его к деятельности патентного поверенного.

Переходя к разъяснению вопроса образования кандидата следует отметить следующие детали Закона ФРГ:

а) техническая квалификация подразумевает не менее 3-х летнего (32 месяцев) обучения в сфере промышленной собственности, либо

б) не менее 2 года и 2 месяца (26 месяцев) практики совместно с патентными поверенными, либо

в) 2 месяца в Патентном ведомстве, либо

г) 6 месяцев в суде по Интеллектуальной собственности (практика в патентных судах может быть засчитана в качестве 2х месячного опыта с патентными поверенными), либо

д) Директор патентного ведомства может засчитать годичную практику за рубежом в качестве практической деятельности.

Кандидат в обязательном порядке должен предоставить диплом университета по направлению юриспруденции (предоставление данного диплома засчитывается в качестве 4 месячной практической деятельности).

Наряду с этим, в отличии от законодательств сравниваемых государств, глава III Закона ФРГ определяет права и обязанности патентных поверенных, а также устанавливает процедуру профессионального сотрудничества между патентными поверенными.

Если рассматривать правовое регулирование в Великобритании, то можно заметить значительную разницу. Так, например, согласно Правилам Патентной экспертной комиссии (далее – Правила)<sup>1</sup>, вступившей в силу с 1 декабря 2014 г., деятельность патентного поверенного охарактеризована как деятельность, направленная на получения любых видов регистрационных документов для оформления прав на результаты ИС, и вся другая деятельность, связанная с этой сферой, вплоть до представления в суде.

---

<sup>1</sup> Правилам Патентной экспертной комиссии Великобритании, <https://www.epo.org/service-support/useful-links/attorneys.html> (дата обращения 09.11.2020 г.).

В соответствии с пунктом 4 Правил, выработана политика приемлемости (профессиональной компетенции), которая имеет 3 стадии: базовая проверка, окончательная проверка, и выдача сертификата в Патентном ведомстве.

На стадии базовой проверки указано следующее.

1. Кандидат должен иметь степень образования, полученную в Великобритании (a STEM degree)/ Если кандидат имеет степень, полученную за рубежом Британии, степень необходимо юридически признать.

2. Согласно Правилам, не обязательно иметь не менее 6- 12 месячного опыта работы в данной сфере (для получения упрощённого сертификата). В последующем, получившие упрощенные сертификаты кандидаты имеют возможность подать на получение расширенного сертификата.

Последней правовой системой для рассмотрения была выбрана КНР. Статус патентных поверенных в КНР определяется Законом «О регулировании деятельности патентного поверенного» (далее – Закон КНР)<sup>1</sup>, принятый 4 марта 1991 г.

Согласно главе III Закона КНР, патентными поверенными признаются владельцы «сертификата, квалифицированного патентного поверенного» и «разрешение на работу в качестве патентного поверенного».

Закон КНР выделяет следующие требования для кандидатов, изъявивших желание стать патентными поверенными:

а) гражданство КНР; порог возрастного ценза равен 18 годам с полной дееспособностью и правоспособностью;

б) выпускник колледжа (университета), с владением одного иностранного языка;

в) хорошо разбирающийся в патентном праве и соответствующих правовых дисциплинах;

г) должен быть учёным либо юристом с 2 летним стажем работы.

В случае если патентный поверенный не будет вовлечён в свою деятельность в течении 5 лет, то его сертификат либо разрешение теряет свою юридическую силу.

В данном нормативно-правовом акте содержатся обоснованные профессиональные ограничения, такие как не подавать заявки на

---

<sup>1</sup> Закон КНР «О регулировании патентном поручении», <http://www.acpaa.cn/english/article/content/201510/107/1.html> (дата обращения 09.11.2020 г.).



патент в своих целях во время выполнения своих профессиональных обязанностей и в течении 1 года после окончания деятельности патентного поверенного. Работники государственных органов также не имеют право заниматься деятельностью патентного поверенного в свободное время от основной работы.

Ввиду проведенного анализа опыта зарубежных стран, необходимо пересмотреть нормы законодательства Республики Узбекистан касательно статуса патентных поверенных, с учётом следующей факторов.

1. Опыт зарубежных стран демонстрирует, что возможность стать патентными поверенными имеет представитель любой категории профессий, компетентный в области ИС, при условии успешного прохождения аттестационного экзамена.

2. Трактовка нормы Положения о предоставлении возможности только двум категориям лиц нецелесообразна ввиду того, что услуги патентного поверенного на сегодняшний день очень востребованы, как в Узбекистане, так и за рубежом. В результате, количество патентных поверенных в Узбекистане составляет всего лишь 54 человека, т.е. это практически означает, что на 1 патентного поверенного приблизительно приходится 620 тыс. потенциальных доверителей, тогда как в Казахстане на 1 патентного поверенного приходится 115 тыс., а в России около 75 тыс.

3. Количество заявок, поданных через патентных поверенных, постоянно увеличивается и составляет 1361 заявку за 2018 г. и 1403 заявки за 2019 г. в Узбекистане. Эти показатели свидетельствуют об увеличении количества заявок в 2019 г. по сравнению с 2018 г., что в свою очередь подтверждает суждение о востребованности профессии патентных поверенных.

4. Вместе с тем, Положение уже содержит механизмы, которые изложены в пунктах 6<sup>1</sup> - 6<sup>3</sup> настоящего Положения, обеспечивающие увеличение количества патентных поверенных, путём подготовки, переподготовки квалифицированных специалистов.

Таким образом, исключение нормы касательно наличия стажа позволит существенно увеличить число патентных поверенных в нашей стране, а также будет способствовать либерализации порядка получения статуса патентного поверенного.

В заключении хотелось бы отметить, что вопрос гармонизации законодательства о патентных поверенных, сделанная на основе опыта передовых государств, является более чем актуальным ввиду

того, что Республика Узбекистан ведёт активные переговоры с Европейской патентной организацией (ЕРО). С учётом того, что все рассмотренные выше страны, за исключением КНР, являются членами ЕРО, и гармонизации законодательства на основе законодательств членом ЕРО позитивно повлияют на дальнейшее сотрудничество между Республикой Узбекистан и ЕРО.

**Зафар Тошев**  
(Тошкент давлат юридик  
университети магистранти)

## **МУАЛЛИФЛИК ВА ИХТИРОЧИЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Муаллифлик ҳуқуқи ва ихтирочилик ҳуқуқи ҳимоясига доир қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожига ҳамда мамлакатнинг интеллектуал ишлаб чиқариши ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу боис бу турдаги янги объектларни яратиш, илмий-ижодий фаолиятни моддий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни инновацион босқичга ўтказиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, айниқса, соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш, ҳуқуқ эгаларининг тегишли ҳуқуқларига оғишмай риоя этиш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади.

Муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш ҳамда интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларининг аниқ механизмларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгани бежизга эмас<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 61, 62-моддалари, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунининг 5,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят– процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–534–сон қонуни//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046–сон.

39-моддалари, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунининг (янги таҳрири) 45-моддасида ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар мазмуни кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш масалаларига бағишланган. Мазкур моддага кўра, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш жиноят деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарлик қўлланади<sup>1</sup>.

Ушбу турдаги жиноятларнинг *объекти* интеллектуал мулкнинг, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи бўлган объектлар-фан, адабиёт, санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, теле-радио ва кабель студияси маҳсулотлари, ихтирочилик ҳуқуқини белгиловчи муҳофаза ҳужжати – патентлар, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати – гувоҳномалар, ноу-хау, ошкор этилмаган ахборотлар муносабатлар ҳисобланади.

Ушбу жиноятнинг *предмети* матбаа маҳсулотлари, эфир орқали узатувлар, моддий ахборот ташувчилар, транспорт, техника воситалари, технологиялар ва бошқалардир.

*Объектив* томондан жиноят интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олишда, ҳаммуаллифликка мажбурлашда, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза бўлган ҳужжатларни қалбакилаштиришда, объектларни сохаталаштиришда, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги муълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилишда ифодаланади.

*Субъектига* тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс унинг субъектидир. *Субъектив* томондан ушбу турдаги жиноятлар тўғри қасдан содир этилади.

Маълумки, бугунги кунда компьютер дастурлари ва маълумотлар базаси муаллифлик ҳуқуқининг бошқа объектларига нисбатан шиддат билан ривожланмоқда. Соҳада фаолият кўрсатувчи айрим йирик компанияларнинг йиллик даромади 705 миллиард АҚШ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ–586–сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106– сон).

долларидан ортиқни ташкил қилади. Шундай бўлса-да, жаҳонда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасидан ноқонуний фойдаланиш 2016 йилда 39 фоизни ташкил қилган бўлиб, биргина АҚШда лицензияланмаган дастурий таъминот маҳсулотларидан фойдаланиш 19,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган<sup>1</sup>. Бу кўрсаткич дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам юқориликка қолмоқда. Бу йўналишда бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Европа Иттифоқининг директиваси мавжудлигига қарамасдан, ханузгача муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қароқчиликка, асарларининг контрафакт нусхаларини фуқаролик муомаласига киритилишига барҳам берилмаган. Ушбу ҳолат муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишни такомиллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради. Бугунги кунда илм-фан, техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар интеллектуал фаолият объектлари доирасини доимий равишда кенгайтириб ва чуқурлаштириб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳадаги қонунчилик тўхтовсиз такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.<sup>2</sup>

Муаллифлик ҳуқуқи ва ихтирочилик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик чораларининг белгиланиши ва кучайтирилиши ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиниши билан биргаликда жамиятда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек, уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилиниши белгиланган.<sup>4</sup>

---

<sup>1</sup> Мехмонов Қ. “Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига оид муносабатларни фуқаролик– ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2018.

<sup>2</sup> Кравец Л.Г. Проблемы охраны интеллектуальной собственности в условиях всемирной торговой организации / Сост.– М.: ИНИЦ Роспатента, 2005.

<sup>3</sup> Толчёнова Ю.В. Уголовная ответственность за нарушение авторских и смежных прав. Дисс. на соискание учёной степени кан.юрид. наук. –М.: 2010.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087–сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177–сон).

Жаҳон амалиётида контрафакт маҳсулотларнинг тарқатилиши орқасидан келиб чиқадиган зарар куйидаги омилларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади:

мамлакатнинг ташқи имиджига салбий таъсир ва инвестицион муҳитнинг бузилиши;

муаллифлик ҳуқуқлари эгаларининг маҳсулотларига етказилган зарар;

давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларига келиб тушадиган солиқ ва бошқа тўловларнинг келиб тушмаслиги натижасида мамлакат иқтисодиётига етказиладиган зарар;

уюшган жиноятчиликнинг молиялаштириш манбаси.

А.Юлдашовнинг таъкидлашича, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ қилмиш учун жавобгарликнинг белгиланиши ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини мустаҳкамлашда, контрафакт маҳсулотларининг айланиш (тасарруф этиш) ҳолатларини олдини олиш ва чек қўйишда, интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва нормаларни халқаро меъёрий ҳужжатларга мувофиқлаштиришда ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасини ҳалол рақобат асосида ривожланишида муҳим туртки ролини ўйнайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги интеллектуал мулк соҳаси қонунчилигини такомиллаштириш, уни янги нормалар билан бойитиш, қонунчиликдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш зарурияти субъектив қараш ёки фикр бўлмасдан, балки интеллектуал мулк ҳимояси масалалари билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг ҳам талабидир<sup>2</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1998 йил 6 март куни Москвада имзоланган “Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” келишув бунинг ёрқин мисолидир. Келишувнинг 6-моддасида “Томонлар интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликдан огоҳлантириш ва унинг олдини олишни назарда тутувчи жиноий, фуқаролик ва маъмурий қонунчилик нормаларини ишлаб чиқадилар ва амалиётга татбиқ этадилар” деб қайд этилган.

---

<sup>1</sup> Юлдашов А. “Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шартномавий– ҳуқуқий асослари” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2020.

<sup>2</sup> Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. – Т.: «Voris– Nashriyot», 2007.

Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС Битими 61-моддасига кўра давлатлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидан тижорат мақсадларида қонунсиз фойдаланишлари, қонунсиз катта даромадлар олишларининг олдини олиш мақсадида, жиноят қонунчилигидаги янги таҳрирдаги нормаларни киритиб туришлари ва жазо чораларини белгилаб боришларининг мажбурлиги кўрсатилган. Жазо чоралари сифатида пуллик жарималар, мол-мулкни мусодара қилиш, қамоқ билан боғлиқ жазоларни белгилашлари лозим.<sup>1</sup> Қонунсиз ишлаб чиқарилган, кўпайтирилган ва сохталаштирилган (контрафакт) нусхаларга арест солиш, уларни мусодара қилиш, йўқ қилиб ташлаш каби йўллар билан бу қонунбузарликларга барҳам беришга эришиш таъкидланади. Шунингдек, қонунсиз асар нусхаларини ишлаб чиқаришда қўлланилган техника воситалари, автомобиллар ва бошқа ашёлар ҳам мусодара қилиниши кўзда тутилиши даркор.<sup>2</sup>

Амалдаги қонунчилигимизнинг интеллектуал мулк бўйича қоидалари хорижий ҳамда халқаро тажриба асосида такомиллаштирилаётган бўлса-да, катор кодексларимиз интеллектуал мулк бўйича айрим нормалар билан тўлдирилиши лозим. Масалан, амалдаги қонунларимизда “контрафакт маҳсулот”, “қароқчилик маҳсулоти” ва “плагиат” тушунчалари, уларнинг ўзига ҳос жиҳатлари ва уларга қарши жавобгарлик чоралари ўз аксини топмаган. Назаримизда, ушбу ҳолат интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда айрим чигалликларни келтириб чиқариши мумкин.

“Контрафакт маҳсулот”, “қароқчилик маҳсулоти” ва “плагиат” тушунчалари нафақат Фуқаролик кодексида, балки интеллектуал мулк муносабатлари тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам тўлиқ акс эттирилмаган. Ушбу тушунчалар фақатгина доктрина кўринишда мавжуд, холос.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда жинорий жазоларни кучайтириш яхши самара бериши мумкин, деб ҳисоблайди айрим мутахассислар. Ш.Исмоиловнинг таъкидлашича, 1982 йилги АҚШ “Компьютер дастурларида муаллифлик ҳуқуқи” қонунига кўра муаллифлик ҳуқуқини бузувчиларга катта миқдорда жарима ва қамоқ жазоси белгиланадиган бўлди.<sup>3</sup> ВВ. Малинчук “мусодара”

<sup>1</sup> Implications of the TRIPS agreement on treaties administered by WIPO. –GENEVA.: WIPO, 1997.– P.65

<sup>2</sup>Соглашение по Торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. Оригинал–макет. –Женева.: ВТО, 1995. – С.58

<sup>3</sup> Исмоилов Ш. Муаллифлик ҳуқуқи: кеча ва бугун. //Диёнат газетаси, 2007 йил 12 январь

институтини чуқур таҳлил қилиб, шундай хулосага келадик, бу институт жазо чораси сифатида энг таъсирчан соҳалардан бири, уни амалиётда кенг қўллаш, ижобий натижалар бериши мумкин, деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муаллифлик ҳуқуқи ва ихтирочилик ҳуқуқлари мутлақ ҳуқуқлар бўлиб, ҳеч ким бу ҳуқуқлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиши мумкин эмас. Бу турдаги объектлар дахлсиз бўлиб, улардан рухсатсиз ва фойда олиш мақсадида фойдаланиш жиноят деб топилади. Соҳага оид жиноятларни аниқлаш, қилмишни малакалаш ва тергов қилиш усуллари ўзлаштириш ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтиришга ёрдам бериши мумкин. Зеро, инсон тафаккури қийматга эга экан, тафаккур мулки объектлари мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида муҳим омил саналади.

**Муроджон Жалолдинов**

*(Андижон вилояти интеллектуал мулк  
ҳимояси маркази раҳбари)*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ- ЗАМОН ТАЛАБИ**

*Ихтирочи ўз ақлини ишга солган ҳолда яратган  
кашфиёти нечоғли йирик муваффақият қозонишини  
кўрган пайтда юзага келган ҳис-туйғуга тенг келадиган  
бирон бир бошқа кучлироқ ҳаяжон бўлмаса керак.*

**Никола Тесла**

Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича яхши ривожланган ва изчил йўлга қўйилган тизимга боғлиқ. Зеро, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланган. Интеллектуал мулкнинг тараққий этиши ўз навбатида, иқтисодиётга сармоялар киритилишига, инновацион технологияларнинг жорий этилиши эса халқ ҳўжалигининг модернизациялашувига ҳисса қўшади.

Интеллектуал мулк объектларининг жамият ва давлат тараққиётида тутган ўрни муҳимлигини инобатга олиб, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар ҳимоясига доир нормаларни мустаҳкамлаш, шунингдек мазкур ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини халқаро амалиёт ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Шу жиҳатдан бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулкни ривожлантириш ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айтилиши соҳани янада ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу қарорга кўра мамалакатимизда 1 апрелдан бошлаб:

интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилинади;

тезкор экспертиза тартиби жорий этилади. Бунда, интеллектуал мулк объектини муҳофазага олиш учун топшириладиган талабнома бўйича дастлабки қидирув томонларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

2025 йил 1 январга қадар миллий экспорт қилувчилар томонидан чет элда товар келиб чиққан жой номларини рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлари Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади;

2021 йил 1 июнга қадар давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиради.



Президентимиз қарорида белгиланган ушбу вазифалар ижроси бўйича Интеллектуал мулк агентлигига соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни юклади. Ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда интеллектуал мулкнинг бошқа объектларини ҳимоя қилиш, улар бўйича ҳуқуқ эгаларини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ҳамда ихтиролар, илмий-техник, саноат ишланмаларини, селекция ютуқларини, бадий-конструкторлик ва бошқа турдаги ижодий ишларнинг кенг жорий этилишига кўмаклашиш, шунингдек, интеллектуал мулк объектларини экспертиза қилиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масаласида ягона позицияни ишлаб чиқиш ва бу соҳада халқаро миқёсда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш, аниқ мақсадли тайёргарлик кўриш ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида иштирок этишни таъминлаш каби асосий вазифалар юклатилди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида инновацион технологиялар ҳамда ихтироларни, илмий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар ҳам ушбу агентликнинг асосий вазифалари сирасига киради. Зеро бу соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш демакдир. Интеллектуал мулк агентлиги халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш асносида илмий-техник ютуқларни инновацион тадбиркорликка жорий этиш учун яхши шарт-шароит яратади. Бунда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши шубҳасиз, иқтисодиётимиз самарадорлигини кўтаришга кўмаклашади, бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Равшанбек Шербадалов**  
(Наманган вилояти интеллектуал  
мулк ҳимояси маркази етакчи мутахассиси)

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИННОВАЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, унинг инновацион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантиришда тутган ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Интеллектуал мулк – бу фирмаларнинг бозорда рақобатбардош мавқеини яхшилашга ёрдам берадиган муҳим восита ҳисобланади. Кенгроқ ифодаланганда интеллектуал мулк тушунчаси илмий, бадий асарларни, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаси, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган сир-саноатни ҳам англатади.

Интеллектуал мулк тушунчаси дастлаб 1967 йил 14 июлда “Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш тўғрисида”ги Стокгольм конвенциясида илгари сурилган ва унинг ҳуқуқий мақоми, шу жумладан, интеллектуал мулк объектлари ҳам аниқ белгилаб олинган. Мазкур ташкилот 1974 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мақомига эга бўлиб, ҳозирги кунда БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари қаторида фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам бу ташкилот билан кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2020 йил ҳолатига республикада интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган<sup>1</sup>. Шунингдек, мамлакатда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни тизимли ташкил этиш борасида ҳуқуқий асослар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2021 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк объектларини

---

<sup>1</sup> Jensen, P.H., Webster, E. (2009). Another look at the relationship between innovation proxies. Australian Economic Papers. 48(3). – pp.252–269.

муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу қарорда интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилиш, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш, интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ҳудудларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этиш масалаларини ўз ичига олган.

*Тадқиқот методологияси.* Тадқиқотнинг методологик асосини интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш орқали инновацияларни тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш муаммоларини таҳлил қилишда комплекс ёндашувни қўллаш ҳисобланади. Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг инновацияларни рағбатлантиришга бўлган таъсири масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндошувлар тизимлаштирилди. Таҳлил натижалари асосида инновацион фаолиятининг натижадорлиги ва самарали тижоратлаштиришда интеллектуал мулк муҳофазаси асосий воситаси эканлиги асосланган.

*Таҳлил ва натижалар.* Ҳозирги вақтда яратилган инновацияларни тижоратлаштириш интеллектуал мулк муҳофазасисиз амалга ошириш рақобат жиҳатдан хатарлидир. Шу билан бирга иқтисодиёти ривожланган давлатлар олдида инновацион фаолиятни интеллектуал мулк муҳофазаси орқали тартибга солиш, инновацияларни тижоратлаштириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда, “инновация” атамаси фанга илк бор австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, инновацияни тадбиркорлик фаолиятида фойда оладиган восита сифатида эътироф этганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мавзу доирасида ўрганилганда “инновация” интеллектуал фаолият натижаларини ёки янги технологияларни фуқаролик муомаласига татбиқ этиш жараёни

эканлиги кўрсатилган<sup>1</sup>. Кўп ҳолларда инновациялар иқтисодиётнинг реал секторига турли хил ихтироларни жорий этиш натижасида яратилади, уларга жаҳон миқёсидаги янгиликлар, технологик даражаси ва саноатдаги истеъмоли юқори бўлган янги қурилмалар, моддалар, технологиялар, табиий ҳужайралар (ўсимликлар ва ҳайвонларнинг) киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодиётнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулотни қадоқлашда муваффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йирик компания, ҳатто бутун давлатнинг имижини намойиш этишга қодир. Бунга Rolex, Nike, Adidas, Apple, Toyota, Mercedes Benz каби машҳур брендлар яққол мисол бўла олади. Кўп ҳолатларда Сингапур, Жанубий Корея ёки Япония каби илғор мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида гап кетганда, тасаввуримизда дарҳол инновацион иқтисодиёт пайдо бўлади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бу давлатларда инновация интеллектуал мулк объектларини яратишни рағбатлантирадиган ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган фундаментал асос ҳисобланади. Айниқса, дунё миқёсида кузатилаётган табиий ресурсларнинг танқислиги шароитида интеллектуал мулк стратегиясини қўллаш масаласи иқтисодиёти танг аҳволда бўлган мамлакатлар учун ягона ва асосий ечимдир.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган тизими ҳам корхонага, ҳам мамлакатга фойда келтиради. Бу илмий тадқиқотлардаги ютуқлар ва R&D (янги маҳсулот ёки тизимни саноатда ишлаб чиқаришдан олдин, яъни илмий тадқиқотлар доирасига кириб кетувчи прототиплар ва кичик ҳажмдаги маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ишлар мажмуи) харажатлари ошиши туфайли юз беради. R&D харажатлари компания инновацион фаолиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ҳозирда мамлакатда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий

---

<sup>1</sup> Окюлов О. Инновациянинг моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи // Интеллектуал мулк ҳуқуқи: ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Адолат, 2012. – Б.110.

<sup>2</sup> Ebert, C., Dumke, R., 2007. Software Measurement: Establish, Extract, Evaluate, Execute. Springer– Verlag. Berlin: Heidelberg.

этишнинг самарали механизмларини яратиш, инновацион фаолиятни амалга оширишда интеллектуал мулк объектлари эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, бу йўналишда миллий қонунчилик ҳали яхлит тизим сифатида шаклланмаганлиги боис соҳани ҳуқуқий тартибга солишда кўплаб муаммолар учрамоқда. Бу эса иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларининг ривожланишига, фан-техника ютуқларини тижоратлаштиришга салбий таъсирини ўтказмоқда.

Юқоридаги келтирилган фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтамиз:

интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва объектларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унга бевосита олимлар ва мутахассисларни жалб этиш.

интеллектуал мулк объектлари яратиш ва тижоратлаштириш соҳасига венчур фондларини кенг жалб қилиш;

олий таълим муассасалари ва тармоқ тадқиқот институтларида яратиладиган илмий ишланмаларни патентлаш ва тижоратлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолида интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш доир чора-тадбирларни янада кучайтириш.

**Алишер Боротов**

*(Юристар малакасини ошириш марказининг  
Фаргона вилоят ҳудудий филиали бош мутахассиси)*

## **ТОВАР БЕЛГИСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТАСАРРУФ ЭТИШНИНГ МОҲИЯТИ**

Маълумки, интеллектуал мулк объектлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўзига хос ўринни эгаллайди. Ҳар бир интеллектуал мулк объектнинг хусусиятлари унинг учун алоҳида ҳуқуқ режим, муҳофаза асослари ва шартларини белгилашни назарда тутлади. Бу эса, қонунчиликда ушбу объектга доир махсус нормалар мавжуд бўлишини ва замонавий талабларга мос равишда уни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда интеллектуал мулкнинг ўзига хос ва кенг тарқалган объектларидан бири ҳисобланган товар белгиларидан фойдаланиш алоҳида ўрин эгаллайди. Статистик маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 9 оyi мобайнида жамми 6363 та талабнома қабул қилинган бўлса, унинг 4752 таси айнан товар белгиларига нисбатан берилган талабномалардир. Бу эса, мазкур объектнинг интеллектуал мулк объекти сифатида нисбатан кенг тарқалган ва ҳуқуқий муҳофаза остига олинган ҳолда муомалага киритиладиган объект эканлигидан далолат беради.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шароитида Ўзбекистон Республикасида яратилаётган, тижорат муомаласига киритилаётган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиниши талаб даражасида эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида ушбу масалага эътибор қаратиб қуйидагиларни билдирди: экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим.

Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборат. Демак, интеллектуал мулк объектларининг нафақат ички фуқаролик муомаласини, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, бунинг учун зарур ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш алоҳида долзарблик касб этади.

Товар белгисини муҳофаза қилишга доир қонунчилик базаси қай аҳволда?,-деган ўринли савол туғилади. Айтиш лозимки, интеллектуал мулк объектлари бутун дунёда асосан халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган ва умумтанолинган халқаро нормалар, стандартлардан андоза олган ҳолда ривожланаётганлигига эътибор қаратиш лозим. Бу ўринда биқиқ, тор доирада, фақатгина бир давлат манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий муҳофазага доир нормаларни белгилаш ўзини оқламайди. Шу сабабли ҳам бутун дунё миқёсида бу борада алоҳида халқаро конвенция ва битимлар асосий ўринни эгаллайди. Табиийки, ушбу конвенция аъзолари ҳисобланган ва зиммаларига мажбурият олган мамлакатлар ўзининг миллий қонунчилигини шу асосда шакллантиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддаси 1-қисмига кўра товар белгиси интеллектуал мулкнинг аниқ ифода этилган натижаларига тенглаштирилган ўзига хос воситаси сифатида

талқин қилинади ва унга нисбатан шахснинг мутлақ ҳуқуқлари амал қилади. Товар белгиси интеллектуал мулкнинг шахсийлаштириш воситаси сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масаласи тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни товар белгиларининг махсус ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Унда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилар сифатида назарда тутилади. Товар белгиси ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади. Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин (Қонуннинг 3-4-моддалари).

Товар белгиси тушунчаси борасида юридик адабиётларда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, профессор О.Оқюлов товар белгиси тушунчасини шарҳлар экан, “товар белгиси – бу бир жисмоний ва юридик шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун фойдаланиладиган белгилар” деб таъриф беради. Ш.Жўраевнинг фикрича, “товар белгиси – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида уларнинг товар ва хизматларининг алоҳида фарқланувчи белгиларига эга бўлишлигидир”. Қонунга мувофиқ, қачонки мазкур товар белгисига тегишли тартибдаги муҳофаза ҳужжати тақдим этилгандагина у (товар белгиси) ўзининг муҳофазаланиш хусусиятига эга бўлади.

З.Бобоқулов Германия ва Италия давлатлари мазкур соҳадаги қонунчилигида “белги”, Россия ва Хитой қонунчилигида “товар белгиси”, АҚШ, Франция ва Голландия давлатлари қонунчилигида “савдо белгиси” сифатида тушунчаси белгиланган. Ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлган 1883 йил 20 мартдаги Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида эса “товар белгиси” сифатида кўрсатилишини қайд этади.

Фикримизча, товар белгиси айнан тижорат фаолияти иштирокчиларининг товар, иш, хизматларини бир-биридан ажратишга хизмат қилади. Бунда албатта ҳуқуқий муҳофаза тегишли муҳофаза ёрлиғи берилгандан сўнг юзага келади.

Аксарият ҳолларда интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга доир шартнома сифатида умумий шартномалар конструкциясини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Баъзида эса, ФКнинг 1036-моддасида назарда тутилган тартибда интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беришини назарда тутувчи конструкциядан ҳам фойдаланиш мумкин.

А.Д.Колмыкованинг фикрича, товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни ўтказиш мутлақ ҳуқуқни ўтказиш ҳақидаги шартнома асосида амалга оширилади. Бунда товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни бегоналаштириш тўлиқ ёки ТХХТ (Товар ва хизматларнинг халқаро таснифи – МКТУ международной классификации товаров и услуг) алоҳида синфлари бўйича ўтказилади. Агар бир товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар МКТУ бўйича турли синфлари асосида ўтказилса, ундан бир неча шахслар фойдаланиши мумкин. Учинчи шахсларга товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун эса, лицензия шартнома тузилади.

Фикримизча, А.Д.Колмыкова лицензия шартномасини ва ҳуқуқни бегоналаштириш ҳақидаги шартномани умумий равишда талқин қилади. Интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ва уни бегоналаштириш бир-биридан фарқланиши зарур. Бунда тасарруф этиладиган ҳуқуқ доираси аниқ белгиланиши зарурати мавжуд бўлади. Чунки, лицензия шартномаси бўйича лицензиатга тўлиқ ҳуқуқлар ўтишини назарда тутмайди. Гарчи, ФКнинг 1036-моддасида агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланиши белгиланган бўлсада, ушбу қоида нисбий ҳисобланади. Яъни, оддий лицензия шартномаси тузилганлиги презумцияси мавжуд бўлади.

Лицензия шартномаси мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишга доир асосий шартнома конструкцияси сифатида мавжуд. Бунда айнан интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан товар белгиларидан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш нисбатан кенг тарқалган.



Одатда, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этишининг икки йўл қўлланилади. Бу ҳуқуқларни тўлиқ ўтказиш ва фойдаланиш учун лицензия бериш. Ҳуқуқларни қисман ўтказишда рўйхатдан ўтказилган товарлар рўйхатида кўрсатилган товарларнинг қисмига нисбатан ҳуқуқлар ўтказилади. Бир товар белгиси бир ёки бир неча шахсларга турли хилдаги товарларга (албатта рўйхатдан ўтказилганларига) нисбатан ўтказилиши мумкин. Бундай шартномаларни рўйхатдан ўтказишда бир товарга нисбатан бир неча шахс эга бўлмаслиги учун экспертиза ўтказилади.

Р.О.Кононенконинг фикрича, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этишга доир шартномаларни қуйидаги тоифа бўйича таснифлаш ҳам мумкин:

товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этишга доир махсус шартномалар (мутлақ ҳуқуқларни тасарруф этишга доир шартнома, лицензия шартномаси, гаров шартномаси ва ҳ.к.);

бошқа мулкни топширишни назарда тутиш билан бирга товар белгисига нисбатан ҳам мутлақ ҳуқуқларни ўтказишни назарда тутувчи мажмуавий шартномалар (комплекс тадбиркорлик лицензияси, франчайзинг шартномаси, корхонани сотиш шартномаси ва ҳ.к.

Фикримизча, фуқаролик қонунчилиги баъзида бошқа мулк билан бир қаторда мутлақ ҳуқуқларни ҳам ўтказишни назарда тутуди. Бироқ, бундай шартномалар ҳозирги пайтда кенг тарқалмаган. Шартнома бўйича мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишни хоҳловчи албатта алоҳида шартнома доирасида ҳуқуқларни қўлга киритишни афзал кўради. Чунки, уни расмийлаштириш, давлат божини тўлаш, рўйхатдан ўтказиш каби жараёнлар бунга ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига кўра, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охириги беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

Бу ўринда муддат беш йиллик белгиланиши халқаро стандартларга мос келмайди. Қолаверса, ушбу моддада товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан

фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олинishi мумкинлиги назарда тутилган.

Қонуннинг 27-моддасига асосан, товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади. Демак, бу ўринда фойдаланиш деганда:

товар белгиси ҳуқуқ эгаси томонидан бевосита фойдаланиш;  
товар белгисидан уларнинг идиши ҳамда ўровида фойдаланиш;  
лицензия шартномаси асосида фойдаланиш назарда тутилади.

Бундан ташқари, товар белгисининг:

рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида, ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим этилаётган, сотилаётган ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ва (ёки) ташилаётган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилатган товарларнинг этикеткаларида, ўровларида;

товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда;

домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин. Бу ўринда товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш фойдаланиш ҳисобланмаслиги ҳақида норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги қонунининг 30-моддасида Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар) томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин. Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозимлигини назарда тутди. Бу ўринда қонун чиқарувчи фақат лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга

ўтказишни назарда тутати. Ваҳоланки, мутлақ ҳуқуқ эгаси уни ўзи истаган усулда тасарруф этишга ҳақли. Чунки, ФКнинг 1033-моддасига кўра, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкӣ ҳуқуқлар тегишли бўлади. мулкӣ ҳуқуқ табиати эса, шахсий номулкӣ ҳуқуқлардан фарқли равишда бир шахсдан бошқа шахсга тўлиқ ўтказилиши мумкинлигини назарда тутати.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунга қуйидаги мазмунда 30<sup>1</sup>-модда киритилиши мақсадга мувофиқ:

*“30<sup>1</sup>-модда. Товар белгисига нисбатан истисно ҳуқуқни тасарруф этиш. Товар белгисига нисбатан истисно ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқни қонунга ва истисно ҳуқуқ мазмунига зид бўлмаган ҳар қандай усулда тасарруф этишга, жумладан уни шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ бегоналаштиришга ёки товар белгисини шартномада (лицензия шартномаларда) белгиланган доирада фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга тақдим этишга ҳақли”.*

Бундай таҳрирдаги норманинг мавжуд бўлиши товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман ўтказилганлиги ҳамда фойдаланиш ёки ҳуқуқларни тўлиқ тасарруф этишга доир тушунчаларни тўлақонли мавжуд бўлишига ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

**Отабек Эшонқулов**  
(мустақил изланувчи)

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ БАҲОЛАШ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Юқори технологияли бизнес юритаётган корхоналарнинг қийматини бошқариш жараёнида интеллектуал мулкни инвентаризация қилиш ва профессионал баҳолаш инновацион иқтисодиёт ривожланиб бориши билан долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Номоддий активларни талаб даражасидаги тўғри ҳисобини

юритмасдан ва баҳоласдан туриб, замонавий юқори технологияли саноат корхоналарининг бозор қийматини адолатли баҳолаш мумкин эмас. Бугунги кунда номодий активларни усталик билан замонавий талаблар асосида бошқариш, бизнес юритишни ривожлантириш билан бир қаторда, реал қўшимча даромадлар кўпайишига ҳам замин яратади.

Бизнесни баҳолашда энг катта қийинчилик ундаги номоддий активларининг қийматини баҳолаш ҳисобланади. Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда бизнесни баҳолаш амалиётида фаолият олиб бораётган баҳоловчиларнинг ҳаммаси ҳам бизнесда фойдаланилаётган номоддий активларни аниқлашни (идентификация қилишни) тўғри бажара олишмайди.<sup>1</sup>

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, аксар ҳолларда экспертизага тақдим этилган баҳолаш ҳисоботларида номоддий активларни баҳолаш объекти сифатидаги тавсифи юзаки ва эпизодик характерга эга бўлади, бу ҳолат ўз навбатида баҳоланаётган номоддий активлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” қонунининг баҳолаш предметини аниқ тавсифлаш тўғрисидаги талаблари бузилаётганлигини кўришимиз ҳам мумкин.

Бугунги баҳолаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик компаниялар ўзларининг номоддий активлари ҳисобини (реестрини) юритмайди ва натижада баҳолаш жараёнида буюртмачилардан ўзларининг номоддий активлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни олиш имконияти мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолларда баҳоловчи ташкилотлар баҳоланадиган корxonанинг номоддий активларини инвентаризациядан ўтказиш, корхонага унинг номоддий активлари реестрини шакллантириш ва юритишда ёрдам бериш керак бўлади. Бироқ мазкур турдаги хизмат кўрсатишни кўпчилик баҳоловчи ташкилотлар амалга оширмайди, чунки бугунги кунда мамлакатимизда бундай кўникма ва малакага эга баҳоловчилар жуда камчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш масаласи ҳам бу борадаги ишларни лозим даражада эмаслигидан далолат бериб турибди.

---

<sup>1</sup> Зачем нужна инвентаризация интеллектуальной собственности. <https://www.vedomosti.ru/partner/articles/2019/10/21/814146-nematerialnie-tsennosti>.

Шу билан бирга, интеллектуал активларни баҳолашдаги яна бир муаммолардан бири унинг бозор қийматини ҳисобга олиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Маълумки, кўпчилик баҳоловчи ташкилотлар номоддий активларни баҳолашда унинг яратилиши ва сотиб олиниши билан боғлиқ қийматлари ҳисобга оладилар. Бироқ, юқори кадр-қимматга эга номоддий активларни баҳолашда уларнинг бозордаги қиймати ҳам эътиборга олиниши зарур ҳисобланади.

Интеллектуал фаолият натижаларига ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларини корхонанинг номоддий активлари сифатида тан олиниши учун улар албатта рўйхатга олиниши (инвентаризация қилиниши) зарур. Бундай инвентаризациянинг асосий мақсади корхонанинг иқтисодий ёки тижорат айланмасида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишнинг қонунийлигини аниқлашдан иборатдир.<sup>1</sup>

Ушбу жараён қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олади:

корхонанинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни топиш (қидириш) ва уларнинг тўлиқлигини текшириш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни корхона балансида тўғри ва ўз вақтида акс этганлигини текшириш;

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш жойи ва шаклини аниқлаш;

интеллектуал мулк объектларини яратиш (ҳуқуқларни олиш) ва уларни кўзланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш учун сарфланган харажатларни аниқлаш;

интеллектуал мулк объектларининг дастлабки нархини ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларга мувофиқ эскириш даражаси ва қолдиқ қийматини аниқлаш;

инвентаризация натижаларини ҳужжатлаштириш.

Инвентаризация натижасида корхонанинг барча потенциал фойдали номоддий активлари ҳолати тўғрисида ҳар томонлама маълумотларни ўз ичига олган номоддий активларнинг реестри шакллантирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, корхонанинг номоддий активлари сифатида фақат муайян талабларга жавоб берадиган, инвентаризация

---

<sup>1</sup>Аудит объектов интеллектуальной собственности. <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-obektov-intellektualnoy-sobstvennosti/viewer>.

жараёнида аниқланган интеллектуал фаолият натижаларига ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлари тан олиними мумкин<sup>1</sup>. Хусусан, халқаро баҳолаш стандартларига кўра номоддий активларни тан олиншининг мажбурий шартлари мавжуд бўлиб, унга кўра улар:

жисмоний субстанцияга (моддий тузилишга) эга бўлмаслиги лозим;

ўзининг иқтисодий хусусиятларини намоён қилган бўлиши зарур (номоддий активлар улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа активларни қийматини ошириш имкониятига эга бўлиши керак);

ўз эгасига аниқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тақдим этиши лозим (номоддий активлар ўзларининг ҳуқуқ эгаларига қонуний монополия шаклида эгалланган ҳуқуқ ва имтиёзларни, бошқа шахсларнинг ушбу номоддий активлардан фойдаланишини тақиқлаш ҳуқуқини тақдим этган бўлишлари зарур ва б.);

ўз эгасининг максимал фойда олишини таъминлаши керак (номоддий активлар даромадларни кўпайиши ёки харажатларнинг пасайиши кўринишида иқтисодий фойда келтириши керак, ушбу фойда ишлаб чиқарилган номоддий активнинг иқтисодий даромадини унинг эгаси ушбу номоддий актив бўлмаган тақдирда олиши мумкин бўлган иқтисодий даромад билан таққослаш орқали аниқланади).

Юқорида таъкидланганидек, хўжалик юритувчи субъектларга тегишли номоддий активларни инвентаризация қилишдан асосий мақсад уларни реестрини шакллантиришдан иборат. Бу жараёнда корхонанинг номоддий активлар реестри қуйидаги гуруҳларга ажратилган ҳолда юритилади<sup>2</sup>:

хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган, яъни ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш, бошқариш ёки тижорат технологияларида иштирок этадиган ва реал даромад ёки бошқа фойда олишга таъсир этувчи номоддий активлар;

истикболли номоддий активлар, яъни келажакда бизнес технологияларида фойдаланиш учун мўлжалланган активлар. Уларни иккита кичик гуруҳга бўлиш мумкин: молиялаштирилиши аниқ белгиланган дастур ва стратегик ривожланиш режаларига киритилган номоддий активлар ва келажакда бизнесни ривожлантиришни назарда

---

<sup>1</sup> Паламарчук А. Нематериальные активы и объекты интеллектуальной собственности. Имущественные отношения в РФ. Научный журнал. – №10. – 2017. – С.58.

<sup>2</sup> Методические рекомендации по инвентаризации прав на объекты интеллектуальной собственности. <https://wiseeconomist.ru/poleznoe/34600>.

тутувчи, бироқ ҳали молиялаштирилмаган режалар ва дастурларга киритилиши мўлжалланган номоддий активлар;

корхонанинг ишлаб чиқариш, тижорат ёки бошқарув фаолиятида фойдаланилмаётган, ўзининг ишлаб чиқариш ресурсини ўтаб бўлганлиги (функционал эскирганлиги) ёки корхонанинг ушбу номоддий активга бўлган мутлақ ҳуқуқлари амал қилишининг қонуний муддати (шартнома бўйича ҳам) тугаганлиги сабабли реестрдан (ҳисобдан) чиқарилган номоддий активлар. Одатда, реестрдан чиқарилган номоддий активлар 3 йил давомида сақланиши зарур;

эгасиз номоддий активлар, яъни бир вақтлар илмий-тадқиқот, ихтирочилик ёки тажриба-конструкторлик фаолиятини лойиҳалаштириш жараёнида яратилган номоддий активлар. Улар одатда буюртмачи томонидан қўйилган вазифалар доирасида яратилган бўлсада, бироқ кейинчалик буюртма бўйича олиб борилган тадқиқот мутахассислигининг йўналишларига мансуб бўлмаган, ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, қуриш ва ўзлаштиришда ёки бизнесни қайта ташкил этишда керак бўлмай қолган номоддий активлар ҳисобланади. Ушбу гуруҳга мансуб номоддий объектларни икки турга: истиқболли, яъни келажақда корхонанинг фаолиятида фойдаланилиши мумкин бўлган ва истиқболсиз, яъни фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган, сотиб юборилиши керак бўлган номоддий активларга бўлиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, номоддий активлар реестрини юритмасдан туриб хусусийлаштириш ишларини олиб бориш ёки хўжалик фаолиятини, бизнесни ташкилий бирлигини ўзгартириш (корхонани қўшиб юбориш, ажратиш, бўлиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш нотўғри бўлади. Чунки, инвентаризацияни инкор қилиш, келажақда корхонанинг қайта ташкил этилишининг қонунийлиги юзасидан низоларни келиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, интеллектуал мулкни иқтисодий баҳолаш асосан лицензиянинг эгаси томонидан ўз фаолиятида интеллектуал мулк объектларидан олиниши мумкин бўлган реал қўшимча фойдани ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк аниқ фойдаланилганда, яъни у тижорий муомалага киртилгандагина бозор баҳосига эга бўлади. Интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритилиши, унга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўрнатилиши ва ушбу ҳуқуқ соҳибининг бундай

объектлардан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши имконияти вужудга келган пайтдан бошлаб амалга оширилган ҳисобланади.

Ҳаттоки мулақ ҳуқуқ соҳиби бундай объектларни учинчи шахслардан номуайян муддатга беркитиб қўйган ҳолларда ҳам улар фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган деб топилади.<sup>1</sup> Чунки, уларга нисбатан ҳуқуқий ҳимоя ўрнатилган бўлиб, бундай объектларга бўлган мулақ ҳуқуқ исталган вақтда талаб қилиб олинishi мумкин.

Интеллектуал мулкни хўжалик муомаласига киритиш ҳар қандай шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, мулақ ҳуқуқ соҳиби ўз фаолиятида интеллектуал мулк объектнинг ўзини тайёр маҳсулот тарзида ишлаб чиқаради ёки ундан бошқа маҳсулотни яратишда фойдаланади. Бундан ташқари, бундай объектларга нисбатан патент соҳиблари ўзларига тегишли бўлган лицензияларни бошқа шахсларга сотиши ёки улардан учинчи шахслар фойдасига воз кечиши шаклида ҳам интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласига киритишлари мумкин. Ушбу санаб ўтилган ҳар бир ҳолатда ижодий фаолият натижалари соҳиблари ўзларига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласига киритишлари билан фойда олишни кўзлаётганликларини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк ва бошқа номоддий объектларнинг бозор қийматини баҳолашда, ушбу баҳолаш объектларининг товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бизнес (хўжалик) фаолиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида фойдаланилганлик факти муҳим аҳамият касб этади.

Юқори технологияли бизнес қийматини ва биринчи навбатда, унинг номоддий активларини сифатли баҳолаш келажакда ушбу бизнеснинг иқтисодий барқарорлигини, унинг истиқболларини, умуман фойда ва қийматнинг ўсишини ривожлантириш имкониятларини олдиндан белгилаб беради.

Бу эса ўз навбатида, юқори технологияли бизнеснинг инвестиция жозибадорлигини ва унинг қўшимча капитал оқимини интенсификация равишда ошириш қобилиятини белгилайди. Шунинг учун фикримизча, инновацион фаолият менежерлари ва юқори технологияли бизнес эгалари учун номоддий активларни инвентаризация қилиш, сертификатлаштириш ва баҳолаш келажакда

---

<sup>1</sup> Мамажонов Х.А. Инвентаризация и профессиональная оценка интеллектуальной собственности как фактор развития инновационных систем. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник международной конференции. –Т.: 2008. – С.14.



жорий бизнес (хўжалик) бошқаруви фаолиятида зарур бўлган даврий равишда такрорланадиган тадбирларга айланиши зарур. Чунки ушбу жараёнлар билан боғлиқ тадбирларни сифатли амалга оширилиши натижасида нафақат бизнесни ёки хўжалик фаолиятини ривожлантиришга, балки рақобат хавфини сезиларли даражада камайтиришга ҳам эришилиши мумкин.

**Олимжон Исроилов**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчи)*

## **МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликда муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимоя воситалари ва мажбурий чора тадбирлар алоҳида нормалар сифатида ўрнатилмаган. Лекин, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун давлат томонидан кўриладиган тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир. Таъкидлаш ўринли бўладики, республикамиз қонунчилигида контрафакт нусхаларга халқаро актлар талабларидан келиб чиқиб ҳуқуқий таъриф берилган, уларнинг ҳуқуқий табиати очиб берилган. Бу ўз навбатида бу соҳада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўришда анча енгиллик туғдиради.

*Сохталаштирилган нусхалар* деганда шундай асар ва фонограммалар ёки кўриқланиши тўхтатилган давлатлардан муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг розилигисиз республикада кўпайтирилган асар ва фонограмма нусхалари тушунилади.

*Асардан шартномасиз фойдаланиш* деганда эса асардан шартномада назарда тутилмаган усулда ва шаклларда ёки бунда шартноманинг амал қилиши тўхтаганидан кейин асардан фойдаланиш тушунилади. Ҳозирги замонда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош

ҳуқуқларни бузишда қароқчилик, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, муаллифликни ўзлаштириб олиш ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг оғирроқ турлари ҳам мавжуд.

*Плагиат* ўзганинг асарини ўзлаштириб, ўз номи ёки тахаллус билан ёхуд номсиз расмийлаштириш орқали эълон қилиш, кўчирмачилик қилиб асарга эгалик қилиш.

*Ҳаммуалифликка мажбур қилиш ёки муаллифликни ўзлаштириб олиш* муаллиф томонидан яратилган асар (фонограмма) гадахли бўлмаса да, ўзининг номини қўшиб қўйишни талаб қилиш, мажбур қилиш ва ўзагининг асарини шу йўл билан ўзига тегишли деб тан олдириш тушунилади.

Бундай ҳуқуқбузарликлар зиён даражаси ва келтирилган моддий зарар, ижтимоий хавфлилик даражаси ва тиклаб бўлмайдиган оқибатлари билан туркумланади. Яъни, ҳуқуқбузарликнинг оғир ёки енгиллик даражасига қараб фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиш мезонлари белгиланади.

Ҳуқуқбузар ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида етказган моддий ва маънавий зарари даражасига қараб “*фуқаролик жавобгарлиги*”га тортилади. Қонунда ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаши шарт.

*Моддий зарар* ҳуқуқбузар томонидан ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида ҳуқуқ эгасига етказилган мулкӣ зарар, бой берилган фойда, олинмай қолган даромадлар ва ҳуқуқни тиклаш учун сарф қилинган харажатлар моддий зарарни ташкил этади.

*Компенсация* бузилган шахсий номулкӣ ҳуқуқларни тиклаш имконияти бўлмаганида, миждознинг шахсини инобатга олиб шартнома тузилганида, шартнома муддати кечиктирилганида, мажбурлаш орқасида шартнома шартларини бажариш ишнинг сифати бузилишига олиб келади. “Бунга ўхшаш ҳолатларда компенсация санкциялари қўлланади”, деб уқтиради Визер Бернд<sup>1</sup>.

*Жарима* айбдордан қилмиш учун давлат даромадига муайян миқдорда пул ундиришдир.

Бугунги кунда жамиятда энг кўп тарқалган ҳуқуқбузарлик-бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 167-моддасида видеоёзувли

---

<sup>1</sup> Визер Бернд. Защита прав человека в Австрии. Защита прав человека в современном мире. –М.: БЕК, 1993. – С.52.

кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишпаш қоидаларини бузишда маъмурий ҳуқуқбузарлик қоидаси ўрнатилган. Қоидага кўра, эксперт комиссияси баҳоламаган видеоёзувли кассеталарни сотиш, тегишли рухсат олмай туриб видео муассасаларини (видеоёзувли кассеталарни ижарага бериш пунктлари, видеозаллар, кабель телевиденияси студияларини) очиш ёки бундай муассасаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уларнинг фаолиятини давом эттириш ва бошқа ҳолатлар маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.

Айтиш керакки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликлар турлари унчалик кўп эмас, бу эса ўз навбатида асарлардан рухсатсиз фойдаланишнинг авж олишига сабаб бўлаётган ҳолатдир. Кодексга янги мазмундаги нормалар киритилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқига оид соҳадаги қонунчиликда муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимоя воситалари ва мажбурий чора тадбирлари алоҳида норма сифатида ўрнатилмаган. Кодексда белгиланадиган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун давлат томонидан кўриладиган тадбирлар катта аҳамиятга эга. Масалан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий нормаларининг рўёбга чиқарилиши учун юқорида таклиф этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари учун керакли нормаларнинг ўрнатилиши муҳим ҳисобланади. Бу эса халқаро нормалар Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПСС Битими талабларидан бири бўлиб, Битимнинг III-қисм, 3-бўлимида вақтинчалик чора-тадбирлар, 4-бўлимда чегара тадбирларига оид алоҳида талаблар, 5-бўлимда эса жинойий жазо тадбирлари алоҳида нормаларда мустаҳкамлаган<sup>1</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солиш бошқа қонунларда ҳам халқаро нормалар талаблари ўз аксини топмоғи лозим. Конвенцияларнинг ҳар бир аъзо-давлатида муаллиф ёки ҳуқуқ эгасининг асари дахлсизлиги таъминланиши ва муаллифнинг ҳуқуқи тўлиқ ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Мана шу халқаро қоида бажарилиши учун қуйидаги бир қатор муаммолар юзага келади:

*биринчидан*, республикамизда тегишли ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи янги нормалар ўрнатилиш лозим;

---

<sup>1</sup> Implications of the TRIPS agreement on treaties administered by WIPO. –Geneva.: WIPO, 1996.

*иккинчидан*, солиқ-божхона, чегара хизмати органларининг ички меъёрий ҳужжатларига шу турдаги муҳсулотларни олиб чиқиш ва олиб кириш тартиблари белгиланиши, бу турдаги объектлар республикага олиб кириш ёки олиб чиқиб кетилиши учун “махсус рўйхатга олиш тартиби” белгиланмоғи лозим;

*учинчидан*, жойларда ва шу соҳа объектларидан шахслар қандай фойдаланаётганликларини назорат қилиб туриш тизимининг яратилиши, назорат олиб боровчи шахслар таркиби (ишончли вакиллар) белгиланмоғи лозим. Мана шу вазифалар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Божхона кодекси ва бошқа соҳа қонунларда ўз аксини топиши зарур.

В.И.Ерёменконинг фикрича, Россия Федерацияси Божхона кодексида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида нормаларнинг киритилгани, қароқчиликнинг олдини олишга катта хизмат қилмоқда<sup>1</sup>. Муаллифлик ҳуқуқининг объектларидан фойдаланиш натижасида олинган даромадлар ҳақида ёлғон маълумотлар бериш ёки даромадлар ҳақида зарур маълумотларни тақдим қилишни рад этиш, деган мазмунда ҳам маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги модда киритилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқи соҳасида маъмурий жавобгарликдан ташқари, жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган. Ҳозирги замон муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишда қароқчилик, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, муаллифликни ўзлаштириб олиш ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик турлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг аввалги Жиноят кодексининг 149-моддасида муаллифликни ўзлаштириб олиш ёки ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, деган алоҳида норма белгиланган эди<sup>2</sup>. Кодексда кейинчалик бу модда 149-модда сифатида “муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш” деб номланди ва қуйидаги мазмунда берилди:

Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш, жиноий жазо белгиланди.

---

<sup>1</sup> Ерёменко В.И. Вопросы интеллектуальной собственности в законодательных актах Российской Федерации // Государство и право. 2005. – № 11. – С.30– 31

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1995 йил, № 2, 5– модда

Дунёда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашда самарадорликка эришиш мақсадида қаттиқроқ жиноий жазо чоралари белгиланган. ТРИПСС Битимининг 61-моддасига кўра давлатлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидан тижорат мақсадларида қонунсиз фойдаланишлари, қонунсиз катта даромадлар олишларининг олдини олиш мақсадида, жиноят қонунчилигидаги янги таҳрирдаги нормаларни киритиб туришлари ва жазо чораларини белгилаб боришларининг мажбурлиги кўрсатилган. Жазо чоралари сифатида пуллик жарималар, мол-мулкни мусодара қилиш, қамоқ билан боғлиқ жазоларни белгилашлари лозим<sup>1</sup>. Қонунсиз ишлаб чиқарилган, кўпайтирилган ва сохталаштирилган (контрафакт) нусхаларга арест солиш, уларни мусодара қилиш, йўқ қилиб ташлаш каби йўллар билан бу қонунбузарликларга барҳам беришга эришиш таъкидланади. Шунингдек, қонунсиз асар нусхаларини ишлаб чиқаришда қўлланилган техника воситалари, автомобиллар ва бошқа ашёлар ҳам мусодара қилиниши кўзда тутилиши даркор<sup>2</sup>.

М.В.Талан, Д.В.Огородов, Д.Т.Огородовлар компьютер соҳасида кучайиб бораётган “қароқчилик” ҳуқуқбузарликлар ва унинг олдини олиш унга қарши кураш йўлларини таҳлил қилиб, бу соҳада жиноий жавобгарликни ўрнатиш лозимлигини айтишади. М.В.Талан компьютер технологиялари ёрдамида авж олиб бораётган “анъанавий жиноятлар”ни таҳлил этган ва унга қарши кураш йўлларини таклиф этган<sup>3</sup>.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий жазо нормаларининг миллий қонунчиликда ўрнатилиши долзарб вазифалардан бири эканлиги ҳақидаги фикрларни олимлардан М. Фичор (БИМТ), У.Ухтенхаген (Швейцария), И.В.Савельева (Россия), В.Дилленц (Австрия) О.Азимов, И.Насриев ва О.Оқюлов (Ўзбекистон), ва бошқалар ўз асарларида таҳлил қилганлар.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда жиноий жазоларни кучайтириш яхши самара бериши мумкин, деб ҳисоблайди айрим мутахассислар. Ш.Исмоиловнинг таъкидлашича, 1982 йилги АҚШ “Компьютер дастурларида муаллифлик ҳуқуқи” Қонунига кўра муаллифлик ҳуқуқини бузувчиларга катта миқдорда жарима ва қамоқ

<sup>1</sup> Implications of the TRIPS agreement on treaties administered by WIPO. – GENEVA.: WIPO, 1997. – P.65

<sup>2</sup> Соглашение по Торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. Оригинал–макет. – Женева.: ВТО, 1995. – С.58

<sup>3</sup> Государство и право. – М.: Наука, 1998. – № 4. – С.19

жазоси белгиланадиган бўлди<sup>1</sup>. В.В.Малинчук “мусодара” институтини чуқур таҳлил қилиб, шундай хулосага келадикки, бу институт жазо чораси сифатида энг таъсирчан соҳалардан бири, уни амалиётда кенг қўллаш, ижобий натижалар бериши мумкин, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида муаллифлик ҳуқуқларини бузишдаги жиноий хатти-ҳаракатларга тегишли таърифлар берилган. Унга кўра тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, шунингдек тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз эълон қилиш жиноят деб тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқубузарликларга қарши курашиш жаҳон ҳамжамиятчилигини ташвишга солиб бормоқда. Муаллифлар ва уларнинг меросхўрларига тегишли бўлган ҳуқуқларни амалда таъминлаш учун давлатлар томонидан миллий қонунчиликнинг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши дастлабки вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Исмоилов Ш. Муаллифлик ҳуқуқи: кеча ва бугун. //Диёнат газетаси, 2007 йил 12 январь.

<sup>2</sup> Малинчук В.В. Актуальные вопросы совершенствования конфискации // Государство и право, 2004.— № 7. — С.36– 37

---

---

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Отажонов Абдоржон Анваровичнинг конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи ..... | 3  |
| <b>Оманбой Окюлов.</b> Фуқаролик кодекси лойиҳасини IV бўлимини шакллантиришнинг концептуал асослари .....  | 6  |
| <b>Абдоржон Отажонов.</b> Юридик адабиётларни яратишда муаллифлик ҳуқуқи кафолатлари, уларни тайёрлашдаги мавжуд муаммолар ва бартараф қилиш йўллари .....  | 13 |
| <b>Бобоқул Тошев.</b> Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация қилишнинг назарий ҳамда амалий масалалари .....  | 17 |
| <b>Абдумўмин Юлдашов.</b> Муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва унинг иқтисодийдаги ўрни .....  | 24 |
| <b>Қамбариддин Мехмонов.</b> Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишнинг замонавий тенденциялари .....   | 29 |
| <b>Вали Умаралиев.</b> Некоторые аспекты совершенствования действующего законодательства Республики Узбекистан в сфере интеллектуальной собственности и защиты неимущественных прав их субъектов .....                                | 41 |
| <b>Дониёр Рахимов.</b> Интеллектуал мулк объектлари мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида .....  | 46 |
| <b>Гулнора Худайбердиева.</b> Муаллифлар ва ижрочилар мулкый ҳуқуқларини бошқаришнинг айрим жиҳатлари .....   | 51 |
| <b>Дилшод Худжанов.</b> Киноасар яхлит бир мулк – бўлинмасдир .....   | 57 |
| <b>Санжар Ўрманов.</b> Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари .....   | 60 |
| <b>Фазлиддин Амиркулов.</b> Товар белгиларининг фуқаровий-ҳуқуқий ҳимояси .....   | 64 |
| <b>Mirazim Erkinov.</b> Kinosanoatning bo‘ysunmas dushmani kinoqaroqchilikning har qanday ko‘rinishiga qarshimiz .....  | 70 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>Ulug‘bek Ravshanov.</b> Intellektual mulk huquqi himoya qilinishing huquqiy asoslari .....   | 74  |
| <b>Мамасаид Бобояров.</b> Муаллифлик ҳуқуқида мерос масалаларини такомиллаштириш масалалари .....   | 77  |
| <b>Фозилбек Дустияров.</b> Товар белгиси қийматини баҳолаш .....  | 80  |
| <b>Dilrabo Egamova.</b> Intellektual mulk obyektlarini tijoratlashtirish masalalari .....   | 86  |
| <b>Шахноза Зуфарова.</b> Вопросы усиления роли правоохранительных органов Узбекистана в сфере защиты прав интеллектуальной собственности в соответствии с требованиями соглашения ВТО ..... | 90  |
| <b>Suhrob-Bek Isoqov, Temur Muhammedov.</b> The protection of intellectual property in Uzbekistan: existent problems, new reforms and future strategies .....                               | 94  |
| <b>Зафар Бабакулов.</b> Товар белгисини интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари билан ўзаро муносабати ва унга нисбатан ҳуқуқларни амалга оширишнинг шартлари ва тартиби .....               | 98  |
| <b>Аброржон Қодиров.</b> Контрафакт маҳсулотларига қарши курашнинг долзарблиги ва ҳуқуқий-ташкилий жиҳатлари .....  | 117 |
| <b>Акмал Мамадалиев.</b> Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муҳим вазифа .....  | 120 |
| <b>Dilshod Boboqulov.</b> Internetda intellektual mulkning huquqiy himoyasi: plagiat, qaroqchilik kontrafakt .....  | 122 |
| <b>Анвар Қурбонов.</b> Ўзбекистонда божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда ех-offісіони қўллаш масаласи .....                                     | 127 |
| <b>Джасур Кличев.</b> Вопросы защиты географических указаний в соответствии с законодательством Республики Узбекистан .....   | 132 |
| <b>Бекполат Аймуратов.</b> Актуальные вопросы коммерциализации объектов авторского права .....  | 137 |
| <b>Шароф Абдумаликов.</b> Статус патентных поверенных в Республики Узбекистан .....   | 140 |
| <b>Зафар Тошев.</b> Муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқига оид жинойтларнинг ўзига хос хусусиятлари .....   | 146 |



|   |     |
|---|-----|
| <b>Муроджон Жалолдинов.</b> Интеллектуал мулк ҳуқуқини<br>ҳимоя қилиш – замон талаби .....  | 151 |
| <b>Равшанбек Шербадалов.</b> Интеллектуал мулкни<br>ҳимоя қилиш инновацияларни рағбатлантириш<br>воситаси сифатида .....  | 154 |
| <b>Алишер Боротов.</b> Товар белгисидан фойдаланиш<br>ва уни тасарруф этишнинг моҳияти .....  | 157 |
| <b>Отабек Эшонқулов.</b> Интеллектуал мулк объектларини<br>инвентаризация қилиш ва уларни профессионал баҳолаш<br>инновацион иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили ..... | 163 |
| <b>Олимжон Исроилов.</b> Муаллифлик ҳуқуқида ҳуқуқбузарликлар ва<br>жавобгарлик масалалари.....   | 169 |

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МУАММОЛАРИ

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари  
(2021 йил 16 апрель)*

Босишга рухсат этилди 25.05.2021. Нашр-ҳисоб табағи 12,0.  
Адали \_\_\_\_ нусха. Буюртма № Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази,  
100197, Тошкент ш., Катта Дархон кўчаси, 6.